

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҚОСИМ ЯҲЁЕВ

**СОЛИҚҚА ТОРТИШ
НАЗАРИЯСИ ВА
АМАЛИЁТИ**

Дарслик

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 2000

65.261.4
Я 90

Нашр учун масъул — М. КЕНЖАЕВ

Илмий муҳаррир — Ё. АБДУЛЛАЕВ, иқтисод фанлари доктори,
профессор.

Масъул муҳаррир — К. НОРМАТОВ, тарих фанлари доктори, профессор.
Тақризчилар: Э. АКРОМОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор,
F. ҚУДРАТОВ, иқтисод фанлари номзоди, доцент,
Б. ТОШМУРОДОВА, катта ўқитувчи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТАВСИЯ ЭТГАН.

Я 0605010204 - 78
M352(04) - 2000 қатъий буюртма, 2000

ISBN 5-635-01930-7

© Қосим Яҳёев,
Faafur Fuлом номидаги
Адабиёт ва санъат
нашриёти, 2000 й.

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, истеъмол бозорини барқарорлаштириш, Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши юзасидан муҳим қадамлар кўйилди. Бу борада давлатнинг солиқ сиёсати, солиқларнинг роли катта аҳамиятга молик бўлди. Иқтисодий муносабатлар даврида солиқлар, йигимлар ва божхона тўловларини ўз вақтида ҳамда тўла амалга ошириш республика бюджетини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ўзининг “Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” китобида: “Бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олишдан иборатdir”, деб таъкидлайди.

И. А. Каримов Идоралараро мувофиқлаштириш кенгаши йиғилишида сўзлаган маъруzasида: “Мен бир ҳақиқатни барча тушуниб олишини истайман: эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш — бу бизнинг олга интилишишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир” (“СБХ”, 5-сон, 2000 й. 3—9 февраль).

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш давлатнинг солиқ сиёсатига ҳам чамбарчас боғлиқдир. Солиқларни чукур ўрганиш ва уларни такомиллаштириш учун қатор дарсликлар, қўлланмалар ёзилиши ва чукур изланишлар олиб борилиши зарур.

Ушбу дарсликда биз Ўзбекистон Республикаси солиқлари ни уч бўлимга ажратдик.

Биринчи бўлимда ягона солиқ тизими таркиби атрофлича таҳлил қилиниб, бюджетдан ташқари жамгармаларга тушадиган солиқсиз тўловлар тўғрисида ҳам тушунчалар берилган. Муаллиф солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш борасида ўз фикрларини баён этган. Шунингдек, солиқлар тушунчаси, унинг моҳияти, функциялари, солиқ сиёсати, ижтимоий кафо-

латланган бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама кўриб чиқилган.

Иккинчи бўлим — юридик шахслар тўлайдиган солиқлар ва йигимлар ҳақида. Дарслиқда юридик шахслар солиқлари ичida эътиборни кўпроқ юридик шахслар даромадига (фойдасига) солик, ККС, ер солиқлари ва бошқаларга қаратдик.

Юридик шахслар солиқлари бюджет даромадларида 82—86 фоизни эгаллаши ва уларга катта эътибор берилиши талаб қилинади.

Учинчи бўлим эса жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар ва йигимлар таркибини кўриб чиқишига қаратилган. Бу бўлимда аксарият жисмоний шахслардан олинадиган энг муҳим солик бўлмиш даромад солигини ҳар томонлама ёритишга ҳаракат қилдик. Ундан ташқари, бу бўлимда жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиги, ер солиги ва бошқа солиқларига ҳам алоҳида тўхталинади.

Охириги икки қисмга кирувчи ҳар бир солик бўйича шартли мисоллар берилиб, дарслик мазмунини бойитишга ҳаракат қилинди. Дарслик мавзулари чукур, ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун ҳар бир мавзу бўйича қайтариш саволлари берилган. Ушбу дарслик солиқчи мутахассисларнинг профессионал билимини чукурлаштиришга мўлжалланган. Бу ерда ҳамма солиқларнинг тушунчалари, тўловчилари, обьекти, ҳисоблаш тартиби ва бюджетта ўтказиш усуслари ҳамда солиқларга берилган имтиёзлар атрофлича ёритилган.

Ўзбекистоннинг мустақил солик тизимини яратиш ҳаракати асосан 1992 йил 15 февралдаги “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар солиқлари тўғрисида”ги Қонун ва 1993 йил май ойида Олий Конгражининг “Маҳаллий солиқлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинишидан бошланди. Бу Қонунлар бўйича чиқарилган солиқлар йилма-йил такомиллаштирилиб борилди. Ниҳоят, 1997 йил 24 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг солик Кодекси” қабул қилинди. Бу Кодекс солик ва йигимлар ҳақидаги ўйл-юйриқларни ягона ҳужжатга тўплади. Солик Кодекси асосида бир қанча ўйриқномалар ва тартиблар ишлаб чиқилди.

Мустақилликка эришилган йиллар давомида солиқлар бўйича ўтказилган ислоҳотларни икки даврга бўлиш мумкин. 1991—1994 йилларда асосий эътибор солиқларнинг хазина функциясига қаратилди, яъни солиқлар бюджетни маблағ билан тъминлаш, уни даромадлар ва харажатлар ўргасидаги мувозанатини яратишга бағишлианди. Солиқлар корхоналарни кенгайтириш ва техникавий қайта куроллантиришни чеклаб кўйган эди. Бунинг устига берилган кўпгина имтиёзлар амалиётда яхши ишламади. Шунинг учун солиқлар оғирлигини камайтириш обьектив зарурият бўлиб қолган эди.

Ислоҳотларнинг иккинчи даври 1995—2000 йилларни ўз ичига олиб, бир қатор йўналишларда амалга оширилди. Жумладан, кўпгина солиқ турлари қисқартирилди ёки бириктирилди. Ер остидан фойдаланиш солиги минерал ҳом ашё фондига ажратма билан бириктирилди, мол-мулк солиги транспорт солиги билан бириктирилди. Қимматли қоғозлар операцияси солиги бекор қилинди, кичик корхоналар учун ягона солиқ, қишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчилар учун ягона Ер солиги жорий этилди, ҳом ашё ресурсларини четга сотишдан солиқ бекор қилинди, бюджетта 20 фоизли амортизацион ажратма туғатилди, фуқаролар даромад солиги шкаласи ўзгартирилиб, солиқ оғирлиги бир оз камайтирилди, экология солиги ва ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш солиги жорий этилди. 1999 йили киритилган меъёрдан ортиқ ишлаб чиқариш захиралари учун тўрт фоизли ҳақ 2000 йилдан бекор қилинди. Янги йилдан бошлаб сотилмаган тайёр маҳсулотлар меъридан ортиқ қолдиги учун 2 фоизли ҳақ жорий этилди ва тўлиқ маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган бўлди ва бошқалар. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ягона солиқ тизими яратилди. Унга умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ҳамда йигимлар киритилди.

Ушбу дарслик биринчи марта ёзилаётганлиги учун баъзи бир камчиликлари бўлиши мумкин. Улар кейинги нашрларда эътиборга олинади. Дарсликни ўқиган ва камчиликларни рўй-рост айтганларга муаллиф олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради.

МУАЛЛИФДАН

I БҮЛЛМ. СОЛИҚ НАЗАРИЯСИ

1-БОБ. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. СОЛИҚ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ, УНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

Солиқ назарияси фани солиқ ҳаракатларини чукур ўрганиш асосида хулоса қилиб олинган, тақрорланиб турадиган муносабатларни тартибга солиб ўргатади.

Солиқ назарияси солиқ амалиётидаги энг түғри, энг мұккаммал ва прогрессив воқеиликларни ўрганиб олиб, амалиёт учун худди бир дастуриламалдай ёритиб беради. Назария амалиёттанды олинади. Лекин фақат түғри, мұккаммал ҳисобланған амалиёт якуни олинади ва яна амалиётта ййл күрсатыш учун ўргатилади.

Демак, назария амалиёт учун керак ва компас, барометр, ййл бошловчи вазифасини бажаради. Шунинг учун назарияни чукур билған амалиётчи ҳеч йўлдан адашмайди.

Солиқ назарияси фанини ўқитишининг зарурлиги солиқ амалиётида йўлдан адашмаслик ва истиқболли қадамлар ташлаш учун, қолаверса, амалиёттада катта мұваффақиятларга эришиш учун ҳам зарурдир.

Солиқ назарияси фани иктисодий назария фани билан чамбарчас боғлиқдир ва унинг маҳсус бўлими, яъни чукурлаштирилган ва кенгайтирилган бўлимидир. Чунки солиқ назариясининг қонуниятлари умумиқтисодий назария қонуниятларидан четга чиқиб кетолмайди, уларга асосланади.

Бу фан молия назарияси фани билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Чунки солиқлар молия муносабатларининг таркибиға киради. Шунинг учун молия ҳам, солиқ ҳам пул муносабатларини ифодалайди. Уларнинг иккаласи учун ягона асос пул муносабатларининг мавжудлигидир. Лекин солиқ кейинчалик ўзига хос бўлган пул муносабатини, яъни солиқ тўловчилар билан давлат ўргасидаги мажбурий пул муносабатини ифодалайди. Бу муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини кейинги мавзуларимизда чуқурроқ очишга ҳаракат қиласиз.

Бу фан давлат бюджети, солиққа тортиш, чет мамлакатлар солиқлари, бухгалтерия ҳисоби фани билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

2. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ҳар қандай фан ўзининг предметига, яъни изланиш обьектига эга бўлиши керак. Масалан, технология фанинг предмети бўлиб кимёвий моддаларнинг таркибини ўрганиш ҳисобланса, машинасозлик учун машиналар механизмининг характеристикаси бўлса, солиқ назарияси фанинг предмети солиқ ҳаракатини ўрганишдир. Солиқقا тортишда эса солиқ механизмини ҳар тарафлама ўрганишдир.

Бу ҳаракат пул муносабатларини ўрганишдан иборат бўлади ёки солиқ ҳаракатини ўрганади. Бу пул муносабатлари солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан солиқ ундирувчи (олувчи) давлат ўртасида бўлади. Фаннинг бутун моҳияти шу ўргадаги муносабатни чуқур ўрганиш, уларни тўғри ташкил этилишини таъминлашдир. Тўғри ташкил этиш деганда солиқ муносабатида қатнашувчи томонларнинг иқтисодий манфаатини инобатта олган ҳолда муносабатни ташкил қилиш тушунилади.

Дадилроқ қилиб айтадиган бўлсак, бюджетга солиқ олишда солиқ тўловчиларни ортиқча хафа қилмаслик, унинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш режасига путур етказмаслик, муносабатни дўстона, бозор иқтисодиёти талабларига биноан ташкил этишга ҳаракат қилишдир. Бордюю бир томонлама зўравонлик муносабати кучайса, солиқ тўловчи шунга яраша ўз даромадларини, соликларнинг бошқа обьектларини ҳар хил йўллар билан яшириб, шеригини жазолайди. Бундай ҳолатларда ҳеч қандай ҳукуқий ҳужжатларнинг ҳам кучи етмай қолиши мумкин.

Демак, солиқ назарияси фанини чуқур ўрганиш орқали амалиётда солиқ тушумлари режаларини бажаришда ҳам катта муваффақиятларга эришиш мумкин.

Фаннинг вазифаси солиқ мутахассиси ва бошқа ходимларни назарий куроллантириш ҳамда амалиётда адашмаслик учун йўл-йўриқлар кўрсатишдан иборатдир. Шунингдек, чет эл солиқ амалиётини ўрганиш асосида қилинган хulosалар, уларнинг иш тажрибаларини ўзимизнинг иқтисодиётимизга мослаб татбиқ этишдан иборатдир.

Демак, фаннинг асосий вазифаси юқори малакали солиқ мутахассислари тайёрлашда уларни ҳам назарий, ҳам илмий жиҳатдан ушбу услугубий қўлланма билан таъминлашдир.

3. ДАВЛАТ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ – СОЛИҚ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ АСОСИДИР

Бозор иқтисодиёти талаб ва таклиф, рақобат, қиймат ва бошқа қонунлари орқали амалга оширилади. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ҳам ишлаб чиқариш ва пул муносабатлари мавжуд. Бозор иқтисодиёти, пировард натижасида пулли муносабатлар иқтисодиётидир.

Давлат ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни тақсимлашнинг қонун-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тақсимлашдаги муносабат бозор иқтисодиёти шароитида пул орқали амалга оширилганлигидан давлат уни бошқаришни ҳам пул муносабатлари орқали, яъни пул ва кредит орқали бошқаришни амалга оширади.

Бозор иқтисодиёти қонунларини ўрганиб чиқиб, давлат ижтимоий маҳсулот, миллий ички маҳсулот қийматини солиқ орқали тақсимлаш вазифасини ўз зиммасига олади. Шундай экан, давлат тўғрисидаги таълимот — давлат иқтисодиётини бошқаришда бош роль ўйнаши солиқ назарияси фанининг асоси бўлиб ҳисобланади. Давлат солиқ муносабатларини ташкил қилиб, бозор иқтисодиётини амалга оширишда етакчилик, бошқарувчилик ролини ўйнайди. Давлат солиқларнинг моҳияти ва вазифаларини мукаммал ўрганиб чиқиб, уни амалиётта татбиқ қилишни ҳам ўз зиммасига олади.

Бозор иқтисодиёти, унинг талаб ва таклиф, рақобат ва қиймат қонунлари солиқ назариясининг асосий негизидир. Давлат мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот қийматини қайта тақсимлайди ва солиқлардан тақсимлаш категорияси сифатида ўзининг ҳамма ижтимоий талабларини қондиришда фойдалана олади.

4. СОЛИҚ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ РОЛИ

Солиқ хизмати ходимлари ўзларига қонун хужжатларида юкланган вазифаларни мувваффақиятли бажаришлари учун фақат назарий жиҳатларни билибгина қолмасдан, ундаги солиқларнинг моҳияти ва зарурлигини, улар учун умумий асосга эга бўлган солиқ тамойили, тизими ва шартшароитларини пухта эгаллаган бўлиши зарур. Бунинг учун эса, солиқ назарияси фанини чукур ўрганиш керак. Солиқ назарияси фани пул муносабатларини ифодаловчи солиқларнинг моҳияти, тушунчалари, уларни ташкил қилиш асослари, солиқларнинг бозор иқтисодиёти шароитида зарур-

лиги, уларнинг тўғри ва эгри солиқларга бўлиниши, бюджетга тушиш нуқтаи назаридан умумдавлат (республика) солиқлари ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ва бошқа иқтисодий гурӯҳлар, солиқ ставкалари ва турлари, уларни амалиётта татбиқ этиш услублари, солиқ тизимиға оид бошқа ҳаракатлар ҳамда солиқларнинг қисқача ривожланиш тарихини ўз ичига олади.

Фаннинг мазмунини чуқур эгаллаган ҳар қандай мутахассис солиқларни ўрганишда ва уларни ҳаётта тўғри ва тўлиқ татбиқ этишда унумли фойдаланади. Шундай экан, бу фан солиқ хизмати ходимлари, солиқ соҳаси вакиллари, аспирантлар ва бошқалар учун илмий салоҳиятини оширишда катта роль ўйнайди.

Қайтариш учун саволлар

1. Солиқ назарияси фанини ўқитиш нима учун зарур?
2. Солиқ назарияси фани нимани ўргатади ва унинг қандай вазифалари бор?
3. Фаннинг назарий асоси нималардан иборат?
4. Солиқ назарияси фани мазмунида нималарни ўргатиш мақсади ётади ва унинг мутахассислар тайёрлашдаги роли қандай?

2-БОБ. СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, ЗАРУРЛИГИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

1. СОЛИҚ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (хўкуқий ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганда, турли ишлар бажаргандага ёки бозорда олди-сотди қилганда пул тўловлари мавжуд. Лекин улар солиқ бўла олмайди. Солиқ муносабати бўлиши учун давлат мамлакатда яратилган ижтимоий маҳсулот (тўғрироги, ички миллий маҳсулот) қийматини тақсимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига маблағ тўплаш жараёнiga амал қиласди.

Масалан, коммунал хўжалиги фуқаролардан совуқ ёки иссиқ сувдан фойдаланилаётганлиги учун ҳақ олса, у солиқ эмас, балки шу сувни келтиришдаги хизмат ҳақи ҳисобла-

нади. Бу ҳақ коммунал корхона мулкидир. Ҳуқуқий шахслар ва ишбилармөнлөр түгридан-түгри очиқ ва ер ости сувидан фойдаланганда ресурслардан фойдаланиш солигини түлайдилар, чунки солиқ суммаси давлат бюджетига тушиб, давлат мулкига айланади.

Солиқларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, мажбурийлиги, хазинага тушиши, қатъийлиги ва доимийлиги аниқ солиқ тўловчи учун эквивалентсизлик белгисидир.

1. Солиқ ва йигимлар мажбурий бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетта олиб кўяди. Бу мажбурийлик Олий Мажлис тасдиқлаб берган Солиқ Кодексининг қоидлари асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳуқуқий жиҳатдан давлат томонидан кафолатланган.

2. Солиқлар хазинага — давлат бюджетига тушади.

Борди-ю, тўлов “Умид”, “Экосан” каби жамғармаларга тушса, унда солиқ муносабати бўлмайди.

3. Солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Тарихда 50 ва 100 йиллаб ўзгармасдан ҳаракатда бўлган солиқлар мавжуд. Унинг илмий асоси қанча чукур бўлса, шунча қатъий ва узоқ йиллар ўзгармасдан ҳаракат қиласди.

4. Давлатта тўланган солиқ суммаси тўловчининг ўзига тўлиқ қайтмайди, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир. Масалан, солиқ тўловчи жорий йили давлатнинг соғлиқни сақлаш ва маориф хизматларидан фойдаланмаган бўлиши мумкин. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма солиқ тўловчиларнинг тўлаган солиқ ва йигимлари давлатнинг уларга кўрсатган хилма-хил хизматлари (мудофаа, хавф-сизликни таъминлаш, тартиб-интизом ўрнатиш ва бошқа ижтимоий-зарурий хизматлар) орқали қайтади. Демак, солиқ тўловчилар нуқтаи назаридан олганда, бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма солиқлар давлатнинг кўрсатган ижтимоий хизматлари учун тўланадиган ҳақдир. Солиқлар бюджетта келиб тушадиган, мажбурий характеристерга эга бўлган пул тўлови муносабатларидир. Шунингдек, солиқлар иқтисодий категория бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти муносабатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир, яъни ҳар бир ҳуқуқий шахс эркин баҳо белгилashi, маҳсулот етказиб берувчини топиши ва ўзи маҳсулотни сотиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун давлат уларнинг бир қисм даромадларини тақсимлаб бюджетта оддий ажратма сифатида ололмайди. Солиқ сифатида олиш учун Олий

Мажлиснинг қарори зарур, яъни қонун билан олинган тўлов бюджетта ўтади.

Солиқлар иқтисодий категория бўлганлиги учун тўловчилар ва бюджет ўртасида даромадлар тақсимланадиганда гомонларнинг иқтисодий манфаатини, албатта эътиборга олиш зарур. Солиқ тўловчилар даромадини давлат истаганича ололмайди, солиқларни бюджеттега олишнинг маълум чегараси мавжуд. Шу билан бирга, солиқ тўловчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олишдаги фаолияти қисобга олиниб, солиқ белгиланади. Иккинчи томондан, солиқлардан макроиктисодиётни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва бошқа умумдавлат мақсадлари учун етарли молиявий ресурслар тўплаш учун фойдаланилади. Солиқлар моҳияти солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги доимий, узоқ муддатли муносабатларда ўз ифодасини топади.

2. СОЛИҚЛАРНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ

Солиқларнинг объектив зарурлиги — давлатнинг бажарадиган қатор функцияларини маблағ билан таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади. Давлатнинг бажарадиган функциялари кўп бўлиб, бозор иқтисоди ривожлана бориши билан баъзи функциялар йўқола борса, баъзилари пайдо бўлади. Масалан, маъмурий-буйруқбозлик даврида халқ хўжалигини ривожлантириш функцияси — у корхоналар, соҳаларни бутунлай бюджет билан молиялаштирас эди. Ҳар кил мулк шаклидаги хўжаликларнинг пайдо бўлиши ҳозирги шароитда улар фаолиятига давлатнинг аралашувини ёқтирмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик ўзи эркин фаолият кўрсатади ва бугун фаолиятига ўзи жавоб беради. Давлатнинг аралашуви қонун билан, яъни солиқ орқали амалга оширилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг янги функциялари пайдо бўлади. Буларга кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бозор инфратузилмасини (саноатда, қишлоқ хўжалигига, молия кредит тизимида) ташкил қилиш киради. Бу ишларни амалга ошириш учун ҳам молиявий ресурслар керак. Шу ерда кучли ижтимоий сиёsat таъмийилини амалга ошириш учун давлат нафақаҳўрлар, талабалар, кўп болали оналар ва бошқаларни кўпроқ маблағ билан таъминлаш зарур эканлигини англаб, баъзи ҳолларда товар баҳоларининг кўпроқ ошган қисмини давлат ҳисобидан қоплашга маблағ сарфлайди. Булардан ташқари, Ўзбекистон ўзи-

нинг мустақил мудофаа құдратига эга бўлиб, уни зарур бўлган ўқ-дори, ҳарбий техника билан таъминлашга ҳам кўп маблағ сарфлашга тўғри келади. Қолаверса, давлат фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, тартиб-интизом ўрнатиш, мамлакатни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам маблағ сарфлашга мажбур. Буларнинг ҳаммаси солиқларнинг объектив зарурлигини тақозо қиласди.

Лекин бу ҳолатда солиқларнинг зарурлигини тушунтириш бир томонлама бўлиб қолади. Савол пайдо бўлади: солиқлар бозор иқтисодиётига мос келадими? Ана шундай мос келишини англатиш учун бозор иқтисодиёти эквивалент муносабат бўладиган, ҳамма нарса учун унинг қийматига яраша мос келадиган пул тўлаш муносабати бўлиши керак.

Бозор иқтисодиётида ҳамма нарса сотилиди. Ҳеч нима бепул берилмайди. Шундай экан, давлат жуда катта харажат қиласдиган хизматлари ҳам сотилиши керак. Лекин гап шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг кўрсатган хизматлари ҳақи (харажатлари) жуда катта бўлганилигидан бозор уни “қабул қилмайди”, яъни бозорда уни сотиб олувчилар йўқ бўлади, тўғрироғи, бирор сотиб олувчининг харажатларни тўлашга маблағи алоҳида ҳолда етмайди. Лекин ҳақиқатни тан олиш керакки, ҳамма хўжалик субъектлари ва фуқаролар давлатнинг хизматларини ўзлаштиради. У хизматлар “ижтимоий товарлар” тушунчасига кириб, ижтимоий истеъмолга сарфланади. Шуниси қизиқки, бирор хўжалик давлат хизматларини бажара олмайди. Масалан, бирор-бир хўжалик ҳеч қачон менга мудофаа хизматлари ёки молиявий ёрдам керак эмас, демайди. Демак, “ижтимоий товарлар”ни, яъни давлат хизматларини ўзлаштирап экан, унинг (хизматлари) ҳақини тўлаш керак. Шундай ҳолда, алоҳида истеъмолчилар бу ҳақни ихтиёрий равища тўлагиси келмайди. Шунда давлат Олий Мажлисга мурожаат қилиб, тўловни мажбурий қилиб беришни талаб қиласди.

Олий Мажлис бу ҳақни тўлашни мажбурий, яъни қонун йўли билан солиқ деб белгилаб беради. Демак, солиқ давлатнинг хизмати учун ҳақ сифатида мажбурий тўлов бўлиб, эквивалент характерига эгаки, у айнан бозор муносабатларига мос тушади. Бу муносабат хизматларнинг олди-сотдисида намоён бўлади.

3. СОЛИҚЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини, амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур. Бугун пайдо бўлиб, эртага йўқ бўлиб кетадиган ҳолат-

іар солиқ функцияси бўла олмайди. Демак, категория функцияси доимий, қатъий тақрорланиб турадиган воқеликни яфодалайди. Шундай услубий ёндошишдан келиб чиқиб, солиқлар функциясини аниқлаш керак.

Солиқларнинг функциялари масаласида катта баҳслашув-іар мавжуд, лекин ягона бир фикрга келинган эмас. Кўпчилик иқтисодчилар солиқларга фискал, бошқарувчи, рағбатлан-гирувчи, назорат функциялари хос, деб таъриф беришади.

Солиқларнинг фискал (хазина) функциясида ҳақиқатан ҳам солиқлар хазинага (бюджетга) тушади. Бу воқелик кўзга қўқол кўриниб турганлигидан амалиётчилар шу функцияга гармашиб олишган. Яъни, чуқурроқ фикр юритсак, яратилган ички ялпи маҳсулот қиймати ёки корхонадаги даромадтарни аввал тақсимламасдан туриб, уларни тўғридан-тўғри бюджетта ўтказиб юбориш ҳолати бўлмайди. Аввало, ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлигини таъминлаб, сўнг даромаддан бир қисмини хазинага олиш зарур. Шунинг учун хазина функциясини тўлиқ ва кенг маънода тақсимлаш функцияси, десак тўғри бўлади.

Энди рағбатлантириш ва бошқариш функциясига келсақ, уларни доимо қатъий бўлмай тақрорланиб турганлигидан солиқ функцияси эмас, давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишдаги вақтингчалик вазифа, деб қараш керак. Масалан, 1995 йили Республика Президентининг Фармони билан корхоналар ҳар бир фоиз маҳсулот ҳажми-ни оширса, даромадидан олинадиган солиқдан 0,3 фоиз имтиёз берилиб рағбатлантирилар эди. Йил тугаши билан бу имтиёз ҳам бекор қилинди. Чунки имтиёзларни доимий қилиб белгилаб бўлмайди, акс ҳолда солиқ категориясига пуртуп етказилиб, у йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Солиқларнинг назорат функцияси ҳақиқатан ҳам доимий ҳаракат қиласи. Лекин бу функция тақсимлаш функцияси билан ёнма-ён туриб, даромадларнинг тўғри тақсимланётганлигини, солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушаётганлигини назарий жиҳатдан назорат қиласи. Назорат функцияси солиқ идоралари ишининг ривожланиш асосидир. Солиқларнинг ҳали республикамиз иқтисодчилари томонидан ўрганилмаган, тан олинмаган яна бир функцияси мавжуд. Гап шундаки, солиқлар энг демократик тўлов бўлиб, Олий Мажлис томонидан очиқдан-очиқ белгиланади.

Шунинг учун солиқларнинг давлат харажати тўғрисида аҳборот бериш функцияси бор. Бу функция орқали харажатлар ҳажми ва конкрет солиқлар давлатнинг қандай ижтимоий-иктисодий функцияларини бажаришга сарфланган-

лиги тўғрисида ахборот бериб туриши керак. Шундай қилинса, солиқларнинг бюджетта тушиши тўлиқ ва осон кечади.

4. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАҚСИМЛАШДА СОЛИҚЛАРНИНГ РОЛИ

Солиқлар ялпи ички маҳсулотнинг деярли учдан бир қисмини тақсимлаб, бюджеттага туширади ва у орқали давлатнинг ижтимоий зарурий харажатларини молиялаштиришга йўналтиради. Сўнгти йилларда тўғри солиқларнинг салмофи ЯИМ қийматида бир оз камайиб, эгри солиқлар салмофи ошган. Бу ерда тўғри тенденция мавжуддир. Чунки эгри солиқлар тўғридан-тўғри корхоналарнинг инвестицион фоалиятининг сусайишига олиб келмайди. Тўғри солиқлар салмофи ЯИМ қийматида пасайиши корхоналарнинг моддий-техника базасини кенгайтиришга, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон яратади.

Кейинги йилларда ресурс солиқларнинг салмофи ҳам анча ошмоқда. Бу солиқ ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Солиқларнинг роли куйидаги жадвалда ўз ифодасини топган:

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг 1991—1998 йиллардаги структураси. Ялпи ички маҳсулот қиймати (ЯИМ) га нисбатан фоизларда

Даромадлар	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998
Тўғри солиқ	9,1	8,2	10,2	8,7	11,6	12,4	11	11,7
Эгри солиқ	0,3	18,0	15,2	12,8	14,9	13,5	12,2	13,4
Ресурс солиқ	—	1,2	1,5	0,9	1,8	2,1	3,1	4,7
Бошқа даромадлар	39,7	5,2	9,1	6,4	1,9	6,3	3,0	2,6
Жами:	49,1	32,6	36	28,8	30,2	33,3	29,3	32,4

Маълумотлар шуни кўрсатадики, 1991 йилга қараганда 1998 йилда ЯИМ таркибида жами бюджетта тушумлар салмофи камайган. Лекин тўғри ва эгри солиқлар салмофи анча ошган, 1991 йилларда ресурс тўловлари умуман бўлмаган бўлса, 1998 йилга келиб уларга тушум ЯИМ нинг 4, 7 фоизини ташкил қиласган.

Солиқ қонунчилигимиз бўйича солиқлар орқали ҳар хил меҳр-шафқат жамғармаларини ташкил қилиш рағбатлантирилади. Корхона ва ташкилотлар “Нуроний”, “Умид”, “Эко-

сан” ва бошқа жамғармаларга ажратмалар ўтказса, фойдага (даромадга) солиқдан катта имтиёзлар олиб, солиқдан қисман озод этилади.

Қайтариш учун саволлар

1. Солиқ тушунчаси нима? Унинг қандай белгилари бор ва нима деб търиф берилади?
2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти нимада?
3. Солиқларнинг объектив зарурлиги нималардан келиб чиқади?
4. Солиқларнинг қандай функциялари бор ва улар тўғрисида қандай баҳслар мавжуд?
5. Ялпи ички маҳсулотни тақсимлашда солиқлар қандай роль ўйнайди?

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚЛАРНИНГ ТУЗИЛИШ АСОСЛАРИ

1. ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚДА ТОРТИШ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИ. СОЛИҚ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Аввало, солиқ тизими ва солиқда тортиш тизимининг фарқини айтиб ўтмоқ зарур. Солиқ тизими моҳияти жиҳатдан бир хил бўлган ва марказлашган пул фондига тушадиган солиқ турларининг йигиндинсиdir. Конун чиқарувчи идоралар томонидан белгиланган ва ижроchi идоралар томонидан ундириладиган солиқларни ташкил этиш усуllibari, элементлари ва тамойиллари мажмууга **солиқда тортиш тизими** деб аталади. Демак, бу ерда тизим иқтисодий категорияни ўрганишни ҳамда солиқлар ундиришни ташкил қилиш масалаларини ўз ичига олади. Бу тизимнинг роли ва структураси жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тузуми билан аниқланади.

Ўзбекистоннинг солиқда тортиш тизими ўз мазмунига кўра солиқ элементлари, уларни ташкил қилиш тамойиллари ва усуllibарини ўргатади. Солиқ элементларига солиқ субъекти, обьекти, манбаи, ставкаси, солиқ бирлиги, солиқ юки каби тушунчалар киради.

Солиқ субъекти — солиқ муносабатларида қатнашувчи солиқ тўловчилардир. Улар ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга бўлинади. Солиқ муносабатларида фақат солиқ тўловчиларгина эмас, солиқ **ундирувчи** (солиқчи) ҳам қатнашади. Солиқни давлат ундиради. Унинг номидан маҳсус ташки-

лот қатнашади, яъни бу ишни давлат солиқ хизмати идоралари бажаради. Солиқларни тўғри ҳисоблаш, тўлиқ тўлаш жавобгарлиги солиқ тўловчи субъектга юклатилган.

Солиқ обьекти — солиқ солинадиган даромад, оборот ёки мулкдир. Унга фойда, иш ҳақи, қўшимча қиймат, ер, иморат, транспорт воситаси кабилар киради. Объект доимо субъект билан боғлиқ ва субъектники бўлади. Субъектсиз обьект бўлмайди. Масалан, КҶС (қўшимча қиймат солиги) да обьект ортирган маҳсулот (бажарилган иш ва хизматлар) **оборотидир**, даромадга солинган солиқда даромад (фойда), мол-мулк солигида мулк қиймати, ер солигида ер майдони ва бошқалар.

Солиқ манбаи — бу субъектнинг даромадидир. Баъзи солиқларда даромад ва фойда ҳам солиқ обьекти, ҳам солиқ манбаи бўлади. Лекин бошқа солиқларда обьектлар ҳар хил, манба эса — даромад бўлади.

Солиқда тортиш бирлиги — бу обьектнинг ўлчов бирлиги. Бу даромад солигида сўм, ер солигида кв. метр, транспорт солигида фуқаролар учун моторнинг қуввати — от кучи билан белгиланади.

Солиқ ставкаси — обьектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёрдир.

Солиқ ставкаси икки хил усулда: қатъий ставкаларда (сўмларда) ва нисбий ставкаларда — фоизларда ифодаланаади. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва инфляция шароитида нисбий ставкаларни қўллаш мақсаддага мувофиқдир. Бундай ҳолда бюджет инфляциядан кўп маблағ йўқотмайди. Агар ставка сўмларда ҳисобга олинса, солиқлардан тушган бюджет даромади йил охирига келиб ҳеч қандай иқтисодий аҳамиятга эга бўлмай қолиши мумкин.

Солиқ юки — тўловчининг ҳамма солиқлар ва йифимлар ийфинидисини бюджетга тўлашидир. Солиқ юки фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма тўланган солиқ ва йифимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди.

Агар солиқ тўловчи солиқларни тўғри тўлаган бўлса, унга солиқ юки мос келади. Лекин баъзи корхоналарда эгри солиқлар бўлиб, унинг ҳукуқий тўловчилари корхона ҳисобланса-да, солиқ юки истеъмолчи, яъни аҳоли зиммасига тушади. Охирги истеъмол қилувчилар аҳоли ҳисобланади. Бу ерда эгри солиқлар ҳисобига аҳолининг реал даромадларининг бир оз бўлса-да, пасайиш ҳоллари учрайди.

Солиқ ставкаларининг турлари. Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича солиқларнинг пропорционал, прогрессив ва

нолли ставкаларига амал қилинмоқда, шунингдек, регрессив ставка ҳам 1995 йилдан бошлаб кучга кирган ва ўша йили барҳам топди.

Пропорционал солиқ ставкасида объект қандай бўлишидан қатъи назар, бир хил улушдаги (пропорцияда) солиқ тўланади. Масалан, ҚҚС бўйича асосий маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) га 20 фоизли ставка белгиланган бўлса, обирот 10 минг сўм бўлса ҳам 20 фоиз, 100 минг бўлса ҳам 20 фоиз, 1 млн. сўм бўлса ҳам 20 фоиз солиқ тўланади ёки мол-мулк солигида ҳуқуқий шахсларнинг асосий фондлари қийматидан йилига 4 фоиздан солиқ тўланади. Қиймат қандай бўлишидан қатъи назар, ягона ставкада солиқ олинади. Бу ставка ҳамма солиқ тўловчилар учун бир хил бўлишини белгилайди.

Прогрессив солиқ ставкасида эса даромад, объект кўпайиши билан солиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Бу бизнинг солиқ қонунчилигимизда фақат фуқароларнинг даромад солигида қўлланилади. Минимал иш ҳақининг 3 баробарига тенг қисмига 15 фоиз, ундан ошган яна 2 каррали қисмига 25 фоиз, ундан ошган 5 каррали қисмига 36 фоиз ва 10 карралидан ошган қисмига 40 фоиз солиқ тўланади. Бундай ставкани қўллашдан мақсад пул инфляциясини жиловлаб, пулни мустаҳкамлаш, бюджетта қўп даромад тушириш кўзда тутилади ҳамда кам таъминланганларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам эътиборга олинади.

1998 йилдан бошлаб солиқларни ташкил қилиш амалиётини чет элларга мослаштириб, ҚҚС бўйича, яъни экспортга товарлар юборилганда, қишлоқ хўжалиги учун ёқилғимойлаш материаллари ва ўғитлар жўнатганда ҳамда элчихоналар ва ваколатхоналарга товарлар ортганда солиқда тортиш нолли ставкада белгиланди. Шу маҳсулотлар бўйича тамомила солиқ тўламаслик жорий этилди. Қизиги шундаки, илгари ҳам шу маҳсулотларга ҚҚС солинмас эди. Бироқ шу маҳсулотларни ишлаб чиқиш учун сарфланган ҳом ашё, ёқилғи, электр куввати учун маҳсулот етказувчиларга ҚҚС тўланар эди. Нолли ставкада уларга тўланган ҚҚС суммаси бошқа товарлар тушуми бўйича олинадиган ҚҚС суммасидан ҳисоблаб камайтирилади. Демак, бу ерда ҚҚС эгри солиқлар сифатида ҳақиқатан ҳам бетараф (нейтрал) солиқ бўлиб хизмат қиласи ва иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодиётни ривожлантириш учун кўплаб нолли ставкаларни қўллаш таклиф этилади.

Регрессив солиқ ставкасида даромад (ёки бошқа объекти) ошиб бориши билан солиқ ставкаси камайиб, даромад

ёки кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб қилади. Четга экспорт товарлар чиқариб, қатъий валюталар тушумига эришганлар иқтисодий жиҳатдан қизиқтирилади, яъни жами ишлаб чиқилган (сотилган) маҳсулотни сотишдан тушган даромад солиғидан озод қилинади (2000 й. 1 июлдан бошлаб). 1995 йилда корхоналар ҳар бир фоиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиргани учун 0, 3 фоиздан фойдага солиқдан имтиёз олганлар. Ўша вақтда 120 фоиз маҳсулот ишлаб чиқаришни қўшимча тарзда оширса, корхона умуман солиқдан озод бўлиши мумкин эди. Демак, регрессив ва нолли солиқ ставкалари иқтисодиётни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

2. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА УЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Солиқ имтиёзлари деганда, солиқ тўловчиларга солиқ ва йифимларни тўлашдан қисман, вақтинчалик ва тўлиқ озод этиш тушунилади. Имтиёзлар тўғридан-тўғри тўланадиган солиқ суммасидан берилиши мумкин. Айтайлик, корхона болалар кийим-кечакларини ишлаб чиқаришга ихтинослашган бўлса, даромадга (фойдага) солиқдан 31 фоиз ўрнига атиги 10 фоиз тўлайди. Бу қисман озод қилишга ҳам киради. Имтиёзлар вақтинчалик ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, фермер хўжаликлари янги ташкил этилган даврдан бошлаб икки йилгача даромад солигини тўлашдан озод этилади.

Бизнинг солиқ қонунчилигимизда солиқ тўлашдан тўла озод қилиш ҳоллари кўп учрайди. Масалан, корхонада жами ишловчи ходимлар сонидан 50 фоиздан кўпроғини ногиронлар, меҳнат фахрийлари ташкил этса ёки 75 фоиздан кўпроғи ўрга мактаб ва маҳсус билим юрти талабаларидан иборат бўлса, КҚС, фойдали (даромадли) солиқ ва бошқа солиқлардан тамомила озод этилади.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиги бўйича хорижий мамлакатларнинг ваколатхоналарида ва элчихоналарида ишловчи чет эл ходимлари, мутахассислар солиқдан мутлақо озод этилади. Булардан ташқари, солиқ базасини камайтириш орқали бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қисқартириш ҳам имтиёзлар туркумига киради. Масалан, ҳуқуқий шахслар ўз даромадларини инвестицияга сарфласа ёки унинг учун олган узоқ муддатли кредитларни қайтаришса, 50 фоиз солиқга тортиладиган базадан камайтирилади. Умуман олганда, имтиёзлар туркумига солиқга тортилмайдиган даромад гурухлари ҳам киради. Масалан, фуқаролар-

нинг даромад солиги бўйича бир қатор соликқа тортилмайдиган даромади мавжуд. Буларга пенсия, нафақа, алимент, қон топширган шахс оладиган даромад гурухлари ҳам киради. Имтиёзлар диалектикасига биноан бюджетта солик тўлашдаги имтиёзлар меҳнат унумдорлигини ошириб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига бюджеттага тушадиган умумий даромадларни, айтайлик, КҚС ва акциз соликлари орқали бўлса ҳам кўпайтириш лозим. Лекин бюджет харажати даромадидан ортиқ бўлиб турган даврда (дефицит) соликлардан имтиёз бериш қандай амалга оширилади? Албатта, бир корхонага берилган имтиёз суммаси бошқа корхоналар зиммасига юкланди. Демак, бюджет дефицит даврида бериладиган солик имтиёзларидан самара катта бўлмайди, чунки солик юки бошқаларга тушиб, уларнинг ишлаб чиқариш натижаларидан кўрадиган манфаатдорлигини сусайтиради. Агар бюджет харажатларини камайтириш ҳисобига соликлардан имтиёзлар берилса, унда ҳақиқатан ҳам улар самара бериб, ишлаб чиқаришни ошириб, даромадлар олишни кўпайтириш ҳисобига берилган имтиёзлар бюджеттага қайтиши мумкин.


Солик қонунчилиги амалиётида имтиёзлар тури жуда кўп бўлгани билан улардан фойдаланиш анча мураккаб. Баъзан улар чеклаб кўйилади. Соликлар базасини камайтиришнинг 6—7 ҳолатлари мавжуд. Солик тўловчилар қонун хужжатларида кўрсатилган ҳамма имтиёзлардан тўлиқ фойдалана олмайди, чунки шартлари оғир, ортиқча расмиятчиликларни талаб этади.

3. АМИР ТЕМУР, АДАМ СМИТ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИҚТИСОДЧИЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚДАН СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг “Тузуклари” да соликқа тортишнинг тўрт тамойилини ишлаб чиқдан. Профессор X. Р. Собировнинг фикрича, А. Смит кўрсатиб ўтган тўрт тамойилни Амир Темур тўрт аср аввал айтган. Жумладан, амалда ҳосил йиғиб олингандан сўнг солик солиниши зарурлиги, бунда сугориладиган ерлардан хазинага ҳосилнинг учдан бир қисми, сугорилмайдиган майдонлардан эса тўртдан бир қисмини ундириш кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, даромадларни ҳаддан ортиқ соликлар билан қамраб олмаслик хусусида гапирган.

Кўп иқтисодчилар солик тўловчиларнинг даромадини бюджеттага олишнинг чегараси борлиги ва солик юкини кўпай-

тириб юбормаслик ҳақида ёзганлар. Давлат миллий ишлаб чиқаришининг ўсиши ёки пасайишига солиқ ставкаларини ўзгартириш ва бюджет харажатлари орқали таъсир кўрсатилади. Америка иқтисодчиси Артур Лаффернинг ҳисобига кўра солиқларни камайтириш натижасида иқтисодиёт ва давлат даромадларининг ўсишини исботлаб берган. Бу тарихда Лаффер эгри чизифи, деб аталади.



R — солиқлар миқдори,
 r — фоиз ставкаси,

Агар r^0 бўлса, давлат ҳеч қандай солиқ тушумига эга бўлмайди. Агар $r = 100\%$ бўлса, натижা давлат учун яна шунга тенг бўлади, чунки ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамма даромади бюджетга олиб қўйилади. Ишлаб чиқаришга ҳеч қандай қизиқиш бўлмайди. Солиқ ставкасининг бошқа ҳамма ҳолатларида давлат ўёки бу миқдорда даромадга эга бўлади ($0 < r < 100\%$). Солиқ ставкаси r^0 бўлганда солиқ тушумлари максимал даражага етади ($R_0 = R_{max}$). Хулоса шуки, солиқ фоизи ставкасининг маълум даражага етиши солиқ тушумларини кўпайтиради, унинг янада оширилиши аксинча, солиқ тушумларини камайтиради. Иқтисодий субъектларнинг солиқ ставкасининг динамикасига таъсири бир ондаёқ сезилмайди, балки қандайдир вақт ўтгандан сўнг сезилади. Лаффер эгри чизифи давлат даромадларининг ўсиши солиқ ставкаларининг камайишига объектив боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Сиёсий иқтисод асосчиларидан бири Адам Смит 1776 йилдаёқ “Миллатларнинг бойлиги” асарида солиқда тортиш иқтисодиётнинг равнақига олиб келиши мумкин бўлган қўйидаги тўрт тамойилни баён қылган:

1. Солиқда тортишнинг **тengлиги** — солиқ тўловчилар солиқларни ўз имкониятларига, яъни уларнинг давлат пано-

қыда оладиган даромадларига боғлиқ ҳолда түлаши лозим. Башқача қилиб айттанды, күп даромаддан күп солик, кам даромаддан кам солиқ түлайды.

2. Солиққа тортишнинг **мақбуллiği** — түловнинг муддатлари, тури ва суммалари ҳар бир кишига, яның ҳам солиқ түловчиларга, ҳам солиқ олувчиларга тушунарли бўлиши лозим.

3. Солиққа тортишнинг **қулайлилди** — солиқ түловчилар учун энг қулай бўлган муддатларда ва шаклда ундирилиши лозим.

4. Солиққа тортишнинг **арzonлiği** — солиқларни ундиришга доир ҳаражатларнинг энг кам миқдорда бўлиши **кераклигини** англатади.

Кейинчалик олимлардан Жон Стюарт, Б. Иозеф, Э. Штигельц ва бошқалар ўз асарларида асосан юқоридагиларга ўхшаш тамойилларни айтишади. Кёльн солиқ ҳукуқи институти доктори, профессор Йохим Ланг солиққа тортишнинг “мумтоз” ва “замонавий” тамойилларини ўрганиб чиқиб, уларнинг ижобий ва заиф жиҳатларини таққослаб, солиққа тортишнинг беш тамойилини ишлаб чиқди ҳамда уларни солиққа тортиш ҳақидаги Кодекс лойиҳасига киритди. Улар қуидагилардир:

1. **Тенглик ва самарадорлик** — иқтисодий фаолият обьектларининг тенг миқдорда солиққа тортилишини ва улар учун солиқлар юкининг тенг тақсимланишини кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида барча ҳукуқий ва жисмоний шахслар тенг ҳукуқли бўлгани учун уларга солиқ солиниши ва солиқлар юки ҳам тенг бўлиши лозим. Бир шахснинг солиққа тортишдан озод қилиниши бюджет даромадларининг тақчиллиги шароитида солиқ юкини бозор муносабатларининг бошқа иштирокчилари зиммасига юклайди.

2. Солиққа тортишнинг **аниқлiği ва мақбуллiği** — қарзлар юзасидан ўзаро муносабатларга нисбатан талаблар ҳукуқий давлатчилик нуқтаи назаридан аниқ белгилаб қўйилиши керак. Бундан солиқ түловчилар (шу жумладан, фуқаролар) тўланishi зарур бўлган солиқлар суммасини аниқ билишлари, улар зиммасига солиқлар юкининг солиниши учун асос бўладиган сиёсий қарорлар (тадбирлар) хусусида хабардор қилинган бўлиши зарур. Давлатнинг амалга ошираётган тадбирларини солиқ түловчилар яхши тушунса, солиқ тез тўланади.

3. Солиққа тортишнинг **арzonлiği** — солиқ қонунлари иложи борича содда ифодаланган бўлиши, солиқларни ундириш қоидалари нисбатан арzonлости билан фарқланиб туриши керак. Бундай тамойил, ўз навбатида, солиққа тортишнинг шарглари, қулайлигиги, оддийлигидан келиб чиқади. Ушбу тамо-

йилга кўра, солиқларнинг ундирилиши осон бўлиши лозим. Конгурчиллик материалларини тайёрлаш, солиқларни ҳисоблаш, боқимандаларни ундиришнинг ташкил этилиши учун меҳнат ва моддий харажатлар жуда кам бўлиши зарур.

4. Солиққа тортишнинг **хазина** (**фискал**) **самарадорлиги ва қайишқоюлиги** — ўз самарадорлиги билан ажralиб туриши ва иқтисодий вазиятларнинг ўзгаришига қонуний чораларсиз тўғри жавоб берилса лозим. Бу ўринда Йоҳим Ланг солиққа тортишнинг хазина самарадорлиги — иқтисодий юксалишга солиқлар юкининг оғирлиги номувофиқ бўлиши билан боғлиқ эканлиги ҳақида огоҳлантиради. У, солиқ юкининг оғир бўлиши иқтисодий ўсиш учун заардир, деб таъкидлайди. Фақат Япония, Германия сингари иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатлар иқтисодий юксалишга тўсқинлик қиласидиган солиқ тизимиға амал қилишлари мумкин. Бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда олдинига хусусий иқтисодий кучлар ва мулкчиликнинг ривожланиши учун имконият яратилиб берилиши керак. Бунинг учун, ўз навбатида, давлат солиққа тортиш масалаларида, айниқса, тўғри солиқлар соҳасида эҳтиёткорлик ва тийиклекларни намоён этиши зарур. Қатор мамлакатларда фуқароларга даромад солиғи бўйича имтиёзли солиқ солинмайдиган ялпи даромад қисми белгиланади. Бунда, энг кам миқдорни белгилашда фуқароларнинг ишчи кучини қайта тиклаш, иш жойига бориши ва қайтишнинг транспорт харажатлари учун кетадиган мажбурий чиқимларни ҳисобга олиш керак бўлади. Одатда, бундай энг кам миқдор энг кам истеъмол саватчасига яқин бўлади. Борди-ю, бундай талаб ҳисобга олинмаса, одамлар ўз даромадларини ҳар томонлама яширишга уринадилар, бу эса хазина самарадорлигига эришиш имкониятини бермайди. Бюджетга янада кўп маблаф ундиришга интилиб солиқ тўловчиларга кўнгилли равищда олиниши мумкин бўлган маблағлардан ажраб қолиш ярамайди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиққа тортиш улуши (квотаси) нинг оширилиши кутилганидек самара бермайди. Солиқ тўловчилар бундай шароитда солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг хилма-хил йўлларини ўйлаб топишади.

5. Солиққа тортишнинг **ижтимоий адолатлилиги** — ижтимоий давлатларда зарур бўлган қайта тақсимлашнинг амалга оширилишини ва ижтимоий foялар, жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, соғлиқни сақлаш ва оила манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ёрдам бериши лозим.

Юқорида айтилган солиққа тортиш тамойиллари солиқларнинг иқтисодий категория сифатида олинган қонунла-

ридир. Баъзи иқтисодчилар уларнинг аҳамиятини пасайтириб, тамойилларни тартиблар, талаблар, деб тушунтирадилар. Тартиб ва талаб бошқа, иқтисодий қонун бошқа.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида эса солиққа тортиш тамойиллари солиқ қонунчилиги тамойиллари сифатида номланиб, унинг беш тамойили (4-модда) белгилаб қўйилган.

1. Ҳар бир шахс Кодексда белгиланган солиқ ва тўловларни тўлашга мажбурдир, яъни солиқ тўлаш қонун билан мажбур қилиб қўйилади. Аслида мажбурийлик солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади.

2. Ҳукуқий шахсларни солиққа тортиш мулкчилик шаклидан қатъи назар, жисмоний шахслар эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар.

3. Белгиланган солиқлар ва йигимлар Ўзбекистон ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) ёки пул маблағларининг эркин ҳаракатини бевосита ёки билвосита чекламайди, ёки солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолиятини чеклаш, ёки тўсқинлик қилишга йўл қўймайди.

4. Манбалардан қатъи назар, ҳамма даромадлар мажбурий равишда солиққа тортилади.

5. Белгиланган солиқ имтиёзлари ижтимоий адолат тамойилига мос келиши шарт.

Солиққа тортиш тамойиллари ва солиқ қонунчилиги тамойиллари муайян ўхшашликка эга ва уларни тўлиқ ҳаётта татбиқ этиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Қайтариш учун саволлар

1. Солиққа тортиш тизими тушунчаси нимани ифодалайди? Тизимнинг қандай элементлари мавжуд?

2. Солиқ ставкаларининг қандай турлари мавжуд?

3. Солиқ имтиёзлари тушунчаси нимани ифодалайди? Бу масалада қандай муаммолар мавжуд?

4. Амур Темур, Адам Смит ва ҳозирги замон иқтисодчилари солиққа тортишнинг қандай тамойилларини илгари суришган?

5. Ўзбекистон солиқ қонунчилигига қандай тамойилларга амал қилинади?

4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИ

1. СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, ТУШУНЧАСИ ВА ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб кучга кирди. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августандаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида” ги Қонунида “шу кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил солиқ сиёсатини олиб боради”, деб кўрсатилган. Қолаверса, давлатнинг солиқ сиёсати асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам қайд қилинади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб солиқлар соҳасида ўндан ортиқ Қонунлар қабул қилинган эди. Шулардан энг асосийси Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалар солиқлари тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганларнинг солиги тўғрисида”-ги Қонунлари ва уларга киритилган ўзгартиришлар, тўлдиришлар бўлди.

Аммо солиқларнинг ҳуқуқий асоси 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси қабул қилган ҳамма солиқларни мужассамлаштирган ягона Солиқ Кодекси бўлди. Бу Кодекснинг қабул қилиниши солиқ сиёсатини амалга оширишда катта ҳуқуқий асос яратди. Ҳар қандай тадбир, иш, фаолият илгаридан белгиланиб, аниқланиб, режалаштирилиб, ишлаб чиқилган сиёсат билан амалга оширилади.

Умуман, сиёсат деганда, давлатнинг илгаридан режалаштириб, аниқлаб туриб амалга оширган чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Солиқ бўйича ишларни ташкил қилиш ҳам шу тўғриданаги сиёсат, деб юритилади. Солиқ сиёсати қабул қилинганлиги боис Ўзбекистон Республикаси солиқ тўлайдиган ҳуқуқий шахслари сони 1991—1996 йилларда 28 мингдан 171 мингтага етган. Шуни айтиш керакки, солиқ сиёсати давлат хазина сиёсатининг бир қисми ҳисобланганлиги боис ҳам молия сиёсатининг энг муҳим таркибий ажralmas қисмидир. Демак, солиқ сиёсати молия сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, унга боғлиқ ҳолда ривожланади.

Солиқ сиёсати нима? Унга қандай таъриф бериш мумкин? **Солиқ сиёсати** — давлатнинг солиқ борасидаги фармон, қонун ва қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилиш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, фао-

лиятлар йиғиндисидир. Шундай экан, фақат мустақил давлатгина ўзининг мустақил солиқ сиёсатига эга бўла олади.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия-иктисодий муносабатлардан келиб чиқади. Давлат солиқ сиёсати республика иктисодистини барқарорлаштириш ва ривожлантиришга, бозор муносабатларини бошқаришга ҳар томонлама фаол тасъир кўрсатади.

Солиқлар пул муносабатларини ифода этиб, иктисодий муносабатларнинг таркибий бўлаги, бозор иктисодистининг зарурий қисмидир. Солиқ сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши учун у илмий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Бунинг учун солиқ муносабатлари чуқур ўрганилиб, ундан илмий хуносалар чиқаришимиз лозим. Акс ҳолда, бундай сиёсат катта муваффақиятга эришиши қийин. Бу соҳада Олмониянинг солиқ сиёсати борасидаги тажрибаси эътиборга лойикдир. Бу ерда ҳар бир янги солиқни жорий этишдан аввал унинг лойиҳасини тайёрлаш учун солиқ соҳасида ишловчи 5 нафар олимга 5—6 ой муддат берилади.

Беш изланувчи олимга ишнинг натижасидан қатъи назар, муаллифлик ҳақи олдиндан тўлаб қўйилади. Тайёрланган солиқ лойиҳаларини кўриб чиқиб, ягона лойиҳани танлаш учун беш кишидан иборат эксперталар гурухи ишлаб, маъкул бўлган энг яхши лойиҳа парламент томонидан тасдиқланади. Хуроса шуки, лойиҳанинг илмий асосланганлиги ва тўғрилигига жавобгар шахс бор, керак бўлса, лойиҳа муаллифи ҳамма жойда шу солиқ бўйича маслаҳатлар ҳамда тушунтиришлар бериб боради.

Жаҳон солиқ сиёсати тажрибасида солиққа тортишнинг қўйидаги йўналишларига катта эътибор берилади:

1) ҳар хил мулк шаклларига мосланган корхона ва ташкilotларнинг хўжалик юритишига мумкин қадар иктисодий шароит яратиш, уларни бозор муносабатларига кириб боришига ҳар томонлама ёрдамлашиш;

2) ижтимоий-зарурий умумдавлат вазифаларини бажариш учун давлатни керак бўлган молиявий манбалар билан таъминлаш;

3) бозор иктисодисти шароитида янги ижтимоий-иктисодий омилларни ташкил қилишда қатнашиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, иктисодий начорларга ёрдам бериш;

4) аҳоли турмуш даражасини зарурий меъёрда сақлаб туриш имконини излаш ва таъминлаш, солиққа тортилмайдиган даромад минимумини вақти-вақти билан ошириб бориш. Бунда “истеъмол саватчаси” маълумотларини эътиборга олиш.

Солиқлардан комплекс фойдаланиш ҳалқ хўжалиги тармоқларини қайта қуришга, ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратишга, хўжаликлар ва аҳолининг товар сотиб олиш қобилиятини бошқариб туришга ва пулнинг қадрсизланиш жараёнини (инфляцияни) жиловлаб туришга имкон беради. Пулнинг қадрсизланишига қарши чоралар кўриш — кам меҳнат сарфлаб топилган даромадларга солиқ прогрессиясини кўтариш билан ҳам амалга оширилади.

2. СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ ВА ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИ

Солиқлар давлатнинг молиявий манбаи бўлганлигидан солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ҳам давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Бу сиёсатни ишлаб чиқишининг ташкилотчиси ва ижодкори ҳам давлатдир. Бунинг учун давлат ўз кўлидаги бутун кучни, идораларни жалб қилиб, уни ишлаб чиқади. Аввало, бундай ташкилотларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа илмий-услубий ташкилотлар киради. Солиқ сиёсати изчил ва муваффақиятли ишлаб кетиши учун давлат илмий-изланиш ташкилотлари тузиб, унинг иш якунларидан кенг фойдаланади. Ана шундай ташкилот Молия вазирлиги қошидаги илмий текшириш институтидир.

Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқаётганда мавжуд солиқларни ёки янги киритилиши мўлжалланган солиқларнинг моҳияти, аҳамияти, келиб чиқиш ва ривожланиш тарихи чукур ўрганилиши лозим. Айниқса, янги солиқлар чиқарилаётганда улар илмий асосланган бўлиши, йирик амалиётчи мутахассислар ва жамоатчилик ўргасида эркин баҳслашув асосида бирор қарорга келиши зарур. Бу ерда ҳеч қачон бир соҳа мутахассислари фикри билангина чегараланиб қолмаслик керак, чунки соҳа мутахассислари ўз манфаатларини кўпроқ кўзлаб, умумдавлат манфаатларини улар кўра олмасликлари ёки била олмасликлари мумкин.

Демак, давлат солиқ сиёсатини тайёрловчи уни тўлиқ ҳаётга татбиқ қилишнинг ташкилотчиси ва бошқарувчилик ролини бажаради. Давлатнинг солиқ сиёсатини фаол юритиш — бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтишнинг ва унинг муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим омилидир.

Ҳозирги даврнинг солиқ сиёсати асоси — Республика Президенти Ислом Каримовнинг республика иқтисодий ривожланишининг беш тамойили, устувор йўналишларидир. Республика солиқ сиёсати ана шу тамойиллардан келиб чиқиб, солиқ соҳасидаги чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Солиқ сиёсатининг икки йўналиши мавжуд:

1. Корхона ва ташкилотларга нисбатан солиқ сиёсати. НГ аввало, корхона ва ташкилотларни бозор иқтисодиёти ароитидаги эркинлигини ҳисобга олиш. Уларнинг молияй-й мустақиллигига, эркин баҳо белгилашларига тўсқинлик илмаслик ва бюджетта солиқ тўловлари белгиланаётганда ақат демократик асосда, яъни Олий Мажлис тасдиқлаб бер-иң солиқларни ундиришни ташкил этиш зарурдир. Ҳозир-и вақтда солиқлар бир томондан корхоналарда тақчил, разбатга бардош бера оладиган товарлар (ишлар, хизматлар) шлаб чиқаришни кўпайтиришга, иккинчи томондан товар эҳосини ошириб сотган ҳолда меҳнатсиз ёки кам меҳнат илан топилган даромадларни чеклашга қаратилмоғи зарур.

2. Солиқ сиёсатида аҳолининг турли хил гуруҳларига нисбатан хилма-хил ёндошишдир. Ноҳор, кам таъминланган арга иложи борича солиқдан кўпроқ имтиёзлар бериш ва ам куч сарфлаб кўп даромад олуви ёки бошқа енгил даро-ад топувчиларга нисбатан юқори прогрессияли солиқ став-аларини кўллашдан иборатдир.

Солиқ сиёсатининг стратегияси ва тактикаси ишлаб чи-илган бўлиши зарур. Стратегия узоқ йилларга мўлжалланган солиқ муносабатларидағи мухим йўналишлар бўйича чора-тад-иirlарнинг мажмуудир. Тактикада эса солиқ стратегиясининг әр бир маълум давр (йил, чорак) да амалга оширилиши ло-им бўлган аниқ тадбирий чоралар кўрсатилади.

Мустақиллик даврида солиқ сиёсатига эътибор берсак, авлат, биринчидан, солиқ тушумларининг умумий сумма-ида эгри солиқлар салмоғини ошириб борягти. У 1991 йил ,7 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йил 49, 3 фоизни, 1996 илдан бошлаб 50 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Ик-инчидан, бутун республика солиқ идораларини юқори да-ажали компьютерлар билан таъминлади. Солиқ сиёсатини юоллаштириш мақсадида қуидагиларга эътиборни кўпроқ аратиш лозим:

1. Солиқ соҳасида давлатлар йўл кўйган баъзи хатоларнинг акрорланмаслиги учун солиқ тарихини пухта ўрганиш лозим.

2. Солиқка тортиш ва уни ундириш ишларининг арzonга ушишига эришиш.

3. Солиқ обьекти аниқ, ихчам, тўловчиларга ва солиқ доралари ходимларига солиқни ҳисоблаш учун осон ва улай бўлиши зарур.

4. Солиқларнинг бюджетта тўлиқ ва ўз вақтида туши-лига қизиқтириш мақсадида бюджетта кўп, салмоқли со-иқ тўловчиларга солиқдан маълум қисмини қолдириш ҳам тақсадга мувофиқдир.

Мустақиллик йилларида янги солиқ тизимини ташкил этиш иккى босқычдан иборат бўлди.

А. 1991—1994 йилларда солиқ идораларида ишлаб чиқарышнинг пасайиши солиқ базасини қисқартириш шароитида ўзларининг асосий эътиборларини солиқларнинг хазина функциясини бажаришига, яъни бюджетни керакли маблаqlар билан таъминлашга, республика давлат бюджети мувозанатини сақлашга қаратдилар. Бу даврда республика солиқ тизими солиқларнинг кўп турлилиги ва солиқ ставкаларининг юкорилиги натижасида корхоналар даромадларининг 45 фоизигача бюджетга олиб қўйиш билан ифодаланади.

Солиқлар корхоналарни кенгайтириш ва техника билан қайта куроллантиришни чеклаб, бу соҳада солиқлар бўйича белгиланган кўплаб имтиёзлар ҳам иш бермайди. Шунингдек, бу даврда солиқлар ўзининг қизиқтириш ва қайта тақсимлаш функциясини пухта бажармади. Шу даврда корхоналарда солиқ юкини камайтириш, уларни қизиқтириш ролини ошириш талаб этилди.

Б. 1995—1998 йиллардаги чора-тадбирлар куйидаги йўналишларда амалга оширилди:

1. Кўп турли солиқларни қисқартириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Ер остидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ моддий, хом ашё базаси жамғармаси тўлови билан бириктирилди. Мол-мулк солиғи транспорт эгаларидан олинадиган солиқ билан қўшиб юборилди. Қимматли қофозлар операцияси солиғи тутатилди. Кичик корхоналар учун тушумдан (ялпи даромаддан) 10 ва 25 фоизли ягона солиқ жорий этилди. Хом ашё ресурсларини республикадан четта чиқариб сотиш солиғи, ўрмон даромади ва бюджетга 20 фоизли амортизацион ажратма, маҳаллий бюджетларга 3,5 фоизли ажратма бекор қилинди. Фуқаролар даромад солиғининг шкаласи ўзгартирилди, прогрессив солиқ шкаласи жорий этилди ҳамда экология солиғи маҳсулот таннархидан бир фоиз қилиб белгиланди.

2. Даромадлардан олинадиган солиқ юки ресурслардан ва мол-мулкдан олинадиган солиқларга ўtkазилди. Ресурс тўловлари 1, 5 баробарга оширилди. Йилгари сув ҳақини саноат корхоналари ва электр станциялар тўлар эди, энди сувдан фойдаланадиган ҳамма соҳалар тўлайдиган бўлди ва сув ресурслари солиғи деб атала бошланди.

3. Республика товар ишлаб чиқарувчиларини ҳимоя қилиш мақсадида импорт қилинган алкоголь ичимликлари, тамаки маҳсулотларига, автомобилларга акциз солиғи ва акциз маркалари жорий этилди.

4. Солиқ базасини аниқлаш ва солиқ ставкалари тако-иллаштирилди. Бир қатор ишлаб чиқарыш соҳаларида дамадга солинадиган солиқ 1998 йилдан бошлаб ягона дамадга (фойдага) нисбатан солиққа ўзгартирилди. Илга-иги юқори бўлган фойдага солиқ ставкаси 31 фоиз атрофида элгиланди. Меҳнат ҳақи фонди солиги фуқароларнинг дамад солигига ўтказилди.

5. Кўшилган қиймат солиги роли ва бюджетга олиш тарби ўзгартирилди. Солиқ ставкасининг дифференцияси жой этилди. Умумий солиқ ставкаси 1998 йилдан 20 фоиз ўлган солиқ ставкаси 2000 йил учун ҳам сақланади. Илга-иги имтиёзларга кўшимча қилиб нефть маҳсулотлари ва инерал ўғитларни қишлоқ хўжалигига берилса ва экспорт-и чиқарилса, тамомила соликдан озод этиладиган бўлди. Ъни нолли ставка қўлланиб, сотиб олинган ва сотган маҳсулотлар учун ҚҚС тўламайдиган бўлинди.

6. Солиқлар тизимидан алоҳида соҳаларни ривожлантишда фойдаланилди. Бунда қишлоқ хўжалиги, ҳалқ истеъол буюмлари ишлаб чиқариш, илмий-текшириш ишларини либ бориш, республикага хорижий инвестицияларни жалб илиш, кўшма корхоналар тузиш, кичик ва ўрта ишбайларонлики ривожлантириш, маҳсулотларни экспортта чиқариш ва импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқариш анфаатдорлигини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя илиш, базавий соҳалар ва устувор лойиҳаларни давлат тоонидан қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари қўлланилди.

Демак, республикада солиқ сиёсатини такомиллаштириш, нгли солиқ тизимини жорий этиш бозор иқтисодиёти талабланидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди, бу республика иқтисодий инқироздан олиб чиқади ва ҳалқ хўжалигини барорлаштиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди.

Солиқ механизми тушунчаси ва таркиби. Механизм сўзи қтисодиётга техникадан кириб келган бўлиб, ундан фойдаланишини иқтисодиётда солиқларнинг барча элементлари ан фойдаланишини ифодалайди. Бу субъектив тушунча ўлганлигидан иқтисодий тамойилларнинг моҳияти билан мас, балки давлатнинг хоҳиши билан боғлиқ бўлиб қолади. Авлат солиқ элементларининг истаган турини киритиши ки бекор қилиши мумкин.

Солиқ механизми бюджет механизми таркибига киради. Солиқ механизми деганда солиққа тортиш билан боғлиқ ўлган солиқларни ташкил қилишининг барча элементлари иғиндиси тушунилади. Бундай элементларга солиқ обьекти, субъекти, манбаи, солиқ ставкаси, тўлов муддатлари,

солиқ ҳуқуқи ва ҳужжатлари киради. Солиқ механизми солиқ тизимининг амалиётта татбиқ этилишини ифодалайди.

Солиқ механизмидан фойдаланиш солиқ элементларининг йифиндисидан самарали фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқулган тушунчадир. Бу механизм таркибида солиқлар ва бошқа тўловлар (ажратма, йиғимлар) каби элементлар борлигини айтиб ўтиш зарур. Шу механизм таркибида солиқлар аксарият узоқ йиллар ҳаракат қилса, уларнинг элементлари (масалан, ставкаси) тез-тез ўзгариб туриши мумкин. Демак, солиқлар солиқ механизмининг нисбатан мустаҳкам, узоқ йилларга мўлжалланган, кам ўзгартириладиган қисми. Ажратмалар, йиғимлар ва солиқларнинг элементлари тез-тез ўзгариб турадиган, ҳатто бекор бўладиган туридир. Масалан, 6 фоизли бюджетга ресурс тўловлари 1993 йилда жорий этилиб, бир йил ўтгач, бекор қилинган.

Солиқ механизмини шундай такомиллаштириш лозими, бюджеттага солиқлар тўлиқ ва ўз вақтида тушсин, улар бир вақтнинг ўзида товар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кўплаб даромад олиш имконини берсин, экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, қатъий валюталарга эга бўлсин. Ҳозирги вақтнинг солиқ сиёсати солиқ механизмини ана шу йўналишда такомиллаштириб бормоқда. Бу эса бозор иқтисодиёти талабларига мос тушиб, иқтисодиёти барқарорлаштириш имконини бермоқда.

Солиқ механизмининг йўналиши солиқ сиёсатидан келиб чиқади. Шу сабабли солиқ сиёсати йўналиши ўзгарса, солиқ механизмининг кераксиз элементлари чиқариб ташланади ва янги элементлар киритилади. Масалан, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бозор иқтисодиёти талабларига мос келмайдиган солиқлар (оборот солиғи, сотиш солиғи) бекор қилиниб, янги солиқлар (ҚҚС, акциз ва бошқалар) вужудга келди.

Солиқ механизмига ўзгаришлар киритилиб, такомиллаштириб борилади. Унинг тез ўзгартирилишига олиб келадиган қатор омиллар мавжуддир. Буларга пулнинг қадрсизланиши, иқтисодий йўналиш жараённида янги устувор йўналишларни белгилаш ва бошқа қатор янгиликлар киради.

Қайтариш учун саволлар

1. Ўзбекистон солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари нима ва солиқ сиёсати тушунчаси таърифи қандай?
2. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиша давлатнинг роли қандай ва ҳозирги солиқ сиёсатининг қандай босқичлари мавжуд?
3. Солиқ механизми нимани англатади ва унинг таркибига нималар киради?

5-БОБ. СОЛИҚ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ

1. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲОЗИРГИ ЗАМОН СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИ

Бир хил моҳиятга эга ва ўзаро муносабатда боғлиқ бўлиб, тарказлашган пул фондини ташкил этадиган солиқ ва йиимлар турларининг йифиндисига солиқ тизими деб аталади. Ў таърифда солиқ ва йифимлар ягона моҳият — "Яъни мажурий характерга эга бўлган муносабат" ва уларнинг бирори билан боғлиқлиги, ва ниҳоят, бюджеттага тушишлигини ўрсатади. Бу Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси мазганига мос келади. Шу ерда баҳсли масала ҳам мавжуд, яъни авлатнинг бюджетдан ташқари фондларига (пенсия, ижтиёий сурурга, бандлик фондлари ва бошқ.) тўловларни ҳам тажбурийлик нуқтаи назаридан солиқ тизимиға киритиш гуаммоси мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 5—8 моддаларига биноан солиқ тизими қўйидаги тарзига эга: (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда солиқ тизими тузилмаси

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар ва йигимлар
1. Ҳукуқий шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиқ	1. Мол-мулк солиги
2. Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ	2. Ер солиги
3. Қўйилган қўймат солиги	3. Реклама солиги
4. Акциз солиги	4. Автотранспорт воситаларини қайта согишиб солиги
5. Ер остидан фойдаланиш солиги	5. Кичик бизнес учун ягона солиқ
6. Экология солиги	6. Социал инфратузилмани ривожлантириш солиги
7. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиги	7. Савдо ҳукуқи йигими, шу жумладан, алоҳида товарлар турларини согишиб лицензия йигими
8. Савдо ташкилотларининг ялпи даромад солиги	8. Ишбильармонлик билан шугупланувчи ҳукуқий ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йигими
9. Божхона солиги	9. Автотранспортнинг вақтичалик турар жойи йигими ва солиги
10. Давлат божи	10. Ободонлаштириш ишлари йигими
11. Қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш йигими	
12. Бошқа даромадлар	

Жадвалдан кўриниб турибдики, Солиқ Кодексида сакизта умумдавлат (республика) солиқлари ва бешта маҳал-

лий солиқлар күрсатилған. Лекин кейинги солиқ тизимиға киригилған ўзгартишлар билан уларнинг сони — йифимлари ҳам қўшилиб 22 тага етган. Ҳозирги пайтда 30 тадан ошди. Солиқлар ва йифимлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, оқибат натижада улар ҳуқуқий ёки жисмоний шахсларнинг пул даромадларидан олинади. Демак, солиқ ва йифимларнинг жами йифинди суммаси солиқ юки тушунчасини келтириб чиқаради.

Солиқларни обьекти ва иқтисодий моҳияти бўйича гурухлаш.

Солиқларни гурухлаш иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсир кўрсатишни ўрганишнинг илмий ва амалий услубидир.

Солиқлар солиққа тортиси обьектига қараб уч гуруҳга бўлиниади:

1. Оборотдан олинадиган солиқлар.
2. Даромаддан олинадиган солиқлар.
3. Мол-мулк қийматларидан олинадиган солиқлар.

Оборотдан олинадиган солиқларга қўшилған қиймат солиги, акциз солиги, божхона ва ер ости бойликлари қийматидан олинадиган солиқлар киради. Лекин оборот (айланма) тушунчаси бизнинг қонунчиликимиз бўйича илгаригидек маҳсулот реализацияси оборотидан эмас, балки маҳсулотларни юклаб юборган қиймат билан ўлчанади (КҚСда). Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ ҳам, оборотдан олинадиган ягона солиқ ҳам оборотдан олинадиган солиқларга киради.

Даромаддан олинадиган солиқларга ҳуқуқий шахсларнинг даромадига (фойдасига), жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, савдо ташкилотларининг ялпи даромадидан ва рекламадан олинган солиқлар киради. Бу гурух солиқларга ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол-мулк солиги, ер солиги, ер остидан фойдаланиш солиги, экология, автомобилларни қайта сотиш солиги ва бошқалар киради.

Иқтисодий моҳиятга қараб солиқлар тўғри ва эгри солиқларга бўлинади.

Тўғри солиқларни тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри солиқ юкини бошқаларга ортиш ҳолати бўлмайди. Бу солиқларга ҳамма даромаддан тўла надиган ва барча мулк солиқлари киради.

Тўғри солиқлардан тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши

корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг тавкалари кўпайтирилса, бизнес имкониятлари камая бошаб, иқтисодий ривожланишини сусайтиради. Демак, бу гуруҳ солиқларнинг тавкалари тўғридан-тўғри бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғлангандир.

Эгри солиқларнинг ҳуқуқий тўловчилари маҳсулотни орнувчилар, иш, хизматни бажарувчилар ҳамда хизмат кўрсанувчилардир. Лекин солиқ юкиннинг ҳақиқатан ҳам бюджетта тўловчилари товар (иш, хизмат) ни истеъмол қўлувчиардир, яъни ҳақиқий солиқ тўловчилар бу ерда яширган. Ўз солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига устама рашидда қўйилади.

Бу солиқларнинг ижобий томони республикада ишлаб ишқарилган товарларнинг чеккага чиқиб кетишини чегарарайди, мамлакат ичидаги товарлар кўп ишлаб чиқарилишига роҳдам беради. Эгри солиқлар орқали товарлар қиймати оширилмаса, бозорларда уларнинг тақчиллиги ортади. Солиқлар ставкасининг оширилиши корхоналар фаолиятининг мониторинг якунига таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди.

Бу солиқларнинг яна бир томони муомаладаги ортиқча тул массасини камайтириб, инқирозни жиловлаб боради. Ўироқ бу солиқлар меҳнаткашлар реал даромадини пасайтиради. Корхоналарда тўғри солиқлар ставкасини камайтишиш ҳисобига берилган имконият кўпроқ маҳсулот ишлаб ишқаришни кўпайтириб, товарлар мўл-кўллигини таъминлаши керак.

Эгри солиқлар таркибига КҶС, акциз солифи, божхона божи, ёр остидан фойдаланиш солиқлари киради. Юқорида айтиб ўтилганидек, тўғри ва эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ашқил этиб, бир-бiri билан ўзаро боғланган. Умумий солиқ суммаси ўзгармаган ҳолда бирининг ставкасини камайтириш тиккинчисининг ставкасини оширишни талаб этади.

2. СОЛИҚЛАРНИНГ УМУМДАВЛАТ ВА МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАРГА БЎЛИНИШИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ФАРҚИ

Солиқларнинг умумдавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ҳусумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниш ҳусусиятидан кешиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажаёдиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига за уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлиши керак. Рес-

публика ҳукумати умумдавлат күламида жуда катта вазифаларни: мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб-интизом ўрнатиш, бозор инфратузилмасини яратиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор йирик юмушларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам, солиқлари ҳам салмоқли бўлиши шарт. Йирик ҚҚС, акциз, ҳуқуқий шахсларнинг даромадидан, фуқаролар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориши учун ажратма сифатида тушиши мумкин. Агар келгуси йили маҳаллий бюджетларнинг ўз манбалари (солиқлари) кўпайиб қолса, республика солиқларидан ажратма беришининг ҳожати қолмайди. Республика ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятга эга бўлиб, бюджетта тўланиши лозим бўлган тўловлардир.

Маҳаллий солиқлар маҳаллий ҳукуматлар бажарадиган вазифаларга қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ биректириб берилган. Маҳаллий ҳукуматлар асосан меҳнаткашларга яқин бўлганилигидан улар ижтимоий масалаларни: мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳарлар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва йиғимлар уларнинг бюджет харажатларининг 30—40 фоизини қоплади, холос. Кейинги вақтларда маҳаллий бюджетлар даромадлари салмоғини 50—60 фоизга етказиш каби ҳукумат қарорлари мавжуд. Маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Фақат ўз даромад манбаига тўлиқ эга бўлган маҳаллий ҳукуматлар ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда ҳар хил молиявий камчиликларга йўл кўйиш эҳтимоли бор. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар факт шу худуднинг бюджетига тушади. Бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва йиғимлари кам бўлганилигидан бу бюджетларнинг даромад ва харажатларини барқарорлаштириш (баланслаштириш) анча мураккабдир. Бу масалани ечишда, илгари кўрсатганимиздек, худуддан тушадиган солиқлардан ажратмалар берилади (масалан, ҚҚС, даромад солиги ва бошқалар). Амалиётда шу солиқлардан маҳаллий бюджетларга улар бюджетини барқарорлаштириш учун юз фоизгача ажратма бермасдан туриб субвенция (мақсадли ёрдам) берилади. Ваҳоланки, маҳаллий ҳукуматларни ўз худудларидан тушадиган солиқларни ундиришга қизиқтириш учун юз фоизгача ажратмалар бериш зарур бўлади.

Субвенция ёки субсидия услуглари эса маҳаллий ҳукуматларнинг республика ҳукуматига мурожаат этиши лозимлигини билдириб, уларни ўз ҳудудларидағи солиқлар тўлиқ ундирилиши қизиқтирумайди, улардаги боқибекамлик фазилатини кучайтиради. Маҳаллий ҳукуматлар ўз хоҳишларича солиқ ва йифимлар киритиш ҳуқуқига эга эмас. Солиқ Кодексида кўрсатилган солиқларни ўз ҳудудларида қўллаш ёки қўлламаслик ҳуқуқи бор. Бундан ташқари, маҳаллий солиқлар ва йифимлардан бюджетта тушган сумма миқдорида солиқ тўловчиларга имтиёзлар бериш ҳуқуқига ҳам эга. Маҳаллий солиқлар ва йифимларнинг бюджетта тўлиқ тушишини ташкил қилиш уларнинг зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади.

3. ҲУҚУҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ ШАҲСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР

Ўзбекистон солиқ тизими манбаига қараб солиқ ҳуқуқий шахслардан ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга ажратилади. Ҳуқуқий шахслардан олинадиган солиқларга ҳамма эгри солиқлар, корхоналар даромадига солиқ, ер остидан фойдаланганлик, сув ресурсларидан фойдаланганлик, экология, савдо ташкилотларининг ялпи даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, реклама солиғи, кичик бизнес учун ягона солиқ ва бошқалар киради. Баъзи солиқларни ҳам ҳуқуқий шахслар, ҳам жисмоний шахслар тўлайдилар. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларга даромадга солиқ, ер, мол-мулк, автомобиль воситаларини қайта сотиш солиқлари киради. Ҳуқуқий шахслардан олинадиган солиқлар давлат бюджети даромадларининг ҳал қилувчи қисмини (85—86 фоизи) ташкил этади. Бу солиқларнинг муҳим хусусияти нақд пулсиз корхоналар ҳисоб (жорий) счётларидан бюджет счётларига кўчириб қўйилади. Уни ундириш осон ва арzonга тушади. Жисмоний шахслардан олинадиган баъзи солиқлар нақд пулга ундирилганлиги учун уни тўлаш қийин кечади. Бундай солиқларга ер, мол-мулк солиқлари, автотранспортни қайта сотиш солиқлари ва қатор йифимлар киради. Солиқ йиғиши харажати кўпайиб кетади, чунки бу иш билан маҳсус тажрибага эга бўлган солиқ инспекторлари шуғулланади, ҳужжатлар (декларация, хабарномалар, чақириқлар ва бошқалар) кўп ёзилади.

Жисмоний шахслар солиқлари ичida энг йириги фуқаролар ялпи даромадига солиқлар. Бу солиқ орқали фуқароларнинг гурухлари даромадларини бошқариб бориш имконияти яратилади.

4. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМГАРМАЛАРГА МАЖБУРИЙ ТҮЛОВЛАР

Республикамизда Халқаро “Экосан”, “Устоз”, “Нуроний”, “Камолот” ва бошқа хилма-хил жамғармалар ташкил этилган. Бу жамғармалар ихтиёрий равищда тузилади. Лекин шундай жамғармалар борки, улар давлатнинг иштироки билан мажбурий равищда ҳар хил ажратма ва бадаллар ҳисобига тузилади. Бу жамғармаларга маблағ бермасликнинг иложи йўқ. Чунки булар ҳам қонун ва қонун ости ҳужжатлари ва солиқлар сингари мажбурийлик асосида ташкил топади. Бундай жамғармаларга пенсиян жамғармага ажратма (мехнат ҳақи жамғармаси ҳисобидан 37,3 фоиз), бандлик фондига (МҲЖдан 1,5 фоиз), касаба уюшмалари федерацияси (МҲЖдан 1,2 фоиз)га ҳукуқий шахслар ажратмалар тўлайди. Бу жамғармаларга Давлат мулк қўмитасига, йўл жамғармасига ажратмалар ҳам киради. Бу жамғармаларни бюджетдан ташқари жамғармалар деб ҳам аталади. Бюджетга солиқлар тушиши ва жамғармалар ажратма тўлаш моҳияти жиҳатидан ягонадир, яъни мажбурий тўловлар ҳисобланниб, айнан бу тўловларни ҳам солиқли тўловлар таркибига киритишга тўғри келади.

Юқоридаги жамғармаларни бозор муносабатлари ривожлана бориши билан ихтиёрийлик асосига ўтказилса, ҳукуқий шахслар учун солиқ юки анча камайиб, уларнинг иқтисодиётти бирмунча ривожлана боради.

Қайтариш учун саволлар

1. Солиқ тизими тушунчаси нимани ифода этади ва Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимиға нималар киради?
2. Солиқлар обьекти ва иқтисодий моҳиятига қараб қандай гурухланади?
3. Солиқларни умумдавлат ва маҳаллий солиқларга ажратишнинг сабаби нимада ва улар қандай фарқланади?
4. Ҳукуқий ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг фарқи нимадан иборат?
5. Бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар ва уларнинг солиқларга қандай алоқаси бор?

II БЎЛИМ. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР

1. ЮРИДИК ШАХСЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ СОЛИҚЛАРИ ТАРКИБИ

Ўзбекистон Республикаси солик қонунчилигида солик тўловчилар икки гуруҳга бўлинади: юридик шахслар ва жисмоний шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Солик Кодексида (13-модда) хилма-хил мулк шаклидаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар қисқача юридик шахс деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг аста-секин бозор муносабатларига ўта бориши, республикада ўрта ва кичик бизнесга фаолият кўрсатиш учун кенг йўл очилиши хилма-хил мулк шаклидаги: хусусий, кооператив, акционер, қўшма фирма ва бошқалар орқали тадбиркорлик ривожлантирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси соликقا тортиш мақсадида юридик шахслар сонини кўпайтиради.

Юридик шахс деб ўзининг ихтиёрида, қарамоғида, фойдаланишида мулкка эга бўлган, ўзининг мажбуриятларига шу мулк билан жавоб берадиган, бухгалтерия балансига ҳамда банкда ҳисоб счётига эга бўлган шахсларга айтилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига тўланадиган солик ва йигимларнинг ҳал қилувчи қисмини юридик шахслар тўлайди.

Юридик шахслар тўлайдиган соликлар ва йигимлар таркиби кўйидагилардан иборатdir:

а) Умумдавлат (Республика) бюджетига тўлайдиган соликлар ва йигимлар ҳисобидан, юридик шахслар тўлайдиган соликлар:

— Юридик шахслардан олинадиган даромадга (фойдага) солик;

- Кўшилган қиймат солиги;
- Акциз солиги;
- Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик;
- Экология солиги;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
- Савдо ташкилотларининг ялпи даромадидан солик;

- Божхона божи;
- Давлат божи;
- Қимматли қофозларни рүйхатдан ўтказиш йигими;
- ДАН йигими;
- 5 фоизли эркин алмаштириладиган валюта сотиб олиш йигими;
- Жарималар;
- Башқа тұловлар.

6) Маңаллый бюджетларга тұлайдиган солиқлар ва йигимларнинг ҳисобидан :

- Юридик шахслар тұлайдиган солиқлар;
- Мол-мұлк солиғи;
- Ер солиғи;
- Реклама солиғи;
- Автотранспорт воситаларини қайта сотиши солиғи;
- Кітчік бизнес учун ягона солиқ;
- Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириши солиғи;
- Савдо ҳуқуқини олиш йигими;
- Тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик шахсларни рүйхатдан ўтказиш йигими;
- Автотранспортнинг турар жойи йигими;
- Ободонлаштириш ишлари йигими;
- Дәхқон бозоридаги йигим;
- Қышлоқ хұжалик товари ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи;
- Меъеридан ортиқча тайёр маңсулот қолдиги учун 2 фоизли ҳақ.

Юридик шахс мақомидан ташқары солиқ тұловчи бўлиши учун яна, албатта бирор рухсат этилган фаолиятдан даромад (фойда) олган бўлиши, товар (ишлар, хизматлар) сотищдан оборотга ва башқа мулкларга эга бўлишлари шарт.

Солиқ Кодекси асосида ёзилган йўриқномаларда энди бир нарсага эътибор кучайтирилди, яъни юридик шахс бўлиш учун албатта мулкка эга бўлиш, бордию солиқдан ёки башқа хўжалик субъектларидан қарздор бўлиб қолинса, ана шу мулкларни сотиб, қарзлардан кутилиш имконияти яратилди.

2. ЮРИДИК ШАХСЛАР СОЛИҚЛАРИНИНГ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИННИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Юридик шахсларнинг бюджеттега тұлайдиган солиқлари тўғри ва эгри солиқларга бўлинади. Тўғри солиқлар даромад (фойда) солиғи ва ресурс солиқларидан иборат бўлади. Эгри солиқлар эса қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божидан иборатdir.

Ягона давлат бюджети даромадлари таркибида уларнинг салмоғи қуидаги маълумотлар билан ифодаланади:

Бюджет даромадлари жамига нисбатан юридик шахслар солиқларининг салмоғи

	Солиқлар номи	Салмоғи %			
		96 й.	97 й.	98 й.	2000 й.
1	Юридик шахслар фойдасига солиқ	25,8	23,9	21,8	13,5
2	Мол-мулк солиғи	1,5	2,3	3	2,8
3	Ер солиғи	3,5	3,6	4	4,0
4	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик солиғи	0,6	1,3	2,1	1,2
5	Қўшимча қиймат солиғи	17,7	25,1	25,3	29,7
6	Ақциз солиғи	20,0	14,4	13,4	18,6
7	Божхона божи	1,6	1,5	2,1	1,3
8	Бошқа солиқлар ва йигимлар	Фоизлар турлича бўлган			
9	Жами	80	81	83	75

Эслатма: маълумотлар нисбий, тўлиқ эмас.

Юқоридаги маълумотлар таҳлил қилинганда юридик шахслар солиқлари ва бошқа тўловлари бюджет даромадларининг асосий қисмини ташкил этиши кўринади. Бу солиқлар давлат бюджети харажатларини молиялаштиришда мустаҳкамликни, узвийликни таъминлайди. Улар асосан ҳар ойда ва чоракларда узлуксиз тушиб турганлиги сабабли бюджет харажатларини ҳам молиялаштиришнинг узлуксиз, ҳал қилувчи манбаига айлангандир. Бу солиқларсиз бюджетни режали молиялаштиришнинг иложи йўқдир. Шунинг учун уларнинг аҳамияти бюджет даромадларини шакллантиришда бекёсдир.

Юридик шахслар солиқлари пул муомаласини мустаҳкамлашда ҳам катта аҳамиятта эга. Тўғри солиқлар юридик шахсларнинг харажатларга йўналтириладиган маблағларини қисқартириб (масалан, инвестицияларда) муомалага чиқиши лозим бўлган пулларни камайтиради.

Масалан, корхонанинг 100 млн. сўм даромади бор. Агар ундан 40 млн. сўми солиқлар ва йигимлар орқали бюджетта олинмаса, ҳамма 100 млн. сўмни капитал харажатларга сарфлар эди.

Шу жумладан, 40 млн. сўм тахминан иш ҳақига ажратилиди. Солиқ суммаси ҳиссасига teng бўлган иш ҳақи суммаси қисқариб, муомалага кам пул чиқарилади. Юридик шах-

лар тұлайдиган әгри солиқлар эса мұомаладаги юрган ортиқча пулларни бақо ошириш йўли билан бюджетта жалб қыладилар ва пул мұомаласини мустаҳкамлашда катта ажамият кашф этади.

Солиқларнинг ошиши талабни камайтиради ва таклифни оширади. Бу эса эмиссияни камайтиради.

3. ЮРИДИК ШАХСЛАР СОЛИҚЛАРИНИ БЮДЖЕТГА ТҮЛАШ ТАРТИБИ

Юридик шахслар ўзларининг солиқ ва йигим тұловларини нақд пулсиз, яъни корхона, бирлашма, ташкилотларнинг ҳисоб счётларидан маблагні күчириб, республика ёки маҳаллий бюджет счётларига ўтказиш йўли билан амалга оширадилар. Бу ерда ўтказиш ҳужжатлари бўлмиш тұлов топшириғи, чеклар ва тұлов талабномаси орқали амалга оширилади.

Қоида бўйича ҳамма юридик шахслар ўз солиқ ва йигим тұловларини ўз муддатида бюджетта ўтказишга мажбурдирлар.

Ҳар бир ўз муддатида ўтказилмаган кун учун ўтказилиши лозим бўлган солиқ суммасидан 0,15 фойзи пеня ҳисобланиб қўшимча бюджетта олинади. Бу ерда пеня миқдорининг кўпайиши корхонанинг молиявий аҳволига салбий таъсир этади.

Шунинг учун ҳар қандай хўжалик субъектлари ҳисобчилари солиқлар ва бошқа тұловларнинг белгилаб қўйилган кунларгача бўлган аванс (бўнак) тұловларини ўз вақтида тұлаб туришлари шарт.

Юридик шахсларнинг ҳамма солиқлари нақд пулсиз бюджетта тұланади. Фақаттана айрим йигимларни (давлат божи) нақд пулда тұлаш мумкин бўлади.

Юридик шахслар солиқларининг нақд пулсиз тұланиши жуда катта иқтисодий ажамиятта эга. Пул ўтказышлар тезлашади, солиқлар тез тушади, ижтимоий харажатлар (пул тұлаш, ташиш, сақлаш) иқтисод қилинади. Булар эса жамият маблағларини тежайди, ижтимоий ривожланишга ижобий таъсир этади.

Қайтариш учун саволлар

1. Қандай шахслар юридик шахс деб аталади?
2. Қайси солиқлар ва йигимлар умумдашлат солиқлари таркибиға киради?
3. Маҳаллий солиқлар ва йигимларга қайси солиқлар киради?
4. Юридик шахслар солиқларининг ажамияти қандай?
5. Юридик шахслар солиқлари қандай тартибда бюджетта тұланади?

1-БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАДИДАН (ФОЙДАСИДАН) СОЛИҚ

1. ДАРОМАДГА (ФОЙДАГА) СОЛИҚ ТУШУНЧАСИ ВА СОЛИҚ ТҮЛОВЧИЛАР

Юридик шахсларнинг тўлайдиган солиқлари ичида уларнинг даромади (фойдаси)га солиқ бюджет даромадлари таркибида катта ўрин эгаллади. Масалан, бу солиқ салмоғи 1996—1998 йилларда 21—25 фоизни эгаллаган, яъни бюджет даромадининг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этган. Ҳозир бу нисбат камаймоқда.

Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиқ — бу корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар даромади (фойдаси) бир қисмининг бюджетга мажбурий тўловидир.

Бу даромад (фойда) «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом билан аниқланади.

Қайта ишланган бу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 5—1-сонли қарори билан тасдиқланган.

Хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс) фаолиятининг қўйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

— маҳсулотни сотищдан олинган ялпи фойда, бу сотищдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади;

ЯФ=ССТ — ИТ, яъни ЯФ — ялпи фойда, ССТ — сотищдан олган соф тушум, ИТ — сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

— асосий фаолиятдан олинган фойда, бу маҳсулотни сотищдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа заарлар сифатида аниқланади;

АФФ+ЯФ — ДХ+БД — БЗ, бунда АФФ — асосий фаолиятдан олинган фойда, ДХ — давр харажатлари, БД — асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, БЗ — асосий фаолиятдан кўрилган бошқа заарлар.

— Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки заар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус заарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

УФ=АФФ+МД — МХ, бунда УФ — умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; МД — молиявий фаолиятдан даромадлар; МХ — молиявий фаолият харажатлари;

— Солиқ тұлғанған олингап фойда, у умумхұжалик фаолиятидан олингап фойда плюс фавқулодда (күзде тутилмаған) вазиятлардан күрилған фойда ва минус зарар сифатыда аникланади:

СТФ=УФ+ФП–ФЗ, бунда СТФ — солиқ тұлғанған олингап фойда; ФП — фавқулодда вазияттан олингап фойда; ФЗ=фавқулодда вазияттан күрилған зарар.

— Йилнинг соғ фойдаси, у солиқ тұлғанғандан кейин хұжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, үзіда даромад (фойда) дан тұланаған солиқни ва минус бошқа солиқлар ва тұловларни чиқарып ташлаган ҳолда ифодаланади:

СФ=СТФ–(ДС+БС), бунда СФ — соғ фойда, ДС — даромаддан тұлған солиқ, БС — бошқа солиқлар (ижтимоиي инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ободончилик ишлари йигими).

Демек, солиққа тортиладиган даромад Низом асосида аникланади.

Молия йилида солиққа тортиладиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслар даромад (фойда) га солиқ тұловчилар, деб ҳисобланади. Молия йили бизнинг республика мазмуда календарь йилига мос тушади. Кичик корхоналар, савдо ташкилотлари ва қишлоқ хұжалик товари ишлаб чиқарувчилар бу солиқни тұламайдилар. Солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар резидентлар ва норезидентларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтган ҳамда бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ҳисобланади. Коида бўйича рўйхатдан ўтган юридик шахсларга идентификацион номер берилади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар Ўзбекистондаги ва ундан ташқаридаги фаолияттан олган манбаларидан даромад (фойда) солиғига тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари эса факат Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатишдан олган даромадлари бўйича солиққа тортиладилар.

Даромадга (фойда) га солиқ тұловчиларни тұлиқ тушуниш учун уларни халқ хұжалиги соҳалари бўйича ҳам солиқ тұловчилар бўлишлигини ва уларнинг ўзига хос баъзи хусусиятларга эга эканлигини эътироф этиш зарур. Бундай соҳа тұловчиларига: саноат, курилиш, қишлоқ хұжалиги, транспорт, коммунал хұжалиги ва бошқалар киради.

Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, юридик шахслар қаромадига солиқни тўловчилари бўлиши учун қуидаги шартлар талаб этилади:

- 1) бирор фаолиятдан даромад (фойда)олиши;
- 2) ўзининг мулиқига эга бўлиши;
- 3) мустақил бухгалтерия балансига эга бўлиши;
- 4) банкда ҳисоб счётига эга бўлиши зарур.

Шу кўрсаткичларнинг бирортаси йўқ бўлса ҳам бундай юридик шахс солиқ тўловчи бўла олмайди.

2. СОЛИҚ ОБЪЕКТИ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН ДАРОМАДЛАР

Солиқ объекти бўлиб жами даромад билан юқорида кўрсатилган Низомда белгиланган чегирмалар фарқи (тафовути) ҳисобланади.

Солиқ объектини тўлиқ ва тўғри ҳисоблаш учун жами даромад таркибини мукаммал ўрганиш зарур бўлади. Жами даромад таркибига юридик шахс томонидан олиниши лозим бўлган (олинган) ортилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ҳақлари сифатидаги пул ва бошқа маблағлар ёки қайтармаслик шарти билан олинган маблағлар киради. Бундай даромадларга :

- а) маҳсулот (иш, хизмат) сотищдан тушум, унга:
 - ортилган маҳсулот қийматини тўлаш учун ҳисоблашиш ҳужжатларида кўрсатилган сумма;
 - буюртмачи томонидан тасдиқланган, бажарилган ишлар далолатномасида кўрсатилган сумма;
 - кўрсатилган хизматни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган суммалар киради.

Харид, тайёрловчи, таъминловчи корхоналарда даромад (фойда) га солиқ тўловчилар учун сотиш тушуми деб сотилган ва сотиб олинган товарлар сотиш қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Воситачилик фаолиятидан (комиссион тақдирлаш) даромад олувчи корхоналар учун тушум деб ҳамма битимлар бўйича комиссион тақдирлаш (фоизлар) суммалари ҳисобланади;

б) асосий воситалар, номоддий активлар, қумматли қофозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активлар сотищдан даромадлар киради.

Солиққа тортиш мақсадида асосий фонdlар ва бошқа мулкларни сотищдан даромадни аниқлашда шу фонdlар ва мулкларни сотиш баҳоси ва қолдиқ суммаси ўртасидаги фарқ

(ошиши) ҳисобга олинади. Бу ерда қолдиқ қиймат — ҳамма асосий фонdlар, моддий активлар, кам қийматли ва тез бузиладиган предметларга ҳам қўлланилади. Асосий фонdlар бепул берилганда бераётган шахснинг активлар қиймати ўша вақтдаги ташкил топган харажатлар билан, мулкларни олувчининг даромади эса кирим қилинган қолдиқ қиймат билан, лекин берган шахснинг таннарх қийматидан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади:

в) фоизлар ва дивидендлар турида олинган даромадлар;

г) бепул олинган мулклар, лекин бепул олиш бир тизим ичига кирувчи корхоналар томонидан бўлса, даромад бўлмайди;

д) мулкларни ижарага беришдан даромадлар;

е) роялти-интеллектуал мулкларнинг ҳуқуқидан даромадлар: муаллифлик ҳақлари, патентлари, чизмалар, товар белгилари, янги моделлар;

ж) бепул молиявий ёрдам;

з) кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар — сўров муддати тутаган бўлса, умумий сўров муддати юридик шахслар учун З йил қилиб белгиланган.

и) илгари чегирма қилинган қарзлар, заарлар ва умидсиз қарзларни камайтиришдан олган даромадлар;

к) валюта счёtlари бўйича ижобий курс фарқлари;

л) фавқулодда даромадлар;

м) ҳар хил даромадлар.

Товар моддий бойликлар заҳираларини қайта баҳолашдаги қўшимча суммалар солиққа тортиладиган даромадга шу товарлар (ишлар, хизматлар) сотила борилиши билан қўшиб борилади.

Корхоналар (ташкилотлар) маҳсулотларини ҳақиқий таннарх баҳосидан кам соттандагина заарлар солиққа тортиладиган даромадни камайтиrmайди, экспортга эркин алмаштирилладиган валютага маҳсулот сотиш бундан мустаснодир.

Ички бозордан паст баҳода ўз маҳсулот (иш, хизмат) ларини эркин алмаштирилладиган валютада сотувчи корхоналар учун солиққа тортиладиган база экспорт маҳсулотни сотишнинг ҳақиқий баҳосидан келиб чиқиб ҳисобга олинади.

Умумий вазифаларини ҳал қилиш учун Устав фондига бадаллар, пайлар ва бошқа мақсадли молиявий қўйилмалар юридик шахснинг даромадига кирмайди ва солиққа тортилмайди.

Корхоналарнинг чет эл валютасида олган даромадлари ҳам умумий даромадларга қўшилиб солиққа тортилади. Бунда чет эл валютасида олинган даромад ўша кундаги Марказий банк белгилаган курс билан даромадга олинади.

Юқорида олинган жами даромадларга Низомнинг 1 ва 2 ловаларидағи ҳаражатлар таркиби ҳам олиб келиб құшизды.

3. ДАРОМАД (ФОЙДА) ГА СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ ВА СОЛИҚНИ БЮДЖЕТГА ТҮЛАШ ТАРТИБИ

Юридик шахсларнинг даромад (фойда) га солиғи ставаларини қарорини тасдиқлаганда тасдиқлайды әз үйзарып туриши мүмкін.

Солиқ Кодексида юридик шахслар учун даромад (фойда) 1 солиқнинг чегара ставкаси фоиз қилиб белгиланган. 2000 ил учун Вазирлар Маҳкамаси бу ставкани 31 фоиз қилиб елгилади (1999 ийл 31 декабрдаги 554 сонли қарори).

Болалар ассортименти товарлари ва аёллар гигиенаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар 5 йилга қамма солиқлардан озод бўладилар. Бунай корхоналар шу товарларга сотиш баҳоларини 1998 ийл 1 база даражасидан 15 фоиз кам қилиб белгилайдилар. Ихтисослашган тушунчасига умум маҳсулотлар ичида болалар 1 ва аёллар гигиенаси учун мўлжалланган маҳсулотлар 60 юизни ташкил этса ва ошса киради. Юқоридаги шартлар ажарилмаса, корхоналар 10% ставкасида даромадга солиқ ўлайдилар. Агар корхоналар ишлаб чиққан товарлари тарбияда болалар товарлари, бадиий буюмлар ва ўйинчоқлар 0% дан кам бўлмаган ҳиссани ташкил этса, бундай корхоналар 25 % даромад (фойда) га солиқ тўлайдилар.

Чакана савдо корхоналари товар оборотидан товарларинг болалар ассортименти ва аёллар гигиенаси маҳсулотлари 75% дан ортиқни ташкил этса, 5 йилга ялпи даромад олиғидан озод этилади. Бунда савдо устамаси 15% дан ва енталеллик чегараси 10% дан ошмаслиги шарт.

Хорижий инвестиция билан тузилган ишлаб чиқариш корхоналари:

Устав фондида хорижий капитал ҳиссаси 30 % ва ундан ортиқ бўлса	25%
Устав фондида хорижий капитал ҳиссаси 50% ва ундан ортиқ бўлса ёки 300 минг АҚШ долларидан то 1 млн.долларгача бўлса 1 млн.АҚШ доллари ва ундан ортиқ бўлса	20% 16%

гу даромадига солиқ тўлайдилар.

Болалар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, қўшма корхоналар ўз ишлаб чиқарган маҳсулоти салмоғи ёки сервис хизмати умумий тушум ҳажмининг 60% идан кўпроқни ташкил этса, хорижий инвестицияли ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобланади. Хорижий инвестицияли корхоналар қўйидаги шартларга жавоб беришлари керак:

1. Корхонанинг устав фонди миқдори 300 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак.
2. Корхона қатнашчиларидан бири албатта чет эл юридик шахси бўлиши шарт.
3. Хорижий инвестициянинг корхона Устав фондидаги салмоғи 30% дан кам бўлмаслиги керак.

Юридик шахснинг доимий муассасаси — шу доимий муассасанинг чет элга ўтказадиган солиги даромади (фойдаси)дан 10% миқдорда бўлади.

Доимий муассаса билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борган норезидентнинг даромади ҳеч қандай чегирмасиз даромад манбаида қўйидаги ставкаларда солиққа тортилади.

— Дивидендлар ва фоизлар	15%
Суғурта мукофотлари, суғурталапи ва қайта суғурталаш хавф-хатари тўловлари	10%
Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар билан Ҳалқаро алоқа учун телекоммуникация ва транспорт хизмати (фрахта даромади)	6%
Роялти, ижара даромадлари, хизмат кўрсатиш, шу жумладан бошқарув хизмати, маслаҳатлар ва бошқа даромадлар	20%

Юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизлар тўлов манбаида 15% ли ставка билан солиққа тортилади.

Резидентлар бўлмиш банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотларига тўланадиган фоизлар тўлов манбаида солиққа тортилмайди, балки банклар ва молия-кредит ташкилотларида солиққа тортилади.

Товар (ишлар, хизмат)ларни экспорт қилувчи корхоналар 2000 й. 1 июлдан бошлаб экспортдан олган даромаддан солиқ тўламайдилар.

Экспортга маҳсулот сотувчилар ундан тушган эркин алмаштириладиган валютадаги тушумнинг алоҳида ҳисоб-китобини юритишлари шарт. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 й. 5 июнь Фармони.)

4. ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИҚИДАН ТҮЛІК ОЗОД ЭТИЛАДИГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИ

Даромад (фойда) га солиқдан бериладиган имтиёзлар хилма-хилдир:

- түлиқ озод этиладиган юридик шахслар ва уларнинг даромадлари;
- вақтингча озод этиладиган юридик шахслар;
- вақтингча озод этиладиган юридик шахсларнинг даромадлари;
- юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромади-фойдасы)нинг камайтирилиши.

Күйидаги юридик шахслар даромад (фойда)и солиқдан түлиқ озод этиладилар:

- 1) юридик шахсларнинг умумий ишловчилар сонидан 75 % ини ўрга мактаб ва профессионал техника билим юртлари ўқувчилари ташкил этса;
- 2) протез-ортопедия маҳсулотлари, инвентарлар ҳамда ногиронлар учун хизмат кўрсатувчи маҳсуслашган маҳсулот ишлаб чиқарувчи юридик шахслар;
- 3) юридик шахсларнинг ишлаётган ходимлар умумий сонидан 50% ва ундан кўпини ногиронлар, 1941—1945 йиллар уруши фахрийлари ташкил этса (савдо, воситачилик, таъминлов ва тайёрлов ташкилотлари бундан мустаснодир).

Ушбу имтиёзни олишда корхонадаги умумий ишловчилар сонига штатда турувчи, шу жумладан ўриндошлиқ билан ишловчи ҳамда штатда бўлмасдан ишловчилар (фуқаро хукуқий шартномаси бўйича иш бажарувчилар) киради.

- 4) даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;
- 5) жазони ижро этувчи муассасалар;
- 6) нотижорат ташкилотлар киради.

Солиққа тортиш мақсадида нотижорат ташкилотларига қўйидагилар киритилиди:

- а) фақат бюджетдан молиялаштириладиган корхона, муассаса ва ташкилотлар, ўзининг тасдиқлаган сметасига биноан бюджетдан харажатлари учун дотация олувчилар, “Нуроний” жамғармаси ва унинг бирлашмалари;
- б) меҳр-шафқат бирлашмалари, халқаро ташкилотлар, диний ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар;
- в) молиявий ва бошқа маблағларни ходимларнинг шахсий манфаатлари, таъсисчилар ва шу ташкилот аъзолари манфаатига тегишли бўлмаган мақсадларга тақсимловчи ва маблағ йўналтирувчи юридик шахслар киради.

Нотижорат ташқилотлар тижорат фаолиятидан даромад (фойда) олсалар, умумий тартибда солиққа тортилади. (Вақтингча улар 2 йилга озод этилади.)

7) йүловчилар ташиш билан боғлиқ бўлган хизматлар билан шуғулланувчи шаҳар йўловчи транспорти;

8) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклашдан олган даромад (фойда);

9) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва қуришдан олган даромадлар;

10) ўз ходимлари учун «Уйжойжамғармабанк» билан шартномага асосан уй-жой сотиб олишга йўналтирилган даромад (фойда);

11) хорижий сармоялар билан тузилган ишлаб чиқариш корхоналарининг даромадида, чет эл қатнашчисининг ҳиссаси 50% ва ундан ошиқ бўлиб маблагни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилса;

12) Ҳисобот йили натижасига биноан корхоналарнинг экспорт товарлар (ишлар, хизматлар) ини ўсиб борувчи қисмидан олган даромади даромадга солиқ тўлашдан озод этилади. Агар ўтган йили экспорт бўлмаган бўлса, ҳисобот йилида корхона имтиёз олиш хукуқига эга бўлмайди.

5. ДАРОМАД (ФОЙДА) ГА СОЛИҚДАН ВАҚТИНЧАЛИК ОЗОД ЭТИЛАДИГАН ЮРИДИК ШАҲСЛАР

Куйидаги юридик шахслар солиқдан вақтинчалик озод этиладилар:

1) рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан 2 йил муддатта янги ташкил этилган фермер хўжаликлари ва хусусий корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдан олган даромадлари (фойдаси) бўйича;

2) рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатта Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристик фаолият билан шуғулланувчи янги тузилган корхоналар пайдо бўлган вақтдан биринчи фойда олгунга қадар бу корхоналар фойда олган даврнинг биринчи йили 50%, иккинчи йили 75%, учинчи йилдан бошлаб 100% солиқ тўлайдилар;

3) экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи чет эл инвестицияси билан тузилган янги ишлаб чиқариш корхоналари;

а) агар ишлаб чиқариш ҳажмида 25% маҳсулотни болашар товарлари ташкил этса, 5 йилга солиқдан озод этилади. Кейинги йилларда солиқ икки марта камайтирилган тарзда элиниади;

б) ишлаб чиқариш бошлангандан эътиборан корхонанинг Устав фондида чет эл капитали салмоғи 50% ни ташкил қылса, 2 йилга солиқдан озод этилади;

4) посёлка, қишлоқ ва овул ҳудудларида янги тузилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар З йил муддатга солиқдан озод этилади.

Кейинги йиллар солиқ ставкаси ҳаракатдаги ставкадан икки марта камайтирилади;

5) янги тузилган юридик шахслар (савдо, воситачилик, гаъминлов ва тайёрлов ташкилотларидан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан эътиборан биринчи йили 25%, иккинчи йили 50% белгиланган ставкадан солиқ тўлайдилар. Кейинги йиллар белгиланган ставкада тўлиқ тўлайдилар;

6) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи, халқ истеъмол товарлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқувчи, қишлоқ хўжалигига тиббий асбоб-ускуналар, машина ва техника воситалари, енгил ва озиқовқат саноати, тайёрлов, чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари, Устав фондида чет эл капиталининг салмоғи 30% дан ортиқ бўлса, корхоналар солиқдан рўйхатдан ўтгандан бошлаб 2 йилга озод бўладилар;

7) Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастурига киритилган капитал қўйилмалари бўлган чет эл инвестицияси билан тузилган ишлаб чиқариш корхоналари рўйхатдан ўтган кундан эътиборан 7 йил муддатга солиқдан озод этилади.

Куйидагилар олган даромадлари (фойдалари) юзасидан вақтингчалик озод этиладилар:

а) патент эгаси (лицензиар) саноат мулки обьектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан амал қилиш муддати доирасида фойдалана бошлаган санадан эътиборан озод этилади:

— ихтиrolар ва селекция ютуғидан патент бўйича — беш йил давомида;

— ихтиrolардан дастлабки патент — уч йил давомида;

— селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича — уч йил давомида;

— саноат намунасидан патент бўйича — уч йил давомида;

— саноат намунасидан дастлабки патент бўйича — икки йил давомида;

б) лицензиат (лицензия шартномасидан фойдаланиш хукуқини олган шахс) саноат мулки обьектларидан фойдаланишдан олган даромади юзасидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан:

— ихтиролар ва селекция ютуғидан патент бўйича — 5 йил давомида;

— ихтиролар дастлабки патент бўйича — 3 йил давомида;

— селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича — 3 йил давомида;

— саноат намунасидан патент бўйича — 3 йил давомида;

— саноат намунасидан дастлабки патент бўйича — 2 йил давомида;

— фойдали моделдан гувоҳнома бўйича — 2 йил давомида;

— товар белгиси ва хизмат белгисидан — 1 йил давомида (лицензиар маҳсулотни ишлаб чиқарганда) солик тўлашдан озод бўладилар.

6. ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН ДАРОМАДИ (ФОЙДАСИ)НИНГ КАМАЙТИРИЛИШИ (Солик ҳисобида кўрсатиладиган имтиёз)

Юридик шахсларнинг соликқа тортиладиган даромади нинг камайтирилиши солик ҳисоби шаклида имтиёзлар деб аталиб, маҳсус ҳисоблар билан иловада берилади. Юридик шахсларнинг солик солинадиган даромади (фойдаси) қуидаги суммаларга камайтирилади:

1. Экология, саломатлик ва хайрия жамғармалари, маданият, ҳалқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига бадаллар суммасига, бироқ солик солинадиган даромаднинг (фойданинг) бир фоиздан кўп бўлмаган миқдорида камайтирилади.

2. Инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва қайта таъмирлаш), шунингдек, инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтирилган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан (амортизация) тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ солик солинадиган даромаднинг 50% дан кўп бўлмаган миқдорида камайтирилади.

Бу ерда инвестиция дейилганда, янги қурилиш шаклида ги капитал қурилиш, шунингдек, қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техникавий қайта қуролланиш назарда тутилади;

— ишлаб чиқариш мақсадлари учун иморатлар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа обьектлар (уларнинг бир қисмини) сотиб олишга сарфланган ўз сарфиётлари тушунилади.

3. Диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари) хайрия фондларининг мулкида бўлган корхоналар даромадидан (фойдасидан) шу бирлашмалар ва жамғармаларнинг Уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалар суммасига бериладиган имтиёз улар амалга оширадиган нотижорат фаолиятигагина жорий этилиши белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 1999 йил, 26 июль).

4. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга кетган харажатларнинг 30% суммасига: бу имтиёз ўз ишлаб чиқаришига экологик таъсирни яхшилашга қаратилган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширган корхоналарга тегишилдири. Буюртма билан ишлаб, табиатни муҳофаза қилишдан даромад олувчи корхоналарга бу имтиёз берилмайди.

5. Футболни ривожлантиришга кўмаклашиш, футбол клублари ва мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланадиган маблағлар суммасига, бироқ солик солинадиган даромаднинг (фойданинг) 5% гача миқдорда белгиланади.

6. “Умид” жамғармаси дастури бўйича молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар.

7. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг даромадлари бўйича солик солинадиган база заҳира жамғармасига устав фондининг 25% ита етпунига қадар даромаднинг (фойданинг) 20% гача миқдорда заҳира жамғармасига ўтказиладиган ажратмалар суммаси ҳисобига камайтирилади.

8. Юридик шахсларда умум ишловчилар сонидан 3% дан кўпроқ ногиронлар бўлса, даромадга солик суммаси белгиланган меъёрдан ортиқча меҳнатга жалб қилинган ҳар бир фоиз ногиронлар учун 1% солик суммаси камайтирилади.

Масалан:

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи корхоналарнинг даромадига (фойдага) солик ҳисоби

Ходимларнинг умумий сони	25 киши
Шу жумладан ногиронлар	7 киши
Ногиронларнинг умум ходимлар сонидаги фоизи	28 фоиз
Ногиронларни меҳнатта жалб қилишнинг белгилантан меъёри	3 фоиз
Белгиланган меъёрдан ортиғи (28-3%)	25 фоиз
Ҳисобланган солик суммаси	100 м.сўм
Имтиёз ҳисобга олинган солик суммаси $100 \times 25 : 100$	75 м.сўм

Демак, корхона мөъердан 25% ортиқча ногиронларни ишга жойлаштирганлиги учун 25 минг сўм солиқдан имтиёз олиб, 100 минг сўм ўрнига бюджетта 75 минг сўм солиқ тўлайди, яъни 25% солиқдан имтиёз олинади.

7. СОЛИҚ ҲИСОБИНИ ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ҲАМДА ТЎЛАШ МУДДАТЛАРИ

Юридик шахсларнинг даромадга (фойдага) солиги ҳисоби чорак, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йиллик даврларга йил бошидан ўсиб борувчи миқдор билан тузилади.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси солик тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари асосида мустақил аниқланади. Бунда улар солиқ қонунчилиги, шу жумладан, Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 29 декабрда тасдиқланган 382 сон йўриқнома асосида ҳисоблаб чиқилади.

Солиқ ҳисоби ўтган даврлар (чорак, 6 ой, 9 ой, йил) учун тузилади. Бироқ бўнак (аванс) тўловларни бу солиқдан аниқлаш учун эса солиқ тўловчилар чорак бошидаги ойнинг 5-санасига қадар ўзлари жойлашган туман солиқ идораларига тегишли чорақда кутилаётган даромадлар ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб, жорий тўловлар (аванс) суммасини белгиловчи далолатнома топширадилар. У қўйидаги шаклда бўлади.

2000 йил 2-чораги учун кутилаётган даромад (фойда)дан бюджетта жорий тўловлари тўғрисида далолатнома

	А корхона	
	Кўрсаткичлар номи	Минг сўм
1.	Кутилаётган даромад (фойда) 2 чоракка	480
2.	Солиқ ставкаси	31
3.	Бюджетта тўлаши лозим бўлган даромадга (фойдага) солиқ суммаси	148,8

Корхона ойнинг ҳар бир 15 кунлик муддатида 24,8 м. сўмдан аванс тўловини тўлаб бориши зарур бўлади.

Жорий тўловларни юридик шахслар ҳар ойнинг 10 ва 25 саналаригача даромадга (фойдага) солиқнинг чораклик суммасидан олтидан бир қисми тариқасида бюджетта тўлаб боришилари шарт. Акс ҳолда, молиявий жазо (пеня) тўлашга тўғри келади. Солиқ тўловчилар бюджетта тўловлар суммасини камайтирган тақдирда солиқ хизмати идоралари томонидан қўшимча аниқликлар киритишга тўғри келади.

Ҳисобот даврида маҳсулот сотишдан олган даромадлари 200 карралы минимал иш ҳақидан (2000 йил 2-чорак учун 350 м. сүм) кам бўлган корхоналар ҳар чоракда бир марта тўлов тўлайдилар ва ўсиб борувчи сумма бўлганлиги учун аввалги даврлардаги тўлаган солиқ суммалари ҳисобга олиб борилади. Бу ерда жорий тўловларсиз ҳақиқий олинган даромад солиғи тўланади.

Солиқ тўловчилар биринчи чорак, ярим йил ва йил ўтиши билан йил бошидан ҳисобланган якунга кўра солиқни ҳақиқий олинган даромаддан келиб чиқсан ҳолда даромадга солиқни ўзлари мустақил ҳисоблаб чиқадилар. Бунда имтиёзлар ва солиқ ставкасидан келиб чиқадилар. Йил мобайнида тўлаган солиқлари ҳисобот йилида ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олинади. Солиқ ҳисобини тузиш мисолига қаранг.

Ҳақиқий олинган даромад (фойда)га қараб ҳисобланган солиқ суммаси (фарқи) бюджетта чораклик ва йиллик молия ҳисоботи топшириш мўлжаллангандан бошлаб 5 кун ичида тўланади.

Даромадга (фойдага) солиқ бўйича 2000 йил 1-чорак учун солиқ ҳисоби

Кўрсаткичлар	қаторлар №	Сумма м.с.
Фойдага солиқ тўлангунгача бўлган, молиявий якун (2-шакл. "Молиявий якунлар тўғрисидаги ҳисобот"нинг 170-сатри)	010	200
"Харажатлар таркиби тўғрисидаги" Низом бўйича солиқда тортиладиган базага кўшиладиган харажатлар (илова №1)	020	20
Ҳисобот даврида солиқда тортиладиган базадан камайтирилмайдиган сарфлар (илова №2)	030	—
Солиқда тортиладиган базадан камайтирилдиган илгари қилинган харажатлар (маҳсус балансдан ташқари 010 счётдан қилинган ҳисоб)	040	—
Солиқда тортиладиган базага киритиладиган сарфиётлар (030 қатор — 040 қатор)	050	—
Акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан дивиденdlар (фоизлар)	060	10
Солиқда тортиладиган даромад (фойда) (қаторлар 010+020+050 — 60)	070	210
Солиқдан имтиёз ҳисоби бўйича	080	20

Имтиёз ҳисобга олинган даромад(фойда) (070 – 080)	090	190
Белгиланган солиқ ставкаси	100	31
Корректировка қилинган солиқ ставкаси	110	31
Бюджетта тұланиши лозим бўлган солиқ суммаси (қатор 090*110:100%)	120	58.9
Ҳисобот даврида ҳисобланган бўнак (аванс) тўлови суммаси	130	60
Қўшимча ҳисобланади	140	
Камайтирилди	150	1,1

Корхона раҳбари

Бош ҳисобчи

Қабул қилдим

Даромад (фойда) га солиқ бўйича солиқ ҳисобининг ҳолатлари (вариантлари).

Масала шартлари.

“А” корхона ишлаб чиқарған товарлари ичидаги болалар ассортименти 20% дан кам ҳиссани ташкил этади. “Б” корхона эса хорижий инвестиция билан тузилган ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, Устав фондида хорижий капитал ҳиссаси 50% дан ортиқни (Устав фонди 1200 минг АҚШ доллари) ташкил этади. Ҳамма корхоналари шартли равишда ҳисобот йилида солиққа тортилгунча олган фойдаси 5600 минг сўм, солиққа тортиладиган базага қўшиладиган харажатлар (1-илова) –700 минг сўм, имтиёз берилган (солиқ ҳисобига киритиладиган илова) – 200 минг сўм.

Бўнак ҳисобланган сумма 900 минг сўм деб қараймиз. Солиқ ҳисоби куйидагида тузилади.

Корхонанинг 2000 йил учун даромадга солиқ ҳисоби:

	Кўрсаткич	қатор №	"А" кор.	"Б" кор.
1.	Фойдага солиқ тўлагунча олган фойда (М.Х-170 сатр)	010	5600	5600
2.	Солиққа тортиладиган базага қўшиладиган харажатлар (Низомнинг 1-иловасига биноан)	020	700	700
3.	Солиққа тортиладиган даромад	070	6300	6300
4.	Солиққа тортиладиган базанинг камайтирилиши (максус ҳисоб асосида)	080	200	200

5.	Имтиёзини ҳисобга олган солиқша тортиладиган даромад	090	6100	6100
6.	Белгиланган солиқ ставкаси	100	33	33
7.	Солиқнинг ўзгартирилган ставкаси	110	25	16
8.	Бюджетта тўланиши лозим бўлган солик сўм	120	1525	976
9.	Ҳисобот даврида бюджетта ҳисобланган бўнек суммалар	130	900	900
10.	Қўшимча бюджетта ҳисобланади	140	625	76
11.	Ҳисобланган сумма камайтирилди	150	—	—

Ошиқча тўланган солиқ суммаси қелгуси тўловларга ўтказилади ёки солиқ тўловчига бошқа солиқлар ва йифимлардан қарзи бўлмаса, ундан ёзма ариза олган кундан бошлаб бир ой ичида корхонага қайтарилади.

Бюджетта солиқларни ўз вақтида тушириш мақсадида корхоналар солиқни тўлов муддати келгунга қадар тегишли банк муассасаларига тўлов топширигини топшириб қўйишлари лозим. Кўрсатилган тўлов топшириклиари банк муассасалари томонидан ижарага тўловчининг счётида маблағ бор ёки йўқлигидан қатъи назар қабул қилинади.

Даромадга (фойдага) солиқни ўз манбаида ушлаб қолиш ҳоллари ҳам мавжуд. Куйидаги даромадларни тўловчи юридик шахслар солиқларни манбаида ушлайдилар:

— Юридик шахсларга дивиденд ва фоиз тўловчилар.

— Доимий муассасаси бўлмаган юридик шахс — норезидентларга тўловлар тўловчилар.

Даромадга (фойдага) солиқни ушлаш ва бюджетта ўтказиши жавобгарлиги даромадларни тўлашни амалга оширувчи юридик шахслар зиммасига тушади. Даромадни тўловчи юридик шахс солиқ суммасини ушламаган тақдирда бюджетта ушланмаган солиқ суммаси ва у билан боғлиқ бўлган жарима ва пеняни ҳам тўлайди.

Дивиденд ва фоиз тўловчи юридик шахслар қуйидаги шаклда солиқ ҳисобини топширадилар ва тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг 5 куни ичида солиқ суммасини бюджетта ўтказади.

**Дивиденд ва фоизларга солиқ ҳисоби.
2000 йил январь ойи учун**

Кўрсаткичлар	тўловчи маълумоти	солиқ инспектори масъулияти
Ҳисобланган дивидендлар ва фоизлар	1500	1500
Солиқ ставкаси	15	15
Бюджетта тўлаши лозим бўлган солиқ суммаси — жами	225	225

*Корхона раҳбари
Бош ҳисобчи*

Қабул қилдим...

Даромадларни манбаида тўловчи юридик шахслар молия иили тугаши билан 30 кун ичидаги давлат солиқ хизмати идораларига ҳамда даромад олган юридик шахсларга уларнинг талаблари бўйича далолатнома топширадилар. Унда шу шахсларнинг рўйхати, тартиб сонлари, номлари, умумий олинган даромад ва жами тўланган солиқ суммаси ҳисобот йил учун кўрсатилган бўлади.

Солиқ ҳисобланганда 68-счёт кредитланади, субсчёт “Даромадга (фойдага) солиқ” 81-счёт билан муносабатда бўлади (дебетланади), “Ҳисобланган ва тўланган даромадга (фойдага) солиқ” солиқ ўтказилганда 68-счёт дебетланади, 51-счёт — “ҳисоб счёти” кредитланади.

Корхонани тутатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда солиқ идораси ёзма билдириш ёзиб, ҳисобот ва солиқ ҳисобини тезроқ ва қаҷон топшириш тўғрисида талаб қилиши мумкин.

Ликвидацион комиссия корхонанинг тутатилиши тўғрисида 15 кун ичидаги солиқ идорасига ёзма хабар беради. Тутатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан 15 кун ўтиши билан солиқ тўловчи солиқ идораларига ҳисобот ва солиқ ҳисобини топширишлари шарт, улар қонунда белгиланган шаклда берилади.

8. ИККИ ЁҚЛАМА СОЛИҚ ТЎЛАШНИ ТУГАТИШ

Юридик шахсларнинг чет элда олган даромади (фойдаси) суммаси уларнинг Ўзбекистон Республикасида солиқса тортиладиган ҳамма даромадлари (фойдаси) суммасига қўшилади ва солиқ миқдорини аниқлашда эътиборга олинади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган даромадлар, харажатлар, шу жумладан, Ўзбекистондан ташқарида тўланган соликларни чиқармасдан корхонанинг ҳисобиона балансига тўлиқ миқдорда кўшилади.

Корхонанинг соликқа тортиладиган даромадини аниқлашда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қилинган саражатлари Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган тартиб за миқдорда чегириб ташланади.

Халқаро битимларда бошқача қилиб белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олган даромадидан тўланган корхона солиги Ўзбекистонда даромадга солик тўлаштанди чегириб ташланади. Бунда чегириладиган солик суммаси чет элда олинган даромаддан тўланиши лозим бўлган солик суммасидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Бюджетта тўлаши лозим бўлган солик суммасидан чет элда тўланадиган солик суммасини чегиришининг асосий вазифасини чет эл давлатининг солик идораси тасдиқлаган қабарнома ёки бошқа чет элда солик тўлаганлиги тўғрисидаги хужжат ўтайди.

Икки томонлама солик тўлашни тугатишга қуидаги мисолларни келтирамиз.

Ўзбекистонда тузилган қўшма корхонада чет эл сармоясining салмоғи 30% дан ортиқ бўлиб, ўзининг доимий ваколатконаси орқали Францияда тижорат фаолияти олиб боради.

Ҳисобот йилида қўшма корхона Ўзбекистондаги фаолиятидан 800 м.сўм ва Франциядаги фаолиятидан 100 м. сўм ялпи даромад олди (Марказий банк белгилаган курс бўйича).

Франция қонунчилиги бўйича Францияда фаол фаолият олиб борувчи чет эл юридик шахсларининг даромади миллий компаниялари сингари 15% ли корпорацион соликқа тортилади. Франция қонунчилиги бўйича соликқа тортиладиган даромад бу ерда 60 м. сўмни (100—40 м. сўм ишлаб чиқариш харажатлари) ташкил этади.

Францияда тўланган даромадга солик $60000 * 15\% = 9000$ сўмни ташкил этади. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича берилиши мумкин бўлган чегирма суммасининг чегараси аниқланади. Соликқа тортиладиган даромад 95 минг сўмни (100—5 минг сўм ўзбекистон қонунчилиги бўйича Францияда қилинган харажат ҳисобга олинади).

Ўзбекистон қонунчилиги бўйича даромадга солик ставкаси бўйича $95000 * 10\% - 9500$ сўм солик ҳисобланади. Шундай қилиб, чегирма чегараси 9500 сўм, Францияда тўланган солик суммаси 9000 сўм, қўшма корхонанинг ялпи даромади 900 минг сўм, соликқа тортиладиган даромади Ўзбекистон

қонунчилити бўйича 400 минг сўм (900—500 қилинган харажатлар, шу жумладан, 5000 сўм Францияда қилинган харажат) бўлиб, солиқ 10% ставка билан 40 минг сўмни ташкил этади ($400 \times 10\%$). Францияда тўлаган 9000 сўм солиғи чегирилади (ҳисобга олинади). Кўшма корхонанинг даромадга солиғи суммаси 31минг сўм (40—9) бюджетта ўтказилади.

Агар ўзаро боғлиқ бўлган юридик шахслар ўзларининг тижорат ва молия муносабатларида мустақил юридик шахслардагига нисбатан фарқ қиласидан баҳоларни қабул қиласалар, солиқ тўловчиликнинг даромади солиқ идоралари томонидан пайдо бўлган фарқ миқдорида тартибга солинади. Ўзаро боғлиқ бўлган юридик шахслар деб қуидагилар тушиналади:

1) чет эл давлатларининг юридик шахслари ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган уларнинг шўъба корхоналари;

2) Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ва республикадан ташқарида жойлашган уларнинг кичик корхоналари;

3) Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ва чет эл юридик шахслари таъсисчиси бўлиб, шу юридик шахсларнинг ўзлари ҳисобланса, ўзаро боғлиқ бўлган юридик шахслар деб аталади.

Чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида Ўзбекистон қонунчилити бўйича солиқка тортиладилар ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган хусусиятлар эътиборга олинади.

Кўшма корхоналар ёки чет эл юридик шахслари Ўзбекистон билан тузилган халқаро шартномалар бўйича солиқдан тўлиқ ва қисман озод бўлиши мумкин. Бунинг учун улар ўзларининг доимий турар жойлари билан Ўзбекистон ўтрасида халқаро (давлатлараро) солиқ масалаларида шартнома мавжудлиги тўғрисида расмий ҳужжат тақдим этишлари керак. Бу ҳужжат солиқ идораларига солиқ тўлагунга қадар ва солиқ тўлангандан сўнг бир йил ичидан тақдим этилиши шарт. Солиқ идоралари уларнинг аризаларини кўриб чиқиб, солиқни қайтариш тўғрисида маҳаллий молия идораларига топшириқ беради.

Қайтариш учун саволлар

1. Юридик шахслар даромадига солиқ нима?
2. Юридик шахслар даромади таркиби қандай ҳужжатда кўрсатилган?

3. Даромадга (фойдага) солиқни тўловчилар кимлар? Резидент ва норезидент нима?
4. Солиқ обьекти ва солиқقا тортиладиган даромадларга ималар киради?
5. Даромадга (фойдага) солиқ ставкалари қандай бўлади?
6. Даромадга солиқдан тўлиқ озод этиладиганларга қандай ридик шахслар киради?
7. Қандай юридик шахслар даромадга солиқдан вақтинчалик озод этилади?
8. Юридик шахсларнинг қандай харажатлари солиқقا тортиладиган даромаддан камайтирилади?
9. Солиқ ҳисобини тузиш ва солиқни тўлаш тартиби қандай?
10. Икки ёқлама солиқ тўлаш қандай тутатилади?

2-БОБ. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ

1. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ ТУШУНЧАСИ ВА ЕВРОПА АМАЛИЁТИДА УНИҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

Қўшилган қиймат солифи (ҚҚС) ишлаб чиқариш, товарар (ишлар, хизматлар) сотиш ва Ўзбекистон худудига товарар (ишлар, хизматлар) импорт қилиш жараёнида қўшилган ийматнинг бир қисмини бюджетга ажратиш (СК 65-м.) ни илдиради. Аммо бу умумий ҳолдир. Амалиётда бизда шунай ҳоллар бўладики, ҚҚС қўшилган қийматдан эмас, балки бутун қийматдан (оборотдан) олинади. Масалан, ҚҚСни ўламайдиган бўлсалар: қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқаувчилари ер солиғи тўлашга ўтган, савдо ташкилотлари, гона солиқ тўловчи кичик корхоналар. Бундай ҳолларда ҚС оборот солиғининг ўзи бўлиб қолади. У республика олифи бўлиб, республика бюджетига тушади. ҚҚС да юридик шахслар бир вақтнинг ўзида — ўзлари товар (ишлар, изматлар) сотганда — солиқ йиғувчи, товарлар (ишлар, изматлар) сотиб олганда солиқни маҳсулот етказувчига ўловчи ва ниҳоят бюджетга солиқ тўловчи бўлади.

Моҳияти жиҳатидан ҚҚС эгри солиқ бўлганлиги учун орхонанинг молиявий яқунига (фойдасига) нисбатан бета-аф (нейтрал) бўлади. Бу умумий қоида. Аммо солиқقا ториш амалиётida шундай ҳоллар учрайдики, ҚҚС тўғридан-үгри корхонанинг таннархига (фойдасига) таъсир қиласи. Масалан, корхона ўзи ишлаб чиқарган товарлари (ишлар, изматлар) бўйича солиқ тўлашдан озод этилган бўлса, маҳсулот етказувчига тўлаган ҚҚС суммаси тўлиқ ишлаб чиқа-

риш харажатларига киритилади. Демак, ҚҚС суммасига фойда камаяди. Европа амалиётида ҚҚСни ҳисоблашнинг уча услуби мавжуддир:

Чегириш усули. Бу усулда сотилган товарлар қийматидан сотиб олинган товарлар ёки хизматлар қийматини чегириб ташлаб, солиқ объекти аниқланади. Шу объектга солиқ ставкасини қўллаб, солиқ суммаси топилади. Мисол: сотилган товарлар қиймати 500 минг сўм.

Сотиб олинган товарлар қиймати	200 минг сўм
Кўшилган қиймат	300 минг сўм
20%ли ҚҚС бюджетта ўтказилади	60 минг сўм

Ҳисобга олиш усули (ёки счёт-фактура усули). Корхоналар бюджетта тўланиши лозим бўлган солиқни сотилган товарлар бўйича олинган солиқ суммасидан счёт-фактура бўйича маҳсулот етказувчига тўланган ҚҚС фарқи суммасида аниқлайдилар. Масалан:

Сотилган товарлар қиймати 500 минг сўм.

Сотилган товарлардан ҳисобланган ҚҚС суммаси 20% ли ставкада 100 минг сўм.

Сотиб олинган товарлар қиймати 200 минг сўм.

Сотиб олинган товарлар бўйича 20% ли ставкада тўланган ҚҚС суммаси 40 минг сўм.

Бюджетта тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси 60 минг сўм.

Европа мамлакатлари ва баъзи бошқа мамлакатлар шу усулни қўллайдилар. Бизнинг республикамиизда ҳам шу усулда ҚҚС ҳисобланади.

Қўшиш усули. Бу усулда бюджетта тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлаш учун қўшилган қиймат таркибига кирувчи харажатларни қўшиб чиқиб, ундан солиқ ҳисоблайди. Масалан:

Иш ҳақи	200 минг сўм.
Ижара ҳақи	50 минг сўм.
Амортизация	10 минг сўм.
Фоизлар	15 минг сўм.
Фойда	25 минг сўм.

Жами 300 м сўм. ҚҚС суммаси 20% ли ставкада 60 минг сўмни ташкил этади.

2. ҚҚС НИ ТҮЛОВЧИЛАР ВА СОЛИҚ ОБЪЕКТИ

ҚҚС түловчилари (СК 66-модда) — Ўзбекистон Республикаси худудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланув-т юридик шахслар, товарлар импорти бўйича юридик ва ясмоний шахслар ҳисобланади.

Бу қоида ялпи даромадидан солиқ түловчи савдо ташкилари, ягона солиқ түловчи кичик корхоналар, ягона ер лиги түловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчила-т учун истиснодир. ҚҚС түловчилари халқ хўжалиги соҳа-рига қараб саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжа-ни, алоқа ва бошқалар бўлиши мумкин. Фаолият турла-га қараб ишлаб чиқариш, тайёрлов, воситачилик, биржа, ник хизматлари ва бошқа турларга бўлиш мумкин.

ҚҚС түловчилари учун қуйидаги мезонлар:

- тадбиркорлик фаолияти;
- юридик шахс мақоми;
- мустақил бухгалтерия баланси ва банқда ҳисоб счёти лиши шарт.

ҚҚС объекти бўлиб товарлар (ишлар, хизматлар) сотиши импорт товарлар обороти ҳисобланади, ҚҚС дан озод ғланлар ва маҳсулотлардан ўз ишлаб чиқариш мақсадлари ун фойдаланишдан ташқари, товарлар (ишлар, хизматлар) юроти деб маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хиз-матларни юклаш (ортиш) тушунилади. Уч хил сотиши тури зважуд: товарлар, ишлар ва хизматлар. Товарлар сотишида ялиқ объекти бўлиб ўзи ишлаб чиқарган, четдан сотиб ол-н ҳамма товарлар сотиши обороти деб тушунилади. Солиқда ёртиш мақсадида исътемол қилиш учун белгиланишига ва тийматга эга бўлган ҳамма нарса (товар, маҳсулот, кўчмас улк, иморатлар ва иншоотлар кўшилиб, электроэнергия ва сиқлиқ энергияси, газ, сув ва бошқалар) солиқ обьект ҳисобланади. Иш кучини сотишида солиқ объекти бўлиб ба-арилган қурилиш-монтаж, таъмирлаш, илмий-текшириш, жриба-конструкторлик, технологик, лойиҳа-қидирив, таъ-ирлаш ва бошқа ишлар қиймати ҳисобланади. Хизмат ку-чини сотишида солиқ объекти бўлиб хизматлар қиймати ҳисобланади:

- йўловчи ва юк транспорти хизмати қиймати, шу жум-дан, газ, нефтни йўналтириш (ташиш), электр, иссиқлиқ ёргияси узатиш, товарларни ортиш, тушириш, қайта ор-иш ва сақлаш хизматлари киради;
- мулкларни ва кўчмас мулкларни ижарага бериш хиз-ати қиймати, шу жумладан, лизинг хизмати киради;

- воситачилик хизмати;
- алоқа, майший, уй-жой коммунал хизмати;
- реклама хизмати;
- маълумотларни саралаш ва информацион таъминлаш хизмати;
- бошқа хизматлар.

Булардан ташқари солиққа тортиладиган оборотларга куйидагилар киради:

- корхонанинг ишбилиармөнлик фаолияти билан боғлик бўлмаган ўз истеъмоли учун корхона ичидаги товарлар ва хизматлар сотиш обороти, шу жумладан, ўз ходимларига;
- бошқа корхоналарга ёки жисмоний шахсларга, шу жумладан, ўз ходимларига бекорга ёки қисман тўлаш шарти билан бериладиган оборотлар;
- буюмларни гаровга сотиш обороти ўз ичига гаровчига гаровда таъминлашни бажармагандаги оборотлар.

3. СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН ОБОРОТНИ АНИҚЛАШ

Солиққа тортиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) суммаси КҶСни кўшмасдан товарлар (ишлар, хизматлар) га қўлланиладиган баҳоси ва таърифи қиймати билан аниқланади Аммо, акцизга тортилган товарлар бўйича солиққа тортиладиган оборотни аниқлашда унга акциз суммаси ҳам кўшилади.

Товарлар(ишлар, хизматлар) қўлдан қўлга бепул берилганда солиққа тортиладиган оборот суммаси корхонада қарор топган баҳо ва тариф (КҶСсиз) даражасида аниқланади бироқ товарларни ишлаб чиқариш (сотиб олиш) харажатидан кам бўлмаган миқдорда, асосий воситалар бўйича — сотиш баҳоси билан уларнинг қолдик қиймати ўртасидаги фарқ миқдорида аниқланади. Товарлар (ишлар, хизматлар) текинга берилаётганда КҶС тўловчиси бўлиб уларни бериб юбораётган корхоналари ҳисобланади. Асосий воситалаф корхоналар тизимининг ичидаги текинга берилса, яъни юқори ташкилотнинг буйруғи билан тақсимланса, солиққа тортиладиган оборотта кўшилмайди.

Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ҳақиқий танинрх баҳосидан паст сотувчи корхоналарда солиққа тортиш мақсадида маҳсулот сотилаётганда қарор топган баҳо қабул қилинади, лекин шу товарлар (ишлар, хизматлар) нинг ишлаб чиқариш (сотиб олиш) ҳақиқий харажатидан кам бўлмаслиги шарт.

Товарлар натурал ҳақ тарзида берилганда ёки касса орқали ўз ходимларига танинрх баҳосидан паст қилиб сотил-

ганда солиққа тортиладиган оборот товарлар (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Ўзи ишлаб чиқсан товарлар корхона ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун фойдаланилса солиққа тортиладиган оборотни аниқлашда уларнинг ҳақиқий таннархи олиниади.

Хом ашё ва материаллар эгасининг товарини ишлаб берганда солиққа тортиладиган оборот бўлиб, уларнинг қайта ишлов қиймати (харажатлар ва фойда қўшилиб, акциз ости товарлар бўлса акцизга тортилган суммаси ҳам қўшилиб) ҳисобланади. Узоқ ишлаб чиқариш циклига эга бўлган корхоналар учун (курилиш, курилиш-монтаж, таъмирлаш-курилиш, лойиха-қидирув ва илмий-текшириш) солиққа тортиладиган оборот бўлиб ҳисоблашиш ҳужжатларида тўлаш учун кўрсатилган ва бажарилган ҳамда буюртмачилар томонидан тасдиқланган қиймат ҳисобланади. Бу ерда ишларни бажариш жараённада баҳоларнинг, транспорт ва бошқа хизматлар тарифининг ошиши ёки камайиши ҳисобга олиб тузилган шартнома баҳосидан келиб чиқилади.

Ўз кучи билан ўз мақсади учун бажарилган курилиш-монтаж ишлари солиққа тортилмайди.

Моддий ресурслар, ёқилғи, иш бўйича тўланган ҚҚС суммаси курилиш объектига киритилади.

Товарлар олди ва сотдиси билан шуғулланувчи тайёрлов, таъмирлов-сотув ташкилотлари даромадларни баҳолар, устами ва қўшимча тарзида олувчилар учун солиққа тортиладиган оборот товар истеъмолчиларга сотилган товарлар қиймати асосида улар ўртасида қўлланилган баҳолар билан аниқланади, ҚҚС суммаси қўшилмайди. Банклар учун солиққа тортиладиган оборот бўлиб хизматлар қиймати ҳисобланади. Лизинг хизмати бўйича солиққа тортиладиган оборот миқдори лизинг ставкаси (лизинг берувчининг даромад миқдори)га қараб аниқланади.

Солиққа тортилмайдиган оборот ҳам мавжуд. Бундай оборотга қуйидагилар киради:

1. Корхонанинг бир шохобчаларидан иккинчи шохобчаларига саноат ишлаб чиқариш мақсадлари учун ярим фабрикат бажарилган ишлар ва хизматлар обороти сотилганда (завод ичи обороти).

Бу шохобчалар ҳисоб счётига эга бўлмайди ва бош корхонанинг балансида туради.

2. Кооператив, хўжалик жамиятлари ва ўртоқликлари, корхонанинг бошқа таъсисчилари ўртасида корхонанинг ту-

гатилиши муносабати билан улар ўртасидаги мулклар тақсисланғандаги оборотлар. Бу ҳолат тутатилаётган корхонанинг мулки бошқа шахсларга сотилғанда тааллуқты бўлмайди.

Ҳисоблашиш хужжатлари тўланғандан сўнг товарлар қайтарилса, бир йил ичидаги сўров талаби муддатига риоя қилинган бўлса, ҚҚС суммасига ўзгартиришлар киритилади.

4. СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

2000 йилдан ҚҚСдан солиқ ставкаси Солиқ Кодексида кўрсатилган 20% дир.

2000 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон худудига бюджет ташкилотларининг буюртмаси ва маблаги ҳисобига келтириладиган асбоб-ускуналар, товарлар (ишлар, хизматлар) ҚҚСдан озод этилади.

Белгиланган солиқ ставкасига қараб ҚҚС суммаси икки усулда аниқланади.

1. Ист. ҚҚС=СО*Н:100 бу ерда : Ист. ҚҚС — истеъмолчилардан ундириладиган қўшилган қиймат солиги, СО — солиққа тортиладиган оборот, Н — солиқ ставкаси. Бу тартиб деярли ҳамма маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) оборотига қўлланилади.

2. Ўз ичига ҚҚС суммаси қўшилган баҳо ва тарифларда сотилған товарлар (ишлар, хизматлар) сотилғанда солиқ қуйидаги шаклда аниқланади: Ист. ҚҚС=ТҚҚҚС*Н:(Н+100).

ТҚҚҚС — ҚҚСни ўз ичига олувчи товар қиймати. ҚҚС тўлашдан озод бўлган корхоналар ёки товарлар бўйича ҚҚС дан озод бўлган юридик шахслар эркин (шартномавий) баҳо ва тарифларга ҚҚС суммасини қўшмайдилар.

Шундай ҳолат ягона солиқ тўловчи кичик корхоналарга, ялпи даромад солиги тўловчи савдо ташкилотларига ва ягона ер солиги тўловчи қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ҳам тааллуқлидир.

Иккинчи гуруҳ ставка — нолли ставқадир. Нолли ставкада қуйидагилар солиққа тортилади:

1) мустақил ҳамдўстлик давлатларини ўз ичига олиб экспортга эркин алмаштириладиган валюталарда товарлар (ишлар, хизматлар) сотилса, агар ҳукуматлараро тузилған шартномаларда бошқача шартлар белгиланмаган бўлса;

2) қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалик мақсадларига минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари ортилса;

3) чет эл дипломатик ва унга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланишига товарлар (ишлар, хиз-

матлар) сотилганда, шу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг шахсий истеъмоли учун, улар билан бирга яшовчи оила аъзоларини ҳам кўшиб (агар улар Ўзбекистон фуқароси бўлмаса), улар Ўзбекистонда доимо яшамаса, чет эл мамлакати ҳам шундай принципни кўлласа, нолли ставка жорий этилади.

Нолли ставкада солиққа тортиладиган корхоналар ҚҚСни “0” ставкада ҳисоблайди ва моддий ресурсларни сотиб олиб ишлаб чиқаришда фойдаланганда ҚҚС суммасини ҳисобга олади (зачёт).

Яъни бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҚҚСни маҳсулот етказувчига ҳам, бюджетта ҳам тўламайдилар, чунки “0” ставкани кўллаган ҳолда сотадилар. Демак, нолли ставка дегани ҚҚСдан тамомила озод этилган демакдир. Ана шу ҳолат билан нолли ставка сотиб олган материалларини ишлаб чиқариш харажатларига қўшувчи ҚҚСдан имтиёз олувчи корхоналардан фарқ қиласди.

5. ҚҚСДАН ИМТИЁЗЛАР. ҚҚС ТЎЛАШДАН ИМТИЁЗЛАР ТУРИ ҚУЙИДАГИЛАРДИР

- 1) тўлиқ озод бўладиган юридик шахслар;
- 2) озод этиладиган товарлар;
- 3) озод этиладиган ишлар ва хизматлар.

Солиқ тўлашдан тўлиқ озод этиладиган юридик шахсларга:

- 1) қишлоқ хўжалик товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ягона ер солиғи тўловчилар;
- 2) ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар;
- 3) ялпи даромадга солиқ тўловчи савдо ташкилотлари;
- 4) “Нуроний” жамғармаси ва унинг бирлашмалари;
- 5) умумий ишловчи ходимлар сонидан камида 50% ини ногиронлар ташкил этувчи юридик шахслар. Бу имтиёз воситачилик, таъминлов-сотовв ва тайёрлов ташкилотлари фаолиятига тааллуқли эмас. Солиқдан озод бўладиган товарлар ва маҳсулотларга қуйидагилар киради:

1) протез-ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга ихтинослашган корхоналар маҳсулоти, ногиронлар учун инвентарлар ва уларга ортопедия — протез хизматлари кўрсатиш, даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг маҳсулотлари;

2) қўриқлаш бўйича давлат ваколатчиси томонидан сотиладиган нодир металлар обороти;

3) нашриёт, газета ва журналларнинг, матбаа корхоналарининг асосий фаолияти маҳсулотлари ва хизматлари;

4) республикада ишлаб чиқилган қурилиш материаллари якка тартибдаги қурувчиларга сотилганда;

5) хусусийлаштирилган мулклар қиймати, табиий оғат, куролли тўқнашувлар, баҳтсиз ҳодисалар рўй бергандан ёрдам кўрсатиш тариқасида олиб келинган мулклар, гуманитар ёрдам кўрсатишга мўлжаллаб келтирилган товарлар;

6) болалар товарлари ассортименти ва аёллар гигиенаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ишлаб чиқариш корхоналари 5 йилга солиқдан озод этилади. Шарти шу товарларни сотиш баҳоларини 1998 йил базали даражасидан 15% кам қилиб сотадилар.

Солиқдан озод этиладиган ишлар ва хизматларга қуидагилар киради:

1) Суфурта воситачилари ва агентлари хизматчилари томонидан амалга ошириладиган операцияларни қўшиб, суфурталаш ва қайта суфурталаш операциялари хизмати;

2) ссуда олиш ва бериш;

3) пул омонатлари, жорий счёtlар, тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қофозлар операциялари;

4) нумизматик мақсадлардан ташқари қонуний тўлов воситаси бўлмиш чет эл валютаси ва пул муомаласи операциялари;

пул операцияси деб пул маблағларига мулк ҳуқуқини ўтиш билан боғлиқ бўлган операциялар тушунилади;

5) тайёрлов ва сақлов операцияларидан ташқари қимматли қофозлар муомаласи операциялари;

Бундай операцияларга қимматли қофозларни олиш-сотиш ҳамда қимматбаҳо қофозлар эгасининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ҳаракатлар киради.

6) давлат божи, йигими олинадиган ваколатли идоралар томонидан қилинадиган ҳаракатлар;

7) мактабгача болалар муассасалари хизмати, касаллар ва қарияларга қараб туриш хизматлари;

8) кўмиш бюролари ва мозорларнинг маросим хизматлари;

9) интеллектуал мулк ҳуқуқини олиш учун тўланган патент божи, рўйхатдан ўtkазиш йигими ва лицензион йифимлар;

10) почта маркаларини сотиш, конвертлар сотиш;

11) пенсия ва нафақа тўлаш бўйича алоқа ташкилотлари хизматлари;

- 12) фан ва техника Давлат қўмитаси шартномаси бўйича бажариладиган илмий-текшириш ва инновация ишлари;
- 13) шаҳар йўловчи транспорти хизмати (такси, маршрутли таксидан ташқари) ҳамда йўловчиларни темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортининг шаҳар атрофи қатнови хизматлари;
- 14) уй-жой коммунал ва эксплуатацион хизматлар; бундай хизматларга водопровод-канализация, иссиқлик, газ, электро энергия хўжалиги, санитария-тозалик, лифт хўжалиги, умумий фойдаланиш учун антенналар қўйиш, техник инвентаризация бюролари, уй-жой фондининг эксплуатацияси ва сақлашлар тўғридан-тўғри аҳоли томонидан тўлангандаги хизматлар ҳақи киради;
- 15) ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган ҳалқ маорифи хизматлари ҳамда олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларидағи ўқитиш ҳақлари. Ушбу имтиёз ўқув юртлари томонидан тайёрланган ва сотилган товар ва хизматларга ҳам таалуқлидир;
- 16) диний ташкилотлар ва бирлашмалар томонидан ўтказиладиган урф-одатлар ва маросимлар хизмати;
- 17) тиббиёт, санитария-курорт ва соғломлаштириш, туристик-экскурсион хизматлар; жисмоний, маданият ва спорт, болалар дам олиш лагерлари хизматлари (ветеринария хизматлари тиббиёт хизматига кирмайди);
- 18) гидрометеорология ва аэрология хизматлари;
- 19) геология ва топография ишлари;
- 20) умумий фойдаланишдаги йўлларни эксплуатация қилиш ва таъмирлашдан тушум (бу ишга умумий йўлларнинг қурилиши кирмайди); Давлат акционерлик компанияси “Ўзавтойўл” ташкилотлари комплектация, таёрлов-таъминот материаллари ишлаб чиқса ҚҚС ни умумий қоида бўйича тўлайдилар;
- 21) стенография хизматлари;
- 22) ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилган экологик экспертиза хизматлари;
- 23) архив ҳужжатларига илмий-техник ишлов бериш, таъмирлаш, муқовалаш ва фойдаланиш, иш юритишни такомиллаштириш хизматлари;
- 24) давлат тилини ўқитиш ва давлат тилида иш юритиш хизматлари;
- 25) “Ўзийжамғармабанк” билан шартномага биноан жисмоний ва юридик шахслар учун қурилган уй-жойнинг бажарилган уй-жой қурилиш ҳажми;

26) экспорт товарларни жўнатиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш хизматлари ҳамда чет эл юкларини Ўзбекистон худудидан ўтиши (транзит ташиш) хизматлари;

27) ички ишлар идораларининг қўриқлов бўлимлари хизматлари.

Ўзбекистон Республикаси Қизил яримой жамияти, Ўзбекистон театрлар фаолияти уюшмаси, «Софлом авлод учун» Ҳалқаро меҳр-шафқат фонди, «Нуроний» фонди корхоналарининг товарлари (ишлар, хизматлар)га ҳисобланган ҚҚС суммаси шу фондлар ва уюшмаларнинг Устав вазифаларини бажаришга сарфланса бюджетта тўланмайди.

Таъсисчилари томонидан ажратилган Устав фондлари 100% ни ташкил этса, улар шу фондларнинг корхоналари бўлиб ҳисобланади. ҚҚСдан озод бўлган корхоналар бошқа фаолиятидан солиқ тўласалар шу фаолият турлари бўйича алоҳида харажатлар ва фаолият натижалари ҳисоботини олиб боради.

6. БЮДЖЕТТА ТЎЛАНАДИГАН ВА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН ҚҚС СУММАСИНИ АНИКЛАШ ТАРТИБИ

Бюджетта тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси солиққа тортиладиган оборотлар бўйича ҳисобланган солиқ суммаси билан ҳисобга олинган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ тарқасида аниқланади.

Ҳисобга олинган ҚҚС суммаси бўлиб ҳисобот даврида олинган счёт-фактуралар билан ҳақиқий келиб тушган товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан, импорт қилинган товарлар бўйича тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси ҳисобланади. Бу товарлар (ишлар, хизматлар) маҳсулот етказувчидан келиб тушади, шунинг учун ҚҚС ҳам уларга тўланади. Кейинчалик бу тўланган солиқ суммаси бюджетта тўла ниши лозим бўлган суммадан камайтирилади.

Ўз мақсадлари учун сотиб олинган асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҚҚС суммасини бюджетта тўлашда ҚҚС ҳисобга олинмайди (камайтирилмайди).

7. СЧЁТ-ФАКТУРАЛАРНИ ТЎЛҒАЗИШ ТАРТИБИ

Товарлар сотувчи, ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи корхоналар солиққа тортиладиган ва тортилмайдиган бўлишидан қатъи назар ҳамма солиқдан имтиёз олувчилар кўрсатилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни қабул қилувчи ларга счёт-фактуралар ёзиб беришга мажбурдирлар. Улар

товарни ортиш ҳужжатларига қўшилиб берилади. Уларни ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар, ялпи даромаддан солиқ тўловчи савдо ташкилотлари ҳам ёзадилар. Лекин бу корхоналар ҚҚС суммасини счёт-фактурада кўрсатмайдилар ва «ҚҚСиз» деб ёзиб қўядилар.

Счёт-фактурани товарни ортган, ишларни бажарган ва хизматларни кўрсатган кундан кечиктирмай ёзадилар.

Счёт-фактура маҳсулот етказувчи (пудратчи, бажарувчи) корхона томонидан сотиб олувчи (буортмачи) корхона номига камида икки нусхада ёзилади. Бир нусхаси маҳсулот етказувчи томонидан маҳсулот олувчига товарни (иш, хизматни) ортган кундан кечиктирмай берилади ва у маҳсулот олувчига ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳукуқини беради.

Счёт-фактуранинг иккинчи нусхаси маҳсулот етказувчидан қолади.

Счёт-фактуралар албатта тушган ва чиққан счётларни ҳисобга олиш китобида ҳисобга олиб борилади. Солиқ Кодексининг 135-моддасига биноан товарлар (ишлар, хизматлар) сотилаётганда счёт-фактура белгиланган тартиб бузилган ҳолда тўлғазилса, маҳсулот етказувчидан сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматидан 10% миқдорида жарима олинади. Йимпорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича счёт-фактура бўлиб божхона юқ декларацијаси (бажарилган ишлар, хизматлар далолатномаси) ва ҚҚС ҳақиқий тўлаганлигини кўрсатувчи тўлов ҳужжатлари ҳисобланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) аҳолига сотилганда счёт-фактура бўлиб касса чеки ёки хизматни (ишни) ҳақиқий бажарганинги кўрсатувчи бошқа ҳужжатлар ҳисобланади.

Тўхтовсиз маҳсулот етказиб берувчи корхоналарда счёт-фактура камида ойига бир марта ёзилади.

8. ҚҚСНИ ТЎЛАШ ВА ҲИСОБИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТЛАРИ

Корхоналар ўzlари рўйхатдан ўтган солиқ инспекцияларига ҚҚС ҳисобини ҳар ойда ҳисоботдан кейинги ойнинг 15 санасига қадар, йилликда йиллик молиявий ҳисоботлар топширган муддатда топширадилар.

Корхоналар ҚҚСни солиқ ҳисоби топширган кундан кечиктирмай тегишли даврдаги (ой) ҳақиқий сотиш оборотидан келиб чиқиб тўлайдилар.

Корхоналарнинг ўтган ойда тўланган ҚҚС суммаси 50 каррали минимал иш ҳақидан ошган тақдирда охириг ой-

лик ҳисобидаги солиқ суммасининг олтидан бир миқдорида ўн кунлик (бўнак) тўловларни (15, 25 ва кейинги ойнинг 5 санасига) тўлайдилар. Кейинчалик ойнинг 15 санасига қайта ҳисобни ҳақиқий сотиш оборотидан амалга оширилади.

**"А" корхонанинг 2000 йил январь ойи учун
ҚҚС ҳисоби (шартли)**

	Кўрсаткичлар	оборот	ҚҚС ставкаси	ҚҚС суммаси
1.	Сотиб олинган хом ашё, материаллар, комплект буюмлар, ёқилғи, ишлар, хизматлар	500	20	100
2.	Ортиб юборилган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати, жами шу жумладан, ҚҚСга тортилмаган оборот	800	—	140
	— нолли ставка бўйича солиққа тортиш	100	—	—
	— ҚҚСга 20%ли ставкада	700	20	140
3.	Ҳисоб бўйича солиқ ҳисобланган ҚҚС суммаси (2-1)	—	—	40
4.	Ҳисобот даврида тўланган бўнак тўловлар			24
5.	Аввалги ҳисоб бўйича ҳисобланган ҚҚС суммаси (аввалги ҳисобнинг 3-қатори)			
6.	ҚҚС суммаси:			
	Кўшимча ҳисобланди			16
	Камайтиришга тегишли			

Агар ҳисоб бўйича чиққан солиқ суммаси ўн кунликлар бўйича тўланган суммадан кам чиқса фарқи келгуси ойлар тўловига ўтказилади.

Агар корхоналарнинг бошқа солиқлар ва йигимлардан қарзи бўлмаган тақдирда, солиқ ва йигимларни кўп тўлаб юборган бўлса корхонанинг ёзма аризасига биноан унга 30 кун ичida қайтарилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Янги тузилган корхоналар ёки илгари солиқ тўламаган корхоналар солиқни биринчи ойда ҳақиқий сотиш оборотидан келиб чиқиб тўлайдилар. Кейинги ойларда солиқ умумий тартиб бўйича тўланади.

Агар корхона бир текис маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқармаса ёки кейинги ойда солиққа тортиладиган обороти бўлмаса биринчи ўн кунликка ҳисобланган тўловларга қадар давлат солиқ инспекцияларига ёзма хабар берабер кўйишлари керак.

Кутилаётган оборот кейинги ҳисобот даврида камайса аризада кўрсатилган оборотдан келиб чиқиб ва кутилаётган солиқ суммасидан ҳисобланади.

9. ИМПОРТ ТОВАРЛАР, ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА ҚҚС ТЎЛОВЧИЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ ОБЪЕКТИ

Импорт қилинган товарлар, ишлар, хизматлар бўйича ҚҚС тўловчилари бўлиб товарлар, ишлар, хизматларни импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

ҚҚСнинг солиққа тортиш объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган товарлар, ишлар, хизматлар ҳисобланади.

Бу ерда ҚҚСни ҳисоблаш асоси бўлиб божхона қонунчилиги бўйича аниқланадиган Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган товарлар, ишлар, хизматларнинг божхона қиймати ҳисобланади.

Солиққа тортиладиган оборот миқдорига божхона қийматидан ташқари божхона божи суммаси ва акцизга тортилган товарлар бўйича акциз суммаси киради.

Импорт товарлар, ишлар, хизматлар бўйича солиқни ҳисоблаш қўйидаги шаклда амалга оширилади:

$$\text{ҚҚСС} = (\text{БҚ} + \text{ББ} + \text{АС}) \cdot \text{Н}:100$$

Бу ерда ҚҚСС — солиқ суммаси, БҚ — божхона қиймати, ББ — божхона божи, АС — акциз суммаси, Н — солиқ ставкаси.

Импорт қилинган товарлар бўйича ҚҚС корхонада умумий ишловчилар сонидан 50% дан кам бўлмаган ногиронлар ишласа, савдо, воситачилик, таъминот-таъминлов ва тайёрлов ташкилотларидан ташқари юридик шахслар солиқдан озод этилади.

Улардан ташқари яна солиқдан қўйидагилар озод этилади:

- 1) гуманитар ёрдам тариқасида товарлар келтирилса;
- 2) қонун бўйича белгиланган божсиз товар келтириш меъёри атрофида товарлар импорт қилинса;
- 3) табиий офат, ҳарбий тўқнашувлар, баҳтсиз ҳодисалар ва авариялар натижасида ёрдам кўрсатишга келтирилдаган мулклар;

4) Солиқ Кодексининг 71-моддасига биноан озод этиладиган импорт товарлар, ишлар ва хизматлар;

5) бюджет маблағи ҳисобидан Ўзбекистон ҳудудига четдан келтирилган асбоб-ускуналар, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳам солиқдан озод этилади.

10. ИМПОРТ ҚИЛИНГАН ТОВАРЛАР, ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР БҮЙИЧА СОЛИҚ СТАВКАСИ, ТҰЛОВ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

Импорт қилингандык товарлар, ишлар ва хизматлар бүйича ҳам солиқ 20% ставка билан тұланади.

Ўзбекистон ҳудудига товарлар импорт қилинаётганды ҚҚС товарларни божхона расмийлаштириши олдиdan ёки ўша вақтда тұланади. Импорт қилингандык иш, хизматта ҚҚС уларни бажарып тұғрисидеги ҳужжатларда күрсатылғанға асосан бажарылған ишлар ва хизматлар қиймати ҳисобланади. Солиқни тұлаш эса импорт қилувчи томонидан тұлов топшириғига асосан «ҚҚС тұланған» деган ёзув билан маълум қилинади.

Тұлов топшириғи ишлар, хизматларни импорт қилувчы шахс томонидан ёзилади. Импорт қилингандык товарлар бүйича ҚҚС товарларни божхона расмиятчилігінін амалга ошираетган божхона идорасига тұланади.

Халқаро пошта жүнатмалари орқали юбориладиган товарларға ҚҚС тұлаш Ўзбекистон пошта агентлиги орқали амалга оширилади. Улар ҚҚС суммасини божхона қонунчилігінде биноан божхона идораларига үтказади.

Импорт қилингандык ишлар, хизматлар учун ҚҚС суммаси ҳақиқий ишлар, хизматлар бажарылған кундан бошлаб 5 кун ичидә бюджеттеге үтказилади. ҚҚС бүйича солиқ ҳисоби ишлар, хизматлар импорти ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15 санаасыда солиқ идораларига тақдим этилади.

Жисмоний шахслар солиқни белгиланған тартибда божхона идораси ёки пости кассасига нақд пулда тұлайдилар.

ҚҚС тасдиқланған ставкалар бүйича танланған божхона режими шартларига биноан ҳисобланади ва тұланади. Ҳисобланған ҚҚС суммалари ҳудудий божхона идораларининг депозит счётларига тұланади ва кейинчалик улар Республика бюджети даромадига үтказилади. Бундай үтказиш божхона идоралари томонидан 3 кун ичидә амалга оширилади. ҚҚСни тұғри ҳисоблаш ва ўз вақтида Республика бюджети даромадларига үтказиш жавобгарлығы божхона идораларига юклатылған.

11. ҚҚСНИ БЮДДА ИФОДА ЭТИШ ҲАМДА ИЛГАРИ ТҮЛАНГАН СОЛИҚНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

ҚҚС албатта божхона юқ декларациясининг (БЮД) 47-графасида кўрсатилган бўлади:

- биринчи устунда (колонка) «тўлов коди»да «29» ёзилиши ҚҚСни ифода этади;
- "Ҳисоблаш асоси" деган устунда соликқа тортиладиган оборот кўрсатилади;
- учинчи устунда «ставка» деганда солик ставкаси миқдори кўрсатилади;
- тўртингчи устунда «сумма» деган жойда бюджетга тўла ниши лозим бўлган ҚҚС суммаси кўрсатилади;
- бешинчи устунда «ТУ» (СП) тўлаш услуги:
 - а) «бн»— банк орқали нақд пулсиз;
 - б) »КТ«-тўловни божхона кассаси орқали нақ пулда ўтказиш кўрсатилади.

Саккизинчи устунда «В»-«Ҳисоблаш аниқдиги» да ҚҚС тўлашнинг тўлов ҳужжати тартиби ва вақти кўрсатилади. БЮД-нинг 36-устунида «Преференция»дан озод қилиш коди 00F00F00 ифодаланади. Бу ерда биринчи иккитаси божлар, иккинчиси акциз, учинчиси ҚҚСни билдириб, шу ерларга «FF» белгиси кўйилса соликлардан озод этишни ифода этади. Ҳамма ҳолатларда соликдан озод этиш бўлмаса «00» кўйилади.

ҚҚС ошиқча ундирилган ёки тўланган ҳолда сумма қайта рилиб берилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Божхона идоралари қўйидаги ҳолларда ҚҚСнинг ошиқча ундирилган ёки тўланган суммасини қайтарадилар:

- солик нотўғри ҳисобланган бўлса, шу жумладан божхона қиймати қайта ҳисобланганда;
- илгари божхона идоралари томонидан ундирилган суммалар божхона режимини ўзгартган ҳолларда.

Солик тўловчилар ошиқча тўланган тўловларни қайта риш тўғрисида талабни тўлов тўлагандан бошлаб 1 йил ичida қўйишлари мумкин.

ҚҚСни қайтариш учун божхона идораларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Тўланган ҚҚСни қайтариш тўғрисида ариза.
2. Тўловларнинг ҳисобланганлиги ва тўланганлиги тўғрисида тўлдирилган БЮД.
3. Тўлов тўланганлиги тўғрисида банк тасдиқлаган тўлов топшириғи.
4. Чегарадан ҳақиқий ўтганлиги ҳақида божхона идоралари белгиси билан товар-жўнатув ҳужжатлари.

Солиқни қайтариш солиқ тұловчининг аризасига бинодан 30 кун ичіда амалға оширилади ёки келгуси тұловларга ўтказилади.

Қайтариш учун саволлар

1. Күшилган қиймат солиғи қандай түшүнчаны билдиради?
2. Европа амалиётида ҚҚСНИ ҳисоблашнинг қандай усуллари мавжуд?
3. ҚҚСНИ қандай шахслар тұлайды ва солиқ объекти нимани билдиради?
4. Солиққа тортиладиган оборот қандай аниқланади?
5. Солиққа тортилмайдыган оборотлар ҳам мавжудми?
6. ҚҚС ставкалари ва уларни құллаш тартиби қандай бўлади?
7. ҚҚС дан озод этиладиган қандай юридик шахслар мавжуд?
8. Қандай товарлар ва маҳсулотлар ҚҚС дан озод этилади?
9. Қандай ишлар, хизматлар ҚҚС дан озод этилади?
10. Счёт-фактуралар қандай түлгазилади ва унда ҚҚС қайси пунктларида кўрсатилади?
11. Бюджетта тұланадиган ва ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини аниқлаш тартиби қандай?
12. ҚҚС тұлаш ва ҳисоботни тақдим этиш тартиби қандай?
13. Импорт товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича кимлар ҚҚСНИ тұловчилари бўла олади?
14. Импорт товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича қандай солиқ ставкалари мавжуд ва солиқни тұлаш тартиби, муддати қачон амалға оширилади?
15. ҚҚСНИ БЮДДА ифода этиш тартиби ва тұланган солиқни қайтариш тартиби қандай?

3-БОБ. АКЦИЗ СОЛИГИ

1. АКЦИЗ СОЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА СОЛИҚ ТҰЛОВЧИЛАРНИ ГУРУХЛАШ

Акциз солиғи йўриқномада кўрсатилишича (Адлия вазирлиги тасдиқлаган 379-сонли) эгри солиқ сифатида соғифаромаднинг бир қисмидир ва у, баҳо ичіда ҳамда ҚҚС базасида ҳисобланади, дейилган. Бу түшүнча бизнинг фикримизча унча тўлиқ эмас, чунки у маҳсулотларнинг бутун сотиш (ортиш) обороти суммасидан ҳисобланади ва бюджетта мажбуран ўтказилади. Бу солиқ ҳам республика бюджети даромадлари таркибига киради. Тўғрисини айтганда,

бу эгри солиқдир ва унинг ҳақиқий оғирлиги истеъмолчилар устига тушади. Маҳсулот ишлаб чиқариб сотувчилар эса акциз солигини йигиб, бюджеттага тўловчилар бўлиб чиқади.

Акцизга тортилган товарлар бўйича солиқ ставкаси ва товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, Солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан солиқ тўловчиларга етказилади.

Акциз солиги тўловчиларни кўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган товарлар бўйича акциз солиги тўловчилар.

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келтирилган (импорт) товарлар бўйича акциз солиги тўловчилари.

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан бальзи бир товарларни чиқариб кетувчи акциз солиги тўловчилар.

- Акцизга тортилган товарларни ишлаб чиқувчи юридик шахслар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар бўйича акциз солиги тўловчилар бўлиб ҳисобланади.

Демак, акциз солиги тўловчи бўлиши учун уч шарт мавжуддир:

- Акцизга тортилган товарлар ишлаб чиқувчи юридик шахс бўлишилиги;

- Бухгалтерия балансига эга бўлиши;

- Банкда ҳисоб рақамига (счётига) эга бўлиши.

Ўзбекистон Республикасига товарни олиб кирувчи ва ундан олиб кетувчи шахслар акциз солигини тўлашда жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин. Солиқ ставкалари ўзгариб туради ва ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги йил бюджет кўрсаткичларида уларнинг рўйхати бериб борилади.

Импорт товарлар бўйига акциз солиги тўловчилар Республиkanинг давлат чегараларидан чет элда ишлаб чиқилган товарларни олиб кирувчилардир.

2. АКЦИЗ СОЛИГИННИНГ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ОБЪЕКТИ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

Акцизга тортилган товарлари учун солиққа тортиш объекти бўлиб шартнома (эркин) баҳоларда (ўз ичига акциз солиги қўшилган) КҶС сиз ортилган товарлар қиймати ҳисобланади. Шу жумладан маҳсулот етказувчининг ҳом ашёси ҳисобига ишлаб чиқилган товарлар ҳам киради.

Акциз ости товарларини натурал ҳақ сифатида ёки бепул бериш ҳам солиққа тортиш обороти ҳисобланади.

Бу ерда солиққа тортиш объекті бўлиб солиқ тўловчи товарни бераётганда шаклланган баҳодаги қиймат, лекин қиймати ушбу акцизга тортилган товарнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатидан кам бўлмаслиги керак.

Акциз солиғини ҳисоблаш кўйидаги шакл билан амалга оширилади: $O \cdot A : 100$, яъни O — ўз ичига акциз солиғини олган, ҚҚСсиз шартномавий (эркин) баҳо. A — акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғини ҳисоблаш учун зарур бўлган шартномавий (эркин) баҳо (акциз қўшилган) қўйидагича амалга оширилади:

$O = (C \cdot 100) : 100$ — А. Бу ерда O — акциз солиғини ўз ичига олган, ҚҚСсиз шартномавий(эркин) баҳо.

C — корхонанинг ҳисобли баҳоси (меъёрий сарфиётлари ва фойда меъёри).

A — акциз солиғи ставкаси.

Мисол:

Маҳсулот бирлиги сўмда

1. Ҳисобли баҳо	45—50
2. Акциз солиғи ставкаси %	65
3. Акциз солиғини ҳисобга олиб ҚҚСсиз шартномавий(эркин) баҳо, сўмда $(45—50 \cdot 100) : (100—65) = 4550 : 35$	130
4. Акциз солиғи суммаси $O \cdot A : 100$ ёки (3 қат—1 қат)	84—50

Акциз марка билан маркаланган товарларнинг ҳам акциз солиғи юқоридаги тартиб билан ҳисобланади.

Буюртмачининг хом ашёси ишлаб чиқарувчи корхона томонидан балансдан ташқарида ҳисобга олинади. Буюртмачи хом ашёсидан маҳсулот ишлаб чиқилганда акциз солиғи учун акциз солиғига тортиладиган маҳсулот обороти шу товарларни ишлаб чиқариш ишининг қиймати ва берилган буюртмачи хом ашёси қиймати билан аниқланади. Акциз солиғидаги имтиёзлар:

1. Товарлар экспортга ортилса:

- МҲМ валютасида акцизга тортилган товарларини сотса;
- акцизга тортилган хом ашё товарлар сотилса (нефть, газ, пахта толаси).

2. Пахта ёғи саноат мақсадларида ишлатиш учун юборилса акциз солиғи тўлашдан озод этилади.

2000 йилдан бошлаб акциз ости товарлари таркибидан алкогольсиз ичимликлар ва пахта толаси чиқарилди.

2000 й. 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон худудига олиб кирилган ўсимлик мойи, мол ёғи, қанд-шакар ва чой акциз

олиғи тўлашдан озод этилди (Ўзбекистон Республикаси азирлар Маҳкамаси, 2000 й. 24-Қарори).

3. АКЦИЗ СОЛИГИ ҲИСОБИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА СОЛИҚНИ ТЎЛАШ МУДДАТЛАРИ

Акциз солиги тўловчилар ўзлари рўйхатдан ўтган солик дорасига ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20-са-асига қадар акциз солиги ҳисобини, солиқга тортилмайди-ан оборотнинг суммасини алоҳида қилиб тақдим этадилар.

Солиқ ҳисоби шакли қўйдагичадир: 1999 йил январь ойи учун акциз солиги ҳисоби

Акцизга тортилган товар	Ортилган товар қиймати		Акцизлар		Қайта ҳисоблаш якуни		Қолдик
	жами	Шу жум. солторгт. оборот	Став-каси	Ҳисобланган солик	Аванс Тўлов, сўм	Акциз маркаси	
1	2	3	4	5	6	7	8
Ароқ 0,5л	700000	700000	65%	455000	453600	1400	0

Ҳақиқий маҳсулот сотиш ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобанган акциз солиги суммаси бюджетта қўйидаги муддатарда тўланади:

Жорий ойнинг 13-санасигача – 1-ўн кунлик учун.

Жорий ойнинг 23-санасигача – жорий ойнинг 2-ўн кунлиги учун.

Келгуси ойнинг 3-санасигача – ҳисобот ойининг охирги унлари учун.

Сотиш куни деб маҳсулотнинг ортилганлигини кўрсатув-и товар жўнатиш хужжатларида кўрсатилган кун ҳисобланади.

Ўн кунлик тўловлар бўйича акциз солиги тушган сумма олиқ инспекцияларида юритилувчи солиқ тўловчининг шахсий счёtlарида бир вақтнинг ўзида “ҳисобланди” ва тўланди” графаларида кўрсатилади.

Ҳисобот даврида ўн кунлик тўловлар бўйича тўланган кизиқ солиги суммаси тегишли ҳисобот даври учун ҳисобанган солик ҳисобида ҳисобга олинади(зачет).

Ортиқча тўланган сумма келгуси тўловларга ўtkазилади ки тўловлардан бюджетга қарзи бўлмаса ёзма аризасига би-юан 30 кун ичida қайтарилади.

4. АКЦИЗ СОЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ (ЗАЧЁТ)

Акцизга тортилган товарлар ишлаб чиқилганда унинг хом ашёси учун ЎР ҳудудида акциз солиги тўланган бўлса, у ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилмайди, балки тайёр маҳсулот бўйича акциз солиги ҳисобланганда ҳисобга (зачёт) олиб борилади. Мисол учун вино тайёрловчи вино маҳсулоти сотиб олган:

1. Акцизга тортилган маҳсулотни ишлаб чиқариши иши (хизмати) қиймати (сўм)	60
2. Вино маҳсулоти қиймати (акциз солигисиз) (сўм)	170
3. Маҳсулотни қайта ишловчи корхонанинг ҳисобли баҳоси (1=2) (сўм)	230
4. Акциз солиги ставкаси винога, %	40
5. Маҳсулот сотиш обороти (акциз солиги билан) ҚҚСсиз (230*100) : (100-40) (сўм, тийин)	383 – 30
6. Шу маҳсулот бўйича ҳисобланган акциз солиги суммаси (383-30*40:100) (сўм, тийин)	153 – 30
7. Вино хом ашёси бўйича тўланган акциз солиги (20%) ҳисобга олиниди.(170*100) : (100-20) = 212-50*20 :100 (сўм, тийин)	42 – 50
8. Бюджетта тўланиши лозим бўлган акциз солиги суммаси (бст-7ст) (сўм, тийин)	118 – 80

Худди шунга ўхшаш акциз ости тайёр маҳсулотни истеъмол идишларига қуйилганда ҳам акциз солиги ҳисобга олиниди. Масалан, корхона пахта ёғини истеъмол идишларига қуйганда маҳсулот етказувчи корхоналар товар-жўнатув хужжатларида бюджетта тўлаш лозим бўлган акциз солигини алоҳида қаторда кўрсатишлари шарт. Акс ҳолда тайёр маҳсулот бўйича акциз солигидан ҳисобга олиш (зачёт) ҳолати бўлишига рухсат этилмайди.

Ҳисобга олиниши лозим бўлган акциз солиги суммаси алоҳида аналитик счётда олиб борилади ва маҳсулотни ишлаб чиқаришга олиб бориш билан 68-счётнинг дебетига тегиши сумма ёзилиб борилади.

Акциз солиги 68-счётнинг “Акциз солиги бўйича ҳисобкитоблар” субсчётида юритилади. Ҳисобланган солиқ 46-счётда дебет ва 68-счётда кредиттга ёзилади. Солиқ тўланса, 68-дебет ва 51-счётда кредитланади.

Қайтариш учун саволлар

1. Акциз солиги нимани ифода этади?
2. Акциз солигини тўловчилари кимлар?

5. Акциз солиғи объекти нималардан иборат?
4. Акциз маркалари билан ишлаб чиқилган товарлар бўйича солиқни ҳисоблашнинг қандай хусусияти мавжуд?
5. Акциз солиғини ҳисобга олиш (зачёт) тартиби қандай?
6. Акциз солиғи ҳисобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?

4-БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛARНИНГ МОЛ-МУЛК СОЛИГИ

1. ЮРИДИК ШАХСЛАР МОЛ-МУЛК СОЛИФИНИ ТЎЛОВЧИЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ ОБЪЕКТИ

Мол-мулк солиғини тўловчилар бўлиб ўз мулкига эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ҳамда ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар мол-мулк солиғини тўламайдилар.

Корхона балансида бўлган эскириши ҳисобга олинмаган ўртacha йиллик асосий воситалар, лизинг шартномаси бўйича сотиб олинган воситалар, моддий активлар ҳамда муддатида ишга туширилмаган мулклар қиймати солиққа тортиш объекти бўлади.

Асосий воситаларни ижарага берганда қуйидаги шартларга жавоб берса, лизинг деб ҳисобланади:

- 1) ижара муддати асосий воситалар ҳаракат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлиши керак;
- 2) ижара га олуви асосий воситаларни белгиланган баҳода ёки ижара муддати тугаганда аниқланган баҳода сотиб олиши мумкин;
- 3) ижара муддати тугаганда асосий фондларнинг қолдиқ қиймати ижара бошланишдаги қийматининг 20 фоизини ташкил қиласди;
- 4) ижара давридаги жорий тўловлари (ижара тўловлар) суммаси ижарага олинаётган воситаларнинг 90 фоизидан ортиқ бўлиши шарт.

Корхона мулкларининг ўртacha қиймати йил боши ва охирдаги қийматларнинг ярим ва йил ичida ҳар бир ойнинг бошида бўлган қийматларни қўшиб, 12 бўлиши билан аниқланади.

$$\frac{1 \text{ янв.} + 1 \text{ фев.} + 1 \text{ март...}}{2} \frac{1 \text{ январь}}{2}$$

Ўртacha йиллик қиймат = $\frac{1}{12}$

шакли билан аниқланади.

Агар корхона мулки ойнинг биринчи ярмида ишга туширилса, ўртача йиллик мулк қиймати белгиланаётганда тўлиқ ой деб қабул қилинади, агар мулк ойнинг иккинчи ярмида ишга туширилса, унинг қиймати кейинги ойнинг бошида бўлган мулкларнинг қийматига қўшилиб, ўртача йиллик қиймат аниқланади.

Корхона 20 октябрда ишга туширилди.

Корхона 1999 йил учун ўртача мулклари қиймати ҳисоби

Баланс моддалари номи	Счёт коди	қатор коди	Баланс сумма			
			01.01....	01.11	01.12	01.01
Асосий воситалар	01.03	010		845	845	835
Номоддий активлар	04	—	—	—	—	—
Солиқقا тортиладиган базадан камайтириладиган мулк қиймати				100	100	100
Солиқقا тортиладиган қиймат				745	745	735

$$\text{Ўртача йиллик қиймат} \frac{745:2 + 745 + 735:2}{12} = 123,75$$

Ҳисобот даври учун мулкнинг ўртача қийматини аниқлаш лозим бўлса (чорак, ярим йиллик, 9 ойлик), ҳисобот давридаги ой боши ва ҳисобот даврининг охиридаги қийматларни иккига бўлиб, ҳар ой бошидаги қийматни қўшиб, 12 га бўлиш билан аниқланади.

Масалан, 1-чорак учун.

Мулкнинг ўртача қиймати

$$= \frac{\underline{1 \text{ янв.}} + \underline{1 \text{ фев.}} + \underline{1 \text{ март...}} \underline{1 \text{ апрел}}}{\underline{2} \qquad \qquad \qquad \underline{2}} \\ = \frac{12}{12}$$

корхона 13 марта солиқ тўловчи бўлса, ўртача қиймат қуий-

$$\frac{\underline{1 \text{ март}} \dots \underline{1 \text{ апрел}}}{\underline{2} \qquad \qquad \qquad \underline{2}} \\ \text{дагича аниқланади: } = \frac{12}{12}$$

Солиқ тўланадиган базани аниқлаш учун бухгалтерия балансининг активидан қуйидаги счёtlар олинади:

- 01 — асосий воситалар.
- 03 — “Узоқ муддатли ижара”га берилган мулқлар (лизинг).
- 04 — номоддий активлар.
- ўрнатилмаган, фойдаланилмаган активлар.

2. СОЛИҚ СТАВКАСИ ВА СОЛИҚДАН ИМТИЁЗЛАР

Юридик шахслар 4 фоиз ставкада мол-мулк солиғини тұлайдылар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасыга қар ىили янги бюджет тасдиқланғанда солиқ ставкасы — ўзгартышлар киритиш ҳуқуқи берилған.

Белгиланған муддатларда ишга туширилмаган ва фойдаланилмаган асбоб-ускуналар учун корхоналар мол-мулк солиғининг ставкасини икки баробар күпайтириб тұлайдылар.

Курилиштегі тасдиқланған корхонаны қуриш муддати мөшері қар бир объект бүйічә технологик ва бошқа асбоб-ускунларни ишга тушириш ва монтаж қилиш графиги бўлиши шарт. Шунга қараб ўз вақтида ишга туширилмаган мулклар аниқланади.

Ўзимизнинг ва импорт қилинған асбоб-ускуналарнинг етказиб бериш ва монтаж қилиш графиги кўйидаги ишга тушириш муддатларини эътиборга олади.

1. Номлар рўйхати ва етказиб бериш графиги ҳамда, режа бўйича монтаж қилишга қадар йирик технологик ва электроэнергия асбоб-ускуналари.

2. 6 ойдан ортиқ бўлмаган технологик линиялар, бошқа умумзавод асбоб-ускуналари.

3. Бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ишга туширилиши режалаштирилган импорт асбоб-ускуналар комплектини монтаж қилиш.

4. Тарқоқ импорт асбоб-ускуналари ва кабель маҳсулотлари режаланған муддатда, лекин 6 ойдан ошиқ бўлмаган даврда монтаж қилиниши керак.

Монтаж қилиш мөшері ва графиги йўқ бўлса, асбоб-ускуналар учун қўйидаги муддатлар белгиланади:

— ишлаб чиқариш объектлари белгиланишига қараб ўзимизда тайёрланған ва импорт қилинған асбоб-ускуналар ишга туширилмаса, сотиб олинган ойдан сўнг бир йил муддат ўтиши билан;

— ноишлаб чиқариш белгиланишига қараб объектлар бўйича сотиб олинган кундан эътиборан 6 ой ўтса;

Монтаж қилиш талаб этувчи хўжалик инвентарлари ва асбоб-ускуналар бўйича сотиб олган кундан бошланади.

Ана шу муддатлардан сўнг асбоб-ускуналар монтаж қилинса ёки фойдаланилмаса ставкаси икки марта кўпайтирилиб солик тўланади.

Мол-мулк солиги бўйича имтиёзларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш тўғри бўлади.

- Соликдан тўлиқ озод бўладиган юридик шахслар.
- Соликқа тортиладиган базанинг камайтирилиши.

Биринчи гуруҳ имтиёзларга қўйидагилар киради:

а) тадбиркорлик фаолиятида фойдаланувчи мулклардан ташқари, нотижорат ташкилотлар учун;

б) ҳалқ маорифи ва маданияти муассасалари мақсади учун фойдаланиладиган мулклар;

в) умумфуқаро белгиланишига тегишли уй-жой, коммунал ва бошқа шаҳар хўжалик корхоналари;

г) устав капитали 500 минг АҚШ долларини ташкил этувчи ишлаб чиқариш қўшма корхоналари;

д) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида фаолият кўрсатувчи туристик ташкилотлар, янги ташкил этилган корхоналар биринчи фойда олганга қадар, лекин рўйхатдан ўтгандан бошлаб 3 йилдан ошмаслик шарти билан;

е) умумий ходимлар таркибида 50 фоиздан кам бўлмаган ногиронлар ишловчи корхоналар;

ж) ҳалқаро меҳр-шавқат фонdlари “Софлом авлод учун”, Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти, “Нуроний” фонди корхоналари озод бўлган маблағларини устав вазифасини бажаришга йўналтиrsa;

з) янги ташкил этилган корхоналар рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб икки йил ичida.

Маҳаллий ҳокимиyат идоралари, уларнинг ходимлари жойлашган мулклардан қўшимча имтиёзлар беришлари мумкин.

3. СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН БАЗА ҚЎЙИДАГИ МУЛКЛАР ҚИЙМАТИГА КАМАЙТИРИЛАДИ

1) солик тўловчи балансида бўлган уй-жой, коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа обьектлари;

2) табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадлари ва ўт ўчириш хавфсизлиги учун фойдаланиладиган обьектлар;

3) маҳсулот ташув йўллари (автомобиль йўлини ҳам қўшиб), алоқа линиялари, энергия узатув йўллари ва уларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ иморатлар;

- 4) спутник алоқаси;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳаракати тўхтатилган ишлаб чиқариш асосий фондлари;
- 6) шаҳар йўловчи транспорти (такси, йўналишили такси-дан ташқари), йўловчилар ташувчи автомобиль транспорти шаҳар атрофидаги йўлларда ҳаракат қиласа (маршрутли такси ва таксидан ташқари);
- 7) йўлларни сақлаш ва таъмиrlашда ишлатиладиган йўл хўжалигининг транспорт воситалари;
- 8) давлат дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситалари.

4. МОЛ-МУЛК СОЛИФИ ҲИСОБИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА СОЛИҚНИ ТЎЛАШ

Солик ҳисобини солик тўловчилар тузадилар ва солик идораларига ҳисоботлар ва баланслар топшириш кунида топширадилар.

Биринчи чорак, ярим йил, 9 ой ва йил тугаши билан солик тўловчилар ҳисбот давридаги мулкларнинг ҳақиқий ўртacha қийматидан келиб чиқиб, йил бошидан ошиб борувчи ҳисботни тузадилар.

Шартли мисол:

Корхонанинг 1999 йил I-чорак учун мол-мулк солифи ҳисоби

№	Кўрсаткичлар	Тўловчи маълумоти бўйича
1.	Ҳисбот даврида соликқа тортиладиган мулкларнинг ўртacha қиймати	200
2.	Солик ставкаси	4%
3.	Солик суммаси 1×2 йиллик	8
4.	Ҳисбот даври учун тўланиши лозим бўлган солик суммаси	8
5.	Ҳисботлар даврида ҳисобланган бўнак суммаси	7, 5
6.	Қўшимча ҳисобланган	0,5
	Камайтирилди	—

1999 йил, 26 апрель

Солиқ ҳисобига албатта мулкларнинг ўргача йиллик қиймати ҳисоби ва солиқقا тортилмайдиган мулклар қиймати рўйхати илова қилинади.

Мулк солигига тортилмайдиган мулклар рўйхатига мисол

№	Кўрсаткичлар	Ўргача қиймат
A.	Уй-жой, коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа	10
B.	Табиятни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш ва ўт учирини хавфсизлиги	5
V.	Йўллар (автомобиль ҳам), алоқа йўналишлари, энергия узатиш ва иншоотлар	10
G.	Спутник алоқаси	5
D.	Вазирлар Маҳкамаси музлаттан фондлар	40
E.	Шаҳар пассажир транспорти	10
Ж.	Автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмиrlаш йўл хўжалиги транспорт воситалари	10
Жами		100

Корхоналар жорий тўловлар суммасини мустақил равишида ўзлари ҳисобот давридаги мулкининг ўргача йиллик қиймати ва солиқ ставкасига қараб белгилайдилар. Солиқ суммаси давр харажати суммаси таркибига киради.

Бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳар ойнинг 20-санасидан кечиктирмай йиллик сумманинг ўн иккidan бир қисми сифатида тўланади.

Солиқ тўловчи томонидан ҳисоботлар бўйича ҳисоблаб чиқарилгандаги қўшимча солиқ суммалари ҳисоботлар тақдим этилган кундан эътиборан 5 кун ичида тўланади.

Ортиқча тўланган сумма келгуси тўловларга ўтказилади ёки бошқа тўловлардан қарз бўлмаса, корхонанинг ёзма аризаси билан 3 кун ичида унга қайтарилади.

Қайтарин учун саволлар

1. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғини тўловчиларга кимлар киради?
2. Мулкларнинг ўргача йиллик қиймати (чораклик, 6 ойлик, 9 ойлик) қандай тартибда ҳисобланади?

3. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкасини ким белгилайди ва бу солиқдан қандай имтиёзлар мавжуд?

4. Мол-мулк солиғи ҳисобини тақдим этиш тартиби ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?

5-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИНИНГ ЯГОНА ЕР СОЛИҒИ

1. СОЛИҚЛАРНИ ИХЧАМЛАШТИРИШ ВА ЯГОНА ЕР СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИЛАР, СОЛИҚ ОБЪЕКТИ ВА СТАВКАЛАР

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сон Қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг бюджетта тўловлари ихчамлаштирилди ва ягона ер солиғи тўлаш улар учун жорий этилди.

Қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилиши билан улар қўйидаги солиқлар ва йигимларни тўлашдан озод этилади:

- даромад (фойдага) солиғи;
- қўшилган қўймат солиғи;
- экология солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
- ер солиғи;
- ер остидан фойдаланганлик учун солик;
- мол-мулк солиғи;
- ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи;
- бошқа маҳаллий солиқлар ва йигимлар.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмиш қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари учун бож тўлов, давлат бози, лицензия йигимлари, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар, шунингдек, алкоголли маҳсулотларга акциз солиғини тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Ягона ер солиғини жорий қилишдан мақсад қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари меҳнатининг пировард натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш — уларнинг солиқ тизимини соддалаштиришdir.

Ушбу тадбирнинг ишга солиниши хўжаликларни ёрдами чи касб-корлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга ундаши керак, чунки бундай фаолият натижасида олинган даромадлар солиқقا тортилмайди.

Ягона ер солиғи тұлаш тартиби қуйидагиларга тегишли бўлмайди:

- 1) ўрмончилик, балиқчилик, овчилик хўжаликлариға;
- 2) илмий-тадқиқот ташкилотлари ва илмий мұассасаларнинг тажриба, эксперимент ва ўқув тажриба хўжаликлариға;
- 3) мустақил юридик шахслар ҳисобланмаган ёрдамчи қишлоқ хўжаликлариға;
- 4) деҳқон хўжаликлариға.

Ягона ер солигини тўловчилар бўлиб қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

Бу юридик шахслар қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш билан бирга бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланишидан қатъи назар, ягона ер солигини тўловчилар ҳисобланадилар.

Қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ўз ихтиёрига кўра бюджетта кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқни ёки қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган ягона ер солигини тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки изярага берилган ер майдони ягона ер солигига тортиш обьекти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ер майдонлари, уларнинг сифати ва жойлашган жойи бўйича ер баланси, ер хариталари, текширув материаллари ва бошқа ер кадастри ҳужжатлари бўйича қабул қилинади.

Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тўловчилар қаторига шакли ва ихтисослашувига кўра кўп сонли юридик шахс ҳуқуқига эга хўжаликлар, акциядорлик хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва ширкатлари уюшмалари, паррандачилик хўжаликлари, турли тизимдаги бўрдоқчилик хўжаликлари, ипакчилик ва асаларичилик хўжаликлари, шунингдек, юридик шахс бўлган ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари киради.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалик ерларига ягона ер солигининг мувакқат базавий ставкалари, маъмурий туманлар ва шаҳарлар бўйича сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солигининг базавий ставкалари, шунингдек, ягона ер солиги мувакқат базавий ставкаларининг тузатиш коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.

Ягона ер солиғини тұлашга ўтмаган хұжаликлар учун соликқа тортишнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади, яғни улар олдингидек барча белгиланған солиқтарни, шу жумладан ер солиғини тұлашади. Улар учун ер солиғининг ҮРВМ томонидан 1998 йил 31 декабрдан 541-сонли Қароридаги солиқ ставкалари тасдиқланған.

2. ЯГОНА ЕР СОЛИҒИНИ ТҰЛАШ БҮЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

Бу солиқдан имтиёзлар икки түрли бўлади:

- а) солиқ солинмайдиган ер участкалари;
- б) солиқ тұлашдан озод этилган юридик шахслар.

Солиқ солинмайдиган ер участкаларига :

1) қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Булар аҳоли пунктлари ҳудудидаги майдонлар, кўчалар, ўтиш йўллари, йўллар, сугориш тармоғи ва шу каби обьектлар, шунингдек хұжаликдаги қабристонлар;

2) ихота дараҳтлари экилган майдонлар;

3) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сув ҳавзалари, спортнинг техник турлари обьектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари ҳамда халқ таълими, маданият ва соғлиқни сақлаш обьектлари банд қилган ерлар;

4) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолати яхшиланиши жараёнидаги суфориладиган ерлар, лойиҳада назарда тутилган муддатда, лекин ишлар бошланғандан эътиборан беш йилга;

5) янги бунёд этилган боғзорлар ва токзорлар банд қилган майдонлар мева бера бошлайдиган муддатгача, уларнинг майдонлари ана шу боғзорлар ва токзорлар кўчатлали ўтқазилган ойдан бошлаб солиқ солинадиган базадан чиқарилади;

6) янгидан тут дараҳтлари ўтқазилган майдонлар, тутлар ўтқазилган ойдан бошлаб уч йиллик муддатга солиқ солинадиган базадан чиқарилади;

7) Андижон дон ИТИ филиалларига ажратиб берилган ерлар 1999 йилдан бошлаб 3 йил муддатга озод этиладилар;

8) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ солиқ солинмайдиган бошқа ерлар.

Солиқ тұлашдан озод этиладиган юридик шахсларга қуйидагилар киради:

1) янги ташкил этилган қишлоқ хұжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан, фермер хұжаликлари, давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;

2) қоракўлчилик соҳасидаги наслчилик, товар ва бўрдо-қичилик хўжаликлари 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб 3 йил муддатга;

3) даромад(фойда) солиги ва ер солифини тўлашдан озод қилинган бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари.

3. ЯГОНА ЕР СОЛИФИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Ягона ер солиги унинг тўловчилари томонидан мустақил равишда ерларнинг майдони, базавий ставкалари ва тузатиш коэффициентлари асосида ҳисоблаб чиқлади. Қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга ерлардаги ер майдонлари, ер тузиш хизмати ўтказадиган ер ҳисоби маълумотлари, ерларни рўйхатдан ўtkазиш ва қишлоқ хўжалик экинлари ва ерларни маҳсус асбоблар ёрдамида ўлчаш материаллари асосида тасдиқланган бўлиши лозим.

Ерларнинг ҳар бир тури бўйича ер солиги суммаси қуидаги формулага кўра белгиланади:

$H = S_{\text{зу}} * C_{\text{б}} * K_{\text{п}}$. Бунда H — ягона ер солифининг суммаси сўмларда; $S_{\text{зу}}$ — ер участкасининг майдони, га да; $C_{\text{б}}-1$ гектар учун соликнинг базавий ставкаси, сўмларда; $K_{\text{п}}$ — тузатиш коэффициенти.

Ерларнинг ҳар бир тури (сугориладиган ерлар, лалми ерлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқалар) учун тегишли базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлари қўлланилади, улар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси томонидан белгиланган тартибда тўловчиларга етказилади.

Сугориладиган қишлоқ хўжалик ерлари бўйича базавий ставкалар сифатида тегишли туман ва шаҳар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Лалми ерлар, пичанзорлар ва яйловлар бўйича базавий ставкалар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Ижтимоий иморатлар, сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар банд қилган ерлар, шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар бўйича базавий ставкалар сифатида тегишли туман ва шаҳарларнинг сугориладиган ерлари бўйича тасдиқланган ставкалар қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларга йил давомида ажратилган ер участкалари учун солик ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб айтариб олинган, сотилган тақдирда солиқнинг ундирилиши ер участкаси тортиб олинган (камайтирилган), ҳақи тўлаб айтиб олинган, сотилган ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилди).

Кишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларга ер солиги бўйича имтиёзлар белгиланганда, улар бундай ҳукуқ ужудга келган ойдан бошлаб тўламайдилар.

Имтиёзларга эга бўлиш ҳукуқи тўхтатилганда, бундай үқуқ тўхтатилгандан кейинги ойдан бошлаб ер солиғи ўлашни бошлайдилар.

Кишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар ягона р солиғи суммасини Вазирлар Маҳкамаси белгилаган ставаларда ҳисоблаб чиқадилар ва ўзлари жойлашган ҳудуд солиқ инспекцияларига (аксарият) солиқ ҳисобини жорий йилнинг 1 февраляга қадар тақдим этадилар.

Ягона ер солиғи бир йилда икки марта — 1 июлгача йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи микдорида ва 1 декабрга қолган солиқ суммаси тўланади.

Ягона ер солиғининг ҳисобланган суммаси корхонанинг давр харажатларига киритилади.

Ҳисобланган солиқ 68-счётнинг “Ер солиғи ҳисоб вараги” кредитида ва 26-счётнинг “Давр харажати” дебетида кўрсалади. Солиқ бюджетга ўтказилганда 68-счёт дебетланади ва 51-“ҳисоб-китоб вараги” кредитланади.

Базавий ставкаларни ва тузатиш коэффициентларини ўллаган ҳолда ягона ер солиғининг суммасини ҳисоблаб иқиши учун мисол тариқасида Жizzах вилояти Жizzах туяни хўжаликларидан бирини кўриб чиқамиз.

№	Ер турлари	Май-дон	Базавий ставка	Тузатиш коэффиц.	Солиқ суммаси
1.	Суғориладиган жамоа ерлари:				
	4 кали (31-40 балл)	16	505,8	3, 24	26625
	5 кали (41-50 балл)	180, 7	505,8	4,67	4268289
	7 кали (61-70 балл)	145	505,8	9,00	660069
	8 кали (71-80 балл)	443	505,8	11,68	2617131
	9 кали (81-90 балл)	215	505,8	14,55	1582269
	Жами	2626			9154383
2.	Лалми ерлар, бўз ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дараҳтзорлар (текислик зонаси)	234	64, 4	1,0	15116

3. Сүфорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар “Чўл минтақасида”	82	13, 3	1, 0	1091
4. Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, йўллар остидаги ерлар	316	505,8	0,04	6393
5. Жамоат иморатлари ва ҳовлилари	98	505,8	20,44	1013178
6. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	483	505,8	0,064	244
Жами	3523			10191405
Шу жумладан, тўлаш муддатлари бўйича:				
1 июлгача				3057122
1 декабргача				7163283

Ягона ер солиғи суммаларини кўрсатилган муддатларда тўлаб борган қишлоқ хўжалик корхоналари ҳар қандай молиявий жазолардан холи бўлади.

Қайтариш учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи тўловчилари кимлар ва солиқ обьекти нимани ўз ичига олади?
2. Ягона ер солиғида қандай имтиёзлар мавжуд?
3. Ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш.

6-БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ (НОҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК) ЕР СОЛИҒИ

1. ЕР СОЛИҒИНИ ТЎЛОВЧИЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ ОБЪЕКТИ

Ўзининг мулкида, эгалигида ва фойдаланишида ер участкалари бўлган юридик шахслар ер солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланади.

Ягона солиқ тўлашга ўтган кичик корхоналар, савдо ташкилотлари ер солиғи тўловчилари бўлмайдилар.

Юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳалий ҳокимият идораларининг қарори билан ижарага олинган ерлар учун ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар.

Ижара ҳақи томонларнинг келишуви асосида ер солиғи-инг бир ставкасидан кам бўлмаган, уч ставкадан ортиқ ўлмаган миқдорда белгиланади.

Ерни ижарага олганлар ҳисоби, ижара тўлови ҳисобини экдим қилиш, ижара тўловини ҳисоблаш ва тўлаш ер солиғи бўйича белгиланган тартиб билан амалга оширилади.

Юридик шахсларга ажратиб берилган ерлар учун ер солиғи ердан фойдаланиш ва фойдаланилмаганидан қатъи наэр, солиқ тўлайдилар.

Юридик шахслар учун ер солиғи обьекти бўлиб қуида-и ер участкалари ҳисобланади:

- қонунда белгиланган тартиб бўйича ўз мулки қилиб линган ер участкалари;
- ўрмон хўжалиги учун эгалик қилишга берилган ерлар;
- корхона қуришга, иморатлар, иншоотлар қуришга ёки ошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга ерилган ерлар;
- мулкчилик ҳукуқига эга бўлиш ва ундан ҳукуқий фойдаланиш корхона, иморат ва иншоотлар билан бирга ерга ам жорий этилади.

Юридик шахслар учун фойдаланилмаган ер участкалари чун ер солиғи ставкаси 2 коэффициенти қўллаб, ундириади.

2. ЕР СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРГА ЕР СОЛИҒИДАН ИМТИЁЗЛАР

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, Солиқ қўмитаси а Молия вазирлиги томонидан солиқ тўловчиларга етказиади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ёмонлашса (бонитет пасайса), ер участкаси эгасининг айби билан ер солиғи рининг сифати пасайгандан аввалги ер солиғи ставкасида линади. Шаҳар ва шаҳар посёлкасининг маъмурий худуди-я жойлашган қишлоқ хўжалик ерлари учун ер солиғи ставкаси қишлоқ хўжалик ерлари учун белгиланган солиқ ставкасининг икки карра ортиқ миқдорида тўланади.

Маъмурий ва саноат марказларига нисбатан ер участка-арининг жойлашган жойига қараб қишлоқ хўжалик ерлари чун белгиланган ставкага ўсиб борувчи коэффициентлар уйидагича қабул қилинади:

радиуси 20 км. даги Тошкент шаҳри атрофида —1, 3;

Қарақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар маркази атрофида радиуси 15 км. гача бўлса — 1, 2 ва туман марказла-ри атрофида радиуси 11 км. гача бўлса — 1, 15 ва бошқа шаҳарлар атрофида радиуси 5 км. гача бўлса — 1, 1 коэффициент қўлланилади.

Ер участкаларининг узоқлиги шаҳар ва туман марказла-рининг автомобиль йўллари ўтган маъмурий чегараларигача белгиланади. Ер майдони икки шаҳар ўртасида жойлашган бўлса, юқори функционал белгиланишига эга бўлган ша-ҳарнинг энг катта коэффициенти олинади. Деҳқон хўжа-ликларига ер солиғи ҳисобланётганда балл абонентига қараб 8 жадвал коэффициенти қабул қилинади: 40 баллгача бўлса — 0,75, 41 дан 70 баллгача — 1, 0 ва 70 баллдан ошиғига — 1,25 қўлланилади.

Шаҳар ва шаҳар қўргонларининг маъмурий чегаралари-да жойлашган конлар ва каръерлар бино қилган ер майдон-лари учун ер солиғи шаҳар ва қўргон жойларида юридик шахслар учун белгиланган ставкаларга 0, 1 коэффициент кўллаб, ундирилади.

Ер солигидан имтиёзлар икки хил бўлади: 1) ер участка-лари озод этилади; 2) юридик шахслар озод этилади.

Куйидаги ер участкалари ер солигидан озод этилади:

1. Шаҳарлар, шаҳар қўргонлари, қишлоқ аҳоли пунктла-рининг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўча-лар, ўтиш жойлари, йўллар, ариқ ёқалари, ариқлар, мозор-лар ва б.).

2. Боғдорчилик, узумчилик, экинчilik жамоалари, жамоа гаражлари учун умумий фойдаланишга берилган ерлар (кириш йўллари, сугориш шохобчалари, коллекторлар ва бошқа умумий фойдаланиш ерлари).

3. Табиятни муҳофазалашга мўлжалланган ерлар (давлат қўриқоналари, миллий ва дендропарклар, ботаника боғла-ри, табият эсдаликлари, қўриқона-ўрмон дараҳтзорлари).

4. Тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган ерлар (мемо-риал парклар, кўмиш жойлари, археологик эсдаликлар, та-рихий ва маданият ёдгорликлари).

5. Сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар, гидротех-ник ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари).

6. Электр узатувчи линиялар, подстанциялар ва умум-давлат алоқа тармоқлари ва уларнинг иншоотлари жойлаш-ган ерлар.

7. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва улар-нинг иншоотлари жойлашган ерлар.

8. Темир йўл умумий тармоқлари ва уларнинг иншооти эгаллаган ерлар. Саноат ва бошқа корхоналарга темир лизлари киритилган жойлар учун ер солиги умумий тарб бўйича тўланади.

9. Шаҳар умумий фойдаланишидаги электр транспорти метрополитен тармоқлари ва уларнинг иншоотлари жойшган ерлар.

10. Спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдонлари, ссейнлар, спортнинг техник турлари обьектлари ва бошжисмоний соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва боларнинг дам олиш жойлари, санатория-курорт муассалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машиқ базалари.

11. Магистрал сув йўналтириш, магистрал оқава коллекрлари ва уларнинг иншоотлари, сув йифув ва сув тозалов шоотлари ва бошқалар эгаллаган ерлар.

12. Магистрал газ йўналтириш, нефть йўналтириш ва арнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

13. Самолётларнинг учиш-тушиш йўлаклари, бошқаришлари ва туриш жойлари, радионавигацион ва электр ёруғти бериш асбоб-ускуналари жойлашган фуқоро авиация-аэропорти эгаллаган ерлар.

14. Ишлаб чиқариш обьектлари қуриш учун ажратилган ҳукумат қарори билан тўхтатиб қўйилган иншоотлар эгаллаган ерлар, ҳукуматнинг инвестдастурига биноан амалга пирилаётган қурилишлар жойлашган ерлар.

15. Гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ва юсталар эгаллаган ерлар.

16. Тўғридан-тўғри илмий ёки ўқув мақсадларига ажратилган ўрмон хўжалиги илмий ташкilotлари, тажриба, экспементал ва ўқув-тажрибавий, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ув юртлари фойдаланаётган ерлар.

17. Янги ишга тушириладиган ва мелиоратив ҳолатини шилаш муддатига, сугориладиган ерлар лойиҳада кўрсанглан муддатига, лекин иш бошлангандан 5 йилдан кўп уммаган муддатга фойдаланилмаган ерлар.

18. Заҳира ерлар.

19. Рекрацион белгиланишга эга бўлган ерлар (аҳолининг зўл дам олиши ва туризм учун; ўрмон парклари, парклар, ёбонлар, пляжлар ва б.)

20. Соғломлаштиришга қаратилган ерлар (кишиларни соғломлаштириш ва даволашга мўлжалланган ерлар).

21. Иновацион қурилиш ва шахсий томорқа хўжалиги тун белгиланган меъёрда ажратиб берилган ерлар 2 йил уддатта озод этилади.

22. Ўрмон хўжалиги ташкилотларининг ўсимликларни ҳимоя қилиш, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш обьектлари ҳамда спорт инишотлари ерлари.

23. Янги барпо этилган боғлари ва узумзорлари бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари ҳосил бёриш даврига киргунга қадар озод этилади. Ерлар тўғри белгиланишига қараб фойдаланилмаса, юқорида белгиланган имтиёзлар берилмайди.

3. ЕР СОЛИФИДАН ОЗОД ЭТИЛУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАР

- 1) нотижорат ташкилотлари;
- 2) маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари, уларга юқлатилган вазифаларни бажариш учун ажратилган ерлар;
- 3) ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи қўшма корхоналар рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб 2 йил муддатга;
- 4) ишловчиларнинг умумий сони 50% кам бўлмаган қисмини ногиронлар ташкил этадиган корхоналар;
- 5) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристик фаолият билан шуғулланувчи янги тузилган корхоналар тузилганидан бошлаб биринчи фойда олгунга қадар, лекин рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб 3 йилдан ошмаган даврда;
- 6) марказий банк, халқ банки ва уларнинг муассасалари.

4. ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЕР СОЛИФИННИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

Ер солиги тўловчилар томонидан мустақил равищда ҳар йили 1 январь ҳолатига қараб ҳисоблаб чиқилади ва ер солиги ҳисоби ер участкаси жойлашган солиқ инспекциясига жорий йилнинг 1 февралига қадар топширилади.

Ноқишлоқ хўжалик белгиланишига эга бўлган ерлар учун ер солиги ҳисоби қўйидагича тузилади. Масалан, Чилонзор давлат солиқ инспекциясига “A” хусусий корхона идентификацион тартиби жавобгар шахснинг _____

Тўловчининг манзили _____
банкнинг № ҳисоб рақами: _____

**1999 йил 1 январь ҳолатига ноқишлоқ хўжалик ерлари учун
ер солиги ҳисоби**

Кўрсаткичлар	Ер участкасининг жойлашган жойи	Ўлчов бирлиги	Ҳажми
Шаҳар ҳокимининг қарори Хужжатта асосан берилган ер участкаси	7 зона Тошкент шахри	Га	0, 5
Ҳақиқий фойдаланишдаги ер участкаси Аниқланган		Га	0,5
Солиққа тортадиган майдон		Га	0,5
1 га ер солиги ставкаси			2060370
Солиқнинг умумий суммаси			1030185
Тўлов муддатлари:			
1-чорак учун — 15 февралгача			257546, 2
2-чорак учун — 15 майгача			257546, 3
3-чорак учун 15 августгача			257546, 2
4-чорак учун 15 ноябргача			257546, 3

*Раҳбар:
Бош ҳисобчи:*

*Қабул қилдим:
Солиқ инспектори:*

Агар ер сотилса, олиб кўйилса (камайса) солиқни ундишиш ер олиб кўйилган ойдан бошлаб тўхтатилади (камайти-шилади). Масалан, корхонадан ер участкасининг бир қисми тегишли давлат ҳокимияти идоралари томонидан 25 августдан олиб кўйилди, унда корхона солиқни 1 августдан тўла-майди.

Ер солигидан имтиёз белгиланганда улар шу ҳуқуқ пайдо бўлган ойидан бошлаб солиқ тўламайдилар. Ер солигидан имтиёз тўхтатилган ҳолларда, шу имтиёз тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ер солиги тўланади.

Ер майдони бир қанча юридик шахсларнинг мулкида 5ўлган курилишига тегишли бўлса, ҳар бир мулкдор умумий майдонидаги ҳиссасига қараб ер солиги тўлайди.

Кўп қаватли тураржойларнинг бир қисмини эгаллаган юридик шахслар тураржойнинг умумий майдонидан эгаллаган қисми учун солиқ тўлайди ёки шу юридик шахс фойдаланаётган ишлаб чиқариш иморатининг фойдаланиш ҳиссасига қараб солиқ тўлайди.

Солиққа тортиш мақсадида ўрмончилик, балиқчилик ва овчилик корхоналари ҳамда машина-трактор парклари қишишлоп ҳўжалик корхоналарига тенглаштирилади.

Солиқдан олган имтёзларни маълум мақсадлар учун фойдаланувчи юридик шахслар ҳам ер солигининг ҳисобини солиқ идораларига белгиланган муддатда ва шаклда топширадилар.

Ер солигини ҳисоблаш ҳақиқий эгалланган ер майдонига қараб амалга оширилади. Умумий майдондаги ер участкалари маълумотлари, шаҳар ва туман ҳокимиятлари томонидан доимий эгаллик ёки фойдаланиш ҳуқуқи борлиги давлат ҳужжати билан тасдиқланиши керак. Ердан фойдаланишга давлат ҳужжатлари берилгунга қадар ваколатли ҳокимият идораларининг қарорлари, ер баланси маълумоти, курилишнинг бош режаси ёки бошқа ҳужжатлар (текширув далолатномаси, ер инвентаризацияси, ернинг режасини олиш ва бошқалар) ер тузилиши хизмати ёки архитектура идоралари хизмати билан келишилган бўлса, бу ҳужжатлик вазифасини вақтинча ўтаб туради.

Йил мобайнида ердан фойдаланишда ўзгаришлар содир бўлса (кўпайиши, камайиши) юридик шахслар солиқ инспекциясига бир ойдан кечиктирилмасдан ўзгарган солиқ ҳисобини тақдим этишлари шарт.

Ер участкаси йил ичida ажратилиб берилса, ер участкаси ажратилгандан кейинги ойдан бошлаб ер солиги тўланади. Масалан, ер корхонага тегишли идораларнинг қарори асосида 15 августдан берилди, яъни корхона солиқни 1 сентябрдан бошлаб тўлайди.

5. ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЕР СОЛИФИНИ ТЎЛАШ ВА УНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Юридик шахслар (кишлоқ ҳўжалик корхоналаридан ташқари) ер солигини ҳар чорақда иккинчи ойнинг 15-санасига қадар тўлаб борадилар. (15 феврал, 15 май, 15 август, 15 ноябрь)

Агар юридик шахс ер участкасини ҳисобот чораги учун солиқ тўлаш муддатидан сўнг олсалар, унга ер солигини тўлаш муддати бўлиб келгуси чоракнинг солиқ тўлаш муддати ҳисобланади.

Бошқа солиқ ва йиғимлардан қарзи бўлмаган ҳолда юридик шахслар солиқни кўп тўлаб юборган бўлсалар, бу сумма солиқ тўловчиларга уларнинг аризаларига биноан ўттиз кун ичida қайтарилади ёки келгуси тўловларга ўтказилади.

Солиқ ер майдони қайси туманда жойлашган бўлса, шу туман маҳаллий бюджетига ўтказилади.

Солиқ ҳисоби ҳисобланганда 68-счётнинг кредити ва 26-счётнинг “давр ҳаражати” дебетида олиб борилади.

Солиқ бюджетта ўтказилганда 68-счёт дебетланади, суб-счёт “Ер солиги”, 51-“ҳисоб счёт” кредитланади.

Ер солиги тўловчилар солиқ идоралари вазифадор шахслари солиққа тортишда нотўғри ҳаракат қылсалар юқори солиқ идораларига ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

Қайтариш учун саволлар

1. Ер солигини тўловчиларга қандай юридик шахслар киради?
2. Ер солиги обьектига қандай ерлар киради?
3. Ер солиги ставкалари ким томонидан белгиланади ва юридик шахслар ер солигидан қандай имтиёзларга эга?
4. Ер солигини юридик шахслар қандай ҳисоблайдилар?
5. Ер солигини юридик шахслар қандай муддатларда тўлайдилар?

7-БОБ. ЕР ОСТИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

1. “ЕР ОСТИ” ТУШУНЧАСИ, СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ ОБЪЕКТИ

Солиққа тортиш мақсадида “ер ости” тушунчасига ер қаърининг тупроқ қисмидан пастда жойлашган қисми тушунилади. Ер қаъри бўлмаган ер устидан паст қисми ва геологик изланув ёки эгаллаш имконияти бўлган сув ҳавзалари ва оқимларининг таги (туби) ҳисобланади.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар, ягона ер солиги тўловчи қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари тўламайдилар.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олишни, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари куриш ва улардан фойдаланишини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

Агар таркибида рангли, нодир, қора металлар ва бошқа минерал хом ашёни қазиб олувчи корхона уни қайта ишлашга иккинчи корхонага берса, солиқ тўловчи бўлиб тайёр маҳсулотни сотувчи корхона ҳисобланади. Масалан, мис қазиб олувчи корхона рудани Олмалиқ төғ-металлургия

комбинатига берди. Комбинат тайёр маҳсулот қилиб чиқарди. Бу ерда комбинат солиқ түловчи ҳисобланади. Агар қазиб олинган рудани қайта ишлаш учун Республикадан ташқарига ёки экспортта ортса, солиқ түловчи бўлиб руда қазиб олган корхона ҳисобланади.

Солиққа тортиш обьекти бўлиб бу солиқда қуйидагилар ҳисобланади:

1. Фойдали қазилмалар (шу жумладан қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) қазиб олиш ҳажми ҳақиқий маҳсулот сотиш қиймати ҳисобланади.

Агар асосий қазиб олинган рудадан бошқа хом ашё ажралиб чиқса ва унга солиқ ставкаси тасдиқланган бўлса, йўл-йўлакай учрайдиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар солиққа тортиш обьекти бўлиши мумкин.

Бу ерда ҚҚС ва акциз чегирилиб ташланган ҳақиқий сотилган маҳсулот қиймати солиқ обьекти бўлиб ҳисобланади.

2. Техноген ҳосилаларнинг (минерал хом ашё қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш чиқиндиларининг) ҳақиқий сотиш қиймати ҚҚС ва акциз чегирилган ҳолда ҳисобланади. Техноген ҳосилаларга минерал хом ашёларнинг чиқиндилари ва қайта ишлов беришлар, шу жумладан, вақтинча техноген ва бошқа сабабларга кўра фойдаланилмаётган хом ашёлари киради.

3. Фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари ҳамда табиий ер ости бўшлиқлари ва бошқа ер ости омборлари ҳам киради. Улар куришда ер остидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ курилишнинг смета қийматига қараб ҚҚС сиз ҳисоблаб чиқилади. Объект корхонанинг балансига қабул қилиб олиниши билан обьектнинг ҳажми ёки узунлигига қараб солиқ тўланади.

Ер ости иншоотларига ер устки қисмидан пастда жойлашган иморатлар ва алоҳида обьектлар киради (масалан, гаражлар, омборхоналар, архивлар ва бошқалар).

Солиққа тортиш обьектига яна қуйидагилар: курилаётган ва эксплуатация қилинаётган нефть, газ, бошқа буюмлар ва материаллар сақлаш учун мўлжалланган ер ости иншоотлари, магистрал газопроводлар, нефтепроводлар ва 0,4-500 квт. кувватли электр узаткич тармоқлар ва бошқалар киради.

Магистрал ер ости иншоотларига қуйидагилар киради:

а) Ишчи босими 12 ПГСFсм² бўлган магистрал ер ости газопроводлари;

- б) ер ости магистрал нефтепроводи кондан тайёр маҳсулот бўлиб чиқсан жойидан то нефтни қайта ишловчи заводгача;
- в) электр узатиш қуввати 0, 4-500 квт. гача бўлган ер ости магистрал кабель линиялари;
- г) ер ости магистрал алоқа линиялари;
- д) ер ости магистрал иссиқлик проводлар, иссиқлик жўнатишлар—марказлашган иссиқлик чиқсан жойдан то саноат зонасига етгунгача бўлган масофада.

4. Рангли тошлиар хом ашёси, палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаш учун бериб қўйилган ер қаъри участкаси майдони.

2. ЕР ОСТИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ СТАВКАСИ ВА СОЛИҚДАН ИМТИЁЗЛАР

Солиқ ставкасини ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси янги йил бюджетини тасдиқлаётганда белгилайди.

Масалан, Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил учун 90 дан ортиқ солиқ ставкали солиқни белгилаган.

Солиқдан имтиёзлар қўйидагичадир:

1. Ер ости геологиясини ўрганишни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар.

2. Алоҳида табиатни ҳимоя қилиш ҳудудларида ва геология, минералогия бўйича илмий иш олиб борувчи юридик ва жисмоний шахслар.

3. Ер ости иншоотларни куриш ва эксплуатация қилишни амалга оширувчи бюджет муассасалари ва ташкилотлари.

Ўзларига ажратиб берилган ер участкаларида умумтарқалган қазилма бойликлар қазиб олувчи ва ер ости иншоотларини қурувчи ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар.

Умумтарқалган фойдали қазилмаларга: қум, шағал, тупроқ, тош, кварц, доломит, мергель, оҳак ва бошқалар киради.

4. Ер ости иншоотидан фойдаланганлиги учун метрополитен ҳам киради.

3. СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ, ҲИСОБНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Юридик шахслар томонидан ер остидан фойдаланганлик учун солиқ обьекти ва ставкасига қараб ҳисоблаб чиқлади. Солиқ ҳисоби солиқ инспекциясига қўйидаги шаклда тақдим этилади. Мисол.

Шартли “А” корхонанинг 1999 йил 1-чорак учун ер остидан фойдаланганлик учун солиги ҳисоби

Ер остидан фойдаланганлик турлари	Ўлчов бирлиги	Қазиб олинди, ҳажми, узоқлиги	Киймат сўм.	Солиқ ставкаси % сўм	Солиқ суммаси	Илгариги ҳисоб сол.	Тўлашига тегишли
	1	2	3	4	5	6	7
Нефть	тонна	600	60000	17,5%	10500	7875	625

Раҳбар:

Қабул қилдим

Бош ҳисобчи:

инспектор исми шарифи

Солиқ ҳисоби қуидаги давр учун, қуидаги муддатда тақдим этилади.

1. Фойдали қазилмалар қазиб олгани учун ва техноген ҳодисалар учун — ҳар чоракда чораклик ва йиллик ҳисобот топширган кундан кечиктиримасдан.

2. Ер остидан фойдаланганлик учун (ер ости иншоотлари қуриш ва эксплуатация қилиш, коллекцион материаллар ўйғими) бир йилда 1 марта, йиллик ҳисобот топширилладиган кундан кечиктиримай.

Ер остидан фойдаланганлик солигини тўлаш муддатлари:

1. Фойдали қазилмалар қазилганлиги учун ва техноген ҳодисалардан фойдаланиш учун ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20-санасигача. Шу муддаттагача солиқ тўловчи солиқ инспекциясига қазиб олинган фойдали қазилмалар ва техноген ҳодисалар ҳажми тўғрисида ва ҳисобланган солиқ суммаси ҳақида (ҳисобот ойи учун) далолатнома тақдим этади.

Фойдали қазилмалар солиги суммаси ҳақида 1999 йил январ ойи учун далолатнома

Хом ашё	Ўлчов бирлиги	Ҳажми сони майдони	Киймати сўм	Солиқ ставкаси %, сўм	Тўлаши лозим бўлган солиқ, сўм
	1	2	3	4	5
нефть	Тонна	150	15000	17, %	2625

*Раҳбар:
қабул қилдим:*

*Бош ҳисобчи:
Солиқ инспектори:*

2. Минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда (ер ости иншоотлари қуриш ва эксплуатация қилиш, ер ости бўшликларидан фойдаланиш) 1 йилда 1 марта йиллик молия ҳисоботи топширилган кундан бошлаб 10 кун ичида.

3. Бошқа ҳоллатларда (полеонтологик қолдиқлар йифиш ва бошқа колекцион материаллар йифиш) чорак ва йиллик ҳисоботлар топширган муддатда — ҳар чоракда тўланади.

Жисмоний шахслар ер остидан фойдаланганда солиқ идораларига 1 йилда 1 марта солиқ ҳисобини тақдим этадилар ва 1 марта 20 январдан кечиктирмасдан солиқни тўлайдилар.

Солиқ ҳисобланганда юридик шахслар 68-счётни кредитлайди, субсчёт ер остидан фойдаланганлик учун солиқ, дебет 26-“давр харажатлари” билан дебетланади. Солиқ бюджетга ўтказилганда дебет 68, 51-“ҳисоб счёт” кредитланади.

Қайтариш учун саволлар

1. “Ер ости” тушунчаси нимани билдиради ва ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар кимлар?

2. Солиқда тортиш обьектига нималар киради?

3. Солиқ ставкасини ким белгилайди ва ер остидан фойдаланганлик учун солиқдан қандай имтиёзлар олинади?

Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қандай?

8-БОБ. ЭКОЛОГИЯ СОЛИФИ

1. ЭКОЛОГИЯ СОЛИФИ ТЎЛОВЧИЛАР, СОЛИҚКА ТОРТИШ ОБЪЕКТИ ВА СОЛИҚДАН ИМТИЁЗЛАР

Экология солифи тўловчилари бўлиб товарлар ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Ягона ер солифи тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар ва савдо ҳамда умумий овқатланиш ташкилотлари экология солигини тўламайдилар.

Экология солифи бўйича солиқда тортиш обьекти бўлиб маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳисобланади. Банклар ва сурурта идораларида эса жами харажатлар солиқда тортиш мақсадида ишлаб чиқариш таннархи деб аталади.

Воситачилик, таъминлов, тайёрлов ташкилотларида экология солигининг обьекти бўлиб муомала харажатлари ҳисобланади.

Соликқа тортиш мақсадида муомала харажатларига қуидагилар киради:

- а) сотиш харажатлари (мулк солиги, республика йўл фондига ажратма ва 0,5 фоиз пенсия фондига ажратма);
- б) маъмурӣ бошқарув харажатлари;
- в) бошқа операцион харажатлар.

Бу харажатлар 26-счёт “давр харажатлари”да олиб борилади.

Бошқа соҳалар корхоналари учун соликқа тортиш обьекти бўлиб маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг тўлиқ таннархи ҳисобланади.

Соликқа тортиш мақсадида экология солиги ҳисобланадиганда маҳсулот (иш, хизмат) нинг тўлиқ таннархи тушунчасига хўжалик ички оборотидан ташқари ишлаб чиқариш сарфиётлари ҳисобини олиб борувчи счётлар (“асосий ишлаб чиқариш” 23-счётнинг четта хизмат кўрсатиш қисми) да ҳисобга олинувчи ялпи сарфиётлар суммаси олинади.

Банклар ва суғурта ташкилотлари экология солигини кўрсатилган хизматларнинг ялпи харажатлари бўйича ҳисоблайдилар.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасдиқлаган “Тижорат банклари счёт режаларида сметанинг 5-бўлими, “Фоиз харажатлари”. 1996 йил 13 ноябрь, 290-сонли хати.)

Экология солиги муомала харажати ва ишлаб чиқариш таннархига нисбатан 1 фоиздан белгиланган.

Экология солигидан қуидагиларга имтиёзлар берилган.

1. “Нуроний” фонди.
2. Ходимлари умумий сонидан 50 фоиздан кам бўлмаган қисмини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминлов ва тайёрлов фаолиятларидан ташқари) бу соликни тўлашдан озоддирлар.

2. ЭКОЛОГИЯ СОЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ, ҲИСОБНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Солик тўловчилар экология солигини мустақил ҳисоблайдилар. Бу ерда улар солик обьекти ва белгиланган солик ставкасидан фойдаланадилар. Солик ҳисоби қуидагича. Шартли.

“А” корхонанинг 1999 йил 2-чорак учун солиқ ҳисоби

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сумма
1	Маҳсулот (иш, хизматнинг) ҳисобот давридаги ҳақиқий ишлаб чиқариш (муомала хараж.) таннархи	М. Сўм	500
2	Солиқ ставкаси	%	1
3	Солиқ суммаси	М. Сўм	5
4	Ўтган даврдаги ҳисобланган солиқ суммаси.	М. Сўм	2
5	Ҳисобот давридаги бюджетта тўлаши лозим бўлган солиқ суммаси	М. Сўм	3

Раҳбар:

Бош ҳисобчи:

Тўловчининг шахсий счётига ушбу ҳисоб билан 3 минг сўм ёзиб қўйилади.

Солиқ инспектори: фамилияси, исми.

Экология солиги бўйича солиқ ҳисоби чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботлар учун белгиланган муддатда ўсиб борувчи якун билан солиқ идораларига тақдим этилади.

Солиқ ҳисоб тақдим этилган муддатдан кечиктирилмай ҳар чорақда тўланади. Бу ерда бўнак тўловлар йўқ.

Корхоналар ҳар хил турдаги фаолиятлар, яъни ишлаб чиқариш (иш, хизматлар), савдо ва ижтимоий овқатланиш, таъминлов, воситачилик, тайёрлов билан шуғуллансалар, ҳамма турдаги фаолиятдан солиқ тўлайдилар.

Улар фаолият турлари бўйича алоҳида харажатлар ҳисобини олиб боришлари шарт. Корхона бўйича умумхўжалик харажатларини тақсимлаш маҳсулот сотиш тушумига қараб фаолият турлари пропорционал равищда амалга оширилади.

Экология солиги давр харажатларида ҳисобот ойида ҳисобга олиб борилади.

Солиқда тортиш обьекти муомала харажатлари бўлган корхоналарда ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ суммасини ҳисобот давридан кейинги ойнинг давр харажатига киритадилар ва у солиқда тортиладиган базага қўшилмайди.

Ҳисобланган солиқ суммаси 68-счётнинг кредитида “Экология солиги ҳисоби” ва 26-счёт “Давр харажати” нинг тегишли субсчётида дебетланади.

Бюджетга солиқ ўтказилганда 68-счёт дебетланади ва 51-“Ҳисоб счёт” кредитланади.

Қайтариш учун саволлар

1. Экология солигини кимлар тұлайды ва солиқ обьекті нима?
2. Экология солигидан қандай имтиёзлар олинади?
3. Экология солигини ҳисоблашни ким ва қандай амалға оширади?
4. Экология солигини тұлаш муддатлари қандай?

9-БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОЛИФИ

1. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОЛИФИНИ ТҰЛОВЧИЛАР, СОЛИҚ ОБЬЕКТИ ВА СТАВКАСИ

Сув ресурсларидан фойдаланиш солифи тұловчилари бўлиб ўз фаолиятда сувдан фойдаланувчи юридик шахслар ҳисобланади. Сув манбаларининг қаерда жойлашгандыдан қатыи назар, солиқ идораларида рўйхатдан ўтган жойдаги сувдан фойдаланувчилар тўғридан-тўғри солиқ тұлайдилар.

Ягона солиқ тұловчи кичик корхоналар, ягона ер солифи тұловчи қышлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчилар бу солиқни тұламайдилар. Ялпі даромадга солиқ ва мулк солифи тұловчи савдо ташкилотлари ҳам бу солиқни тұламайдилар.

Аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш учун сув берувчи корхоналар фақат ўз фаолиятида фойдаланган сув учун солиқ тұловчилар бўлиб ҳисобланади.

Ер усти ва ер ости манбаларидан ишлаб чиқариш ва техникавий мақсадларга фойдаланиш учун олинган сув ресурслари ҳажми (куб. м.), яъни юридик шахслар томонидан фойдаланилган сув ресурсларининг жами ҳажми солиққа тортиш обьекти бўлиб ҳисобланади.

Ер усти манбаларига: дарёлар, күллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, каналлар ва ҳавзалар турлари киради.

Ер ости манбаларига: артезиан құдуқлари ва скважиналар, вертикал ва горизантал дренаж тармоқлари киради.

Сув ресурсларидан фойдаланиш солифи ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. ДСҚ ҳамда Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда солиқ тұловчиларга етказилади.

Сувдан фойдаланувчилар турларига қараб солиқ ставкаси ер усти ва ер ости манбаларига алоҳида-алоҳида белгиланган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 554-сонли 1999 йил 31 декабрь қарорига биноан 2000 йил учун сувдан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси қуйидагича белгиланган:

№		Куб.метр.га ставка (тийин)	
		Устки манбалардан олинган сув ҳажмита	Ер ости манбалардан олинган сув ҳажмита
1	Иқтисодиётнинг ҳамма соҳалари учун	189,2	240,2
2	Электростанциялар	54	81,1
3	Коммунал хизмати корхоналари	104, 4	135, 2
4	Ягона ер солиги тўлашта ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари	9,0	12,0

2. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОЛИГИДАН ИМТИЁЗЛАР

Сув ресурсларидан фойдаланиш солигидан куйидаги юридик шахслар озод этиладилар:

1. Тижкорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар (нотижорат), тадбиркорлик фаолияти учун сув ресурсларидан фойдаланувчилар бундан мустасно.

2. Ер ости маъданли сувларидан даволаш мақсадида фойдаланувчи соғлиқни сақлаш муассасалари, улар маъданли сувдан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланган ҳоллар бундан мустасно.

3. Фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи ва сувдан дори воситалари тайёрлаш учун фойдаланувчи юридик шахслар.

4. Атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олиш мақсадида ер ости сувларини чиқазиб олаётган юридик шахслар ана шу ер ости сувлари учун ишлаб чиқариш ва техника мақсадлари учун фойдаланадиган сув ҳажмлари бундан мустасно.

5. Сув учун бюджетта ҳақ ўtkazgan юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар.

6. Фойдали қазилмалар қазиб олиш ва шахтадан сувларни қочириш вақтида ер ости сувлари чиқазиб олган юридик шахслар ана шу ер ости сувлари учун, ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёjlари учун фойдаланилган сув ҳажмлари бундан мустасно.

7. Гидроэлектростанциялар агрегатларни ишлатишда сувдан фойдаланганилик учун.

8. Бирламчи тарзда фойдаланганилик учун ҳақи тўланган сувдан иккиласмачи фойдаланувчи юридик шахслар.

9. Асосий фаолияти бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириувчи юридик шахслар шўрланган ерларни ювиш

мақсадида сувдан фойдаланғанлык учун — ягона ер солиги тұловчилардан ташқари.

10. Ишловчиларнинг умумий сонининг камида 50%ини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар, воситачилик, тарьминот-сотиши ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи-лар бундан мустасно.

11. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил Яримой жамияти, "Нуроний" жамғармаси.

Бу маблағлар белгиланишига қараб фойдаланилмаса солиқ бюджетте белгиланған тартибда олиб қўйилади.

3. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОЛИГИНИИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ МУДДАТЛАРИ

Сув ресурсларидан фойдаланғанлык учун солиқ юридик шахслар томонидан ҳақиқий олинган сув ҳажмига қараб ҳисоблаб чиқилади. Солиқ ҳисоби солиқ идораларига чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботлар топширилган муддатда тақдим этилади.

Чет эл инвестицияси билан тузилган корхоналар — солиқ тұловчилар сув ресурсларидан фойдаланиш солиги ҳисобини бир йилда 1 марта йиллик молиявий ҳисобот топширган муддатда тақдим этиладар.

Солиқ ҳисоби қуйидаги шаклда тузилади: шартли “А” корхонанинг (саноат) 1999 йил 1-ярим йиллик учун сув ресурсларидан фойдаланғанлык солиги ҳисоби.

Кўрсаткичлар	Үлчов бирлиги	Ҳажми		
		Ер устки манбалар	Ер ости манбалар	жами
1 Ҳисобот даврида олинган умумий сув ҳажми	Куб.м	460000	200000	660000
2 Солиқ солищдан озод этилган сув ҳажми	Куб.м	10000	—	10000
3 Ҳисобот даврида солиқда тортиладиган сув ҳажми	Куб.м	450000	200000	650000
4 Солиқ ставкаси	Тийин	94,6	121, 6*	*
5 Ҳисобот даврида тўланиши лозим бўлган солиқ	Сўм	425700	243200	668900
6 Ҳисобот даврида илгари ҳисобланган солиқ	Сўм	400000	240000	640000
7 Ҳисобот даврида кўшимча ҳисобланди.	Сўм	=25700	=3200	28900

Раҳбар:

Бош ҳисобчи:

Қабул қилдим. Ушбу ҳисоб бўйича солиқ тўловчи шахсий счётига 28900 сум кўчирилди.

Солиқ инспектори: фамилияси.

Солиқ тўлаш муддатлари:

1. Солиқ тўловчилар солиқни ҳисобот ойидан сўнгти ойнинг 15-санасига қадар ҳар ойда ҳақиқий олинган сув ҳажмидан келиб чиқиб тўлайдилар.

2. Сувдан фойдаланганлик учун солиқ суммаси корхоналарда чорак учун 50 минимал иш ҳақидан кам бўлган суммани ташкил этса, 1-чорақда 1 марта чораклик молия ҳисоботлари топширадиган муддатда тўлайдилар.

Солиқ тўловчилар рўйхатдан ўтган солиқ инспекциялирига жорий йилнинг 15 январига қадар сув олиш шартномаси ёки белгиланган лимитга биноан солиқ тўлаш тўғрисида билдириш топширадилар.

Ягона ер солиги тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари солиқни 1 марта йилига ҳисобот йилининг 15 деқабригача тўлайдилар.

Йил тугаши билан ҳамма солиқ тўловчилар йиллик молиявий ҳисобот топшириш муддатида солиқ инспекциялирига солиқ суммаси ҳисобини топширадилар.

Солиқ кам тўланган бўлса солиқ ҳисоби тақдим этилгандан сўнг беш кун ичида кам тўланган солиқ суммасини бюджетга тўлашлари шарт. Солиқ кўп тўланган бўлса, бошқа солиқ ва йиғимлардан корхона қарзи бўлмаса, унинг ёзма аризаси билан 30 кун ичида қайтариб берилади ёки кейинги тўловларга ўтказилади.

Ҳисобланган солиқ суммаси 68-счёт “сувдан фойдаланганлик учун солиқ” субсчётида кредитланади, 26-счёtnинг субсчётида дебетланади.

Солиқ суммаси бюджетта ўтказилганда 68-счёт дебетланади, 51-счёт кредитланади.

Қайтариш учун саволлар

1. Сув ресурсларидан фойдаланиш солигини кимлар тўлайди ва солиқ обьекти нима?

2. Солиқ ставкасини ким белгилайди ва нималарга қараб гуруҳланади?

3. Солиқдан қандай имтиёзлар олинади?

4. Сув ресурсларидан фойдаланиш солигини ҳисоблаш тартиби қандай ва тўлаш муддатлари қачон амалга оширилади?

10-БОБ. КИЧИК КОРХОНАЛАРНИНГ ЯГОНА СОЛИФИ

1. КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН ИХЧАМЛАШГАН СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИГА ЎТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси олдида турган қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда, шу жумладан, бозорларни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик тизимининг муҳим таркибий қисми бўлмиш кичик бизнеснинг аҳамияти бекёёсdir.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда давлатнинг катта ёрдами туфайли кичик бизнес корхоналари ўзининг катта имкониятларини ишга солиши мумкин. Уларга давлат ёрдам бериши, кафолатлашдан ташқари ихчамлашган солиққа тортиш тизимига ўтишга рухсат беришлик — уларни ташкил қилиш, молия-хўжалик фаолиятини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ихчамлашган солиқ тизимининг аҳамияти жуда каттадир. Бу фақат солиқларнинг ихчамланганлигига эмас, балки ҳисоб ходимлари учун вақт ва пул ҳаражатини камайтириш, солиқлар ва йигимлардан тўланадиган молиявий жазоларни камайтириш имконини беради.

Кичик корхоналар учун илгариги умумдавлат ва маҳаллий солиқлар, йигимлар ўрнига ягона солиқнинг ўрнатилиши солиқ ҳисоби тузишни осонлаштириди, илгариги кўп солиқ ҳисоблари ва далолатномалар ўрнига ягона солиқ ҳисоби бериладиган бўлди.

Ақиззга тортилган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар акциз солифини ҳам тўлайдилар.

Солиқ ҳисоби оддий ва тушунарли бўлиб, бор-йўғи 6 кўрсаткичдан иборат.

Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлашга ўтиш ихтиёрийдир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик корхоналар учун ихчамлашган солиққа тортиш тизимига ўтишни кўллаш” тўғрисидаги Қарорига амал қилинади (1998 йил 15 апрель, 159-сон).

Ихчамлаштирилган солиқ тўлашга ўтган кичик корхоналар учун қуийдаги тўловларни тўлаш тартиби сақланиб қолинган:

- акциз солифи;
- бож тўловлари;
- давлат божи;
- бюджетдан ташқари фондларга тўловлар (пенсия фонди, бандлик ва йўл фондлари);

- биржя битимлари йиғими;
- маҳсус товарларни сотиш ҳуқуқи олиш лицензия йиғими;
- маҳаллий аукционлар ва лотореялар ўтказиш ҳуқуқи олиш лицензия йиғими;
- савдо қилиш ҳуқуқи олиш йиғими;
- автотранспорт турар жойи йиғими;
- отчопарда чопиши ва ютуқ олиш йиғимлари;
- кино ва телевидениега суратга тушириш йиғимлари.

Кичик бизнес корхоналарининг ягона мезони бор, у ҳам бўлса улардаги ишловчилар сонидир. Унга қараб кичик бизнес мақомига киришнинг қўйидаги меъёрлари белгиланган.

Микрофирмаларда:

- ишлаб чиқариш соҳалари учун 10 кишигача;
- савдо, хизмат ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — 5 кишигача.

Кичик корхоналарда:

- саноатда —40 кишигача;
- қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида — 20 кишигача;
- фан, илмий یズланиш, чакана савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — 10 кишигача ишловчи бўлиши керак.

2. ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР, СОЛИҚКА ТОРТИШ ОБЪЕКТИ ВА СТАВКАЛАРИ

Корхонада ишловчилар сони чекланган меъёрдан ошмаган юридик шахслар ягона солиқ тўловчилари бўлиб ҳисобланади. Бунга фаолият кўрсатувчи ҳамма мулкий шаклдаги корхоналар киради. Демак, кичик корхона меъёри фақат ишловчилар сонигагина қарабиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ва даромад миқдори эътиборга олинмайди. Шу ердан кўриниб турибдики, давлат кўп маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлар, хизматлар бажарувчи кичик корхоналарни иктиносидий рағбатлантиради.

Шу билан бирга корхоналардаги ишловчилар сонига шартнома бўйича ишловчилар ва фуқаро ҳукуқий шартномалари бўйича ишловчиларни ҳам киритиш тартиби белгиланган.

Кўйидаги ҳолатда корхоналар ягона солиқ тўловчи бўла олмайдилар:

Корхоналарда ишловчилар сонидан 50 фоиздан ортиғи ни ногиронлар ташкил этса.

Ягона солиқнинг объекти икки гуруҳга бўлинган:

- савдо ташкилотлари (харид қилувчи, воситачилик, улгуржи-таъминлов, таъминлов) учун — ялпи даромад;
- иқтисодиётнинг бошқа соҳалари учун — ялпи тушум.

Савдо ташкилотларининг ялпи даромади таркибиға қуийдагилар киради:

- а) товарларнинг сотиб олиш ва сотиш ўртасидаги қиймат фарқи;
- б) молиявий фаолиятдан даромадлар ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари киради.

Иқтисодиётнинг бошқа соҳа корхоналари ялпи тушуми таркибиға қуийдагилар киради:

- а) товарлар(ишлар, хизматлар) сотищдан олган ва мулклар сотгандан олган тушум;
- б) молиявий фаолиятдан олган даромадлар ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари киради.

Ягона солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йилги бюджет кўрсаткичлари тасдиқланаётганда берилиб борилади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сонли Қарори билан кичик корхоналарга 2000 йил учун қуийдаги солиқ ставкаси белгиланган:

Савдо (харид қилиш, воситачилик, улгуржи-таъминлов, таъминлов) корхоналарига — ялпи даромадга нисбатан 25 фоиз.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига — тушумга нисбатан 5 фоиз.

Иқтисодиётнинг бошқа соҳа корхоналарига 10 фоиз ставкада солиқ солиш жорий этилган.

Ягона солиқ суммаси маҳаллий бюджетларга ўтказилиб, “Хамма мулк шаклидаги кичик корхоналар учун ягона солиқ” деган 17-бўлимга ёзилади ва у қуийдаги параграфларга код бўйича ажратилади:

1. Савдо корхоналари учун ягона солиқ.
2. Қишлоқ хўжалик корхоналари учун ягона солиқ.
3. Иқтисодиётнинг бошқа соҳалари учун ягона солиқ.

Ягона солиқ тўлашга ўтишни истаган корхоналар чорак бошланишидан бир ой олдин рўйхатдан ўтган солиқ идораларига ёзма ариза беришлари керак.

Корхоналарни ягона солиқка ўтказиш тўғрисида ёки асосланган тарзда ундан бош тортиш тўғрисидаги қарор солиқ идоралари томонидан ариза берилган кундан эътиборан 15 кун ичида амалга оширилиши лозим.

3. ЯГОНА СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ВА БЮДЖЕТГА ТҮЛАШ ТАРТИБИ

Кичик корхоналарнинг ягона солиғи ҳар чоракда қуийдаги оддий шаклда тузилади.

Мисол шартли: “A” саноат корхонасининг 1999 йил I ва II чорак солиқ ҳисоби

№	Кўрсаткичлар	Корхона маълумоти	
		1-чорак	2-чорак
1	Ялпи тушум жами	500	1100
2	Ягона солиқ ставкаси, %	10	10
3	Ягона солиқ суммаси	50	110
4	Илгарити давр учун ҳисобланган ягона солиқ	—	50
5	Қўшимча тўлашга тегишли(3-4 сатр)	50	60
6	Камайтиришга тегишли	—	—

Кичик бизнеснинг ягона солиғи бюджетга ҳар чоракда чораклик ва йиллик ҳисботлар учун белгиланган муддатда тўланади.

Бўнак тўловлар бўлмайди.

Солиқ тўловчи кичик корхоналар ягона солиқни тўғри, тўлиқ ҳисоблаш ва бюджетга солиқ қонунчилиги бўйича ўтказиш жавобгарлигини оладилар.

Ҳар бир солиқни ўз вақтида тўламаган кун учун (боқимандага) 0, 15 фоиз боқиманда суммасидан пеня тўлайдилар.

Ялпи даромадни ёки тушумни камайтириш (яшириш) солиқ обьектини камайтириш (яшириш) деб қаралади ва тегишли молиявий жазоларга тортилади.

Қайтариш учун саволлар

1. Ягона солиқка ўтишнинг аҳамиятлари қандай? Қандай корхоналар ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин?
2. Қандай корхоналар ягона солиқ тўловчилари бўла олади? Солиқка тортиш обьекти нималардан иборат?
3. Солиқ ставкаларини ким белгилайди, нималарга боғлиқ? Солиқ қайси бюджетга тушади?
4. Ягона солиқни ҳисоблаш учун қандай кўрсаткичлар керак? Солиқ қайси давр учун ҳисобланади?
5. Ягона солиқ қайси муддатда бюджетга ўтказилади?

11-БОБ. САВДО ВА (ИЖТИМОЙ) УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

1. САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИГА ҚАРАБ ГУРУҲЛАНИШИ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Савдо ташкилотлари фаолият турига қараб улгуржи, чакана савдо ва овқатланиш корхоналарига бўлинади. Улар статистика идораларида рўйхатдан ўтган бўладилар. Уларнинг ҳар бирига ўша рўйхатдан код белгиланган. Уларнинг коди 71000 — 72100 гачадир.

Мулк шаклига қараб: хусусий, акциядорлик ва давлат савдо ташкилотларига бўлинади.

Демак, савдо ташкилотларини солиққа тортиш масалаларини ечишда корхоналарнинг коди ва фаолият турига эътибор берилади.

Савдо ташкилотларида муомала харажатларини камайтиришга қизиқиши ошириш мақсадида уларнинг солиқларини ихчамлаштириш, солиқларнинг тўлиқ тушишини ташкил қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Савдо ва ижтимоий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” деган Фармони қабул қилинди.

Шу Фармонга биноан савдо ва ижтимоий овқатланиш корхоналари 1999 йил 1 январдан бошлаб қўйидаги умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўлашдан озод этилди:

- Экология солиғи;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Ер солиги;
- Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- Бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Савдо ва ижтимоий овқатланиш ташкилотлари учун 1999 йил 1 январдан бошлаб қўйидаги солиқ ва тўловларни тўлаши сақланиб қолинди:

- Ялпи даромад солиги;
- Мол-мулк солиғи;
- Давлат божи;

Лицензия йиғимлари:

— Бюджетдан ташқари фонdlарга ажратмалар (пенсия, бандлик, йўл фонди ва мол-мулк қўмитасига ажратмалар).

Солиқ тизимини савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ихчамлаштирилганлиги ҳисоб-китоб ишларини анча

камайтиради, солиқларни ўз вактида тўлиқ тўлаш имкониягини яратади.

2. СОЛИҚНИ ТЎЛОВЧИЛАР, СОЛИҚ ОБЪЕКТИ ВА СТАВКАЛАРИ

Ялпи даромадга солиқ тўловчилар — ҳамма савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, чет эл инвестицияси билан тузиленган кўшма ва ижтимоий овқатланиш корхоналаридир.

Ялпи даромадга солиқ тўлашнинг асосий мезони бўлиб давлат статистикаси идораларида рўйхатдан ўтган китобчадаги фаолият коди ҳисобланади.

Ялпи даромадга солиқ объекти бўлиб корхонанинг ялпи даромади ҳисобланади.

Ялпи даромад таркибига қуйидагилар киради:

1. Даромадлар:

а) сотилган товарларнинг сотиб олиш ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ;

б) операцион даромадлар;

в) молиявий фаолиятнинг даромадлари ва харажатлар қиймати қолдиги;

г) фавқулодда даромадлар.

2. Тикланадиган харажатлар:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг учёт ставкалари атрофида ва ундан ортиқ тўланган ссудалар ва заёмлар фоизи;

б) қимматли қофозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар.

Тўлов манбаида солиқقا тортилиб олинган дивиденdlар ва фоизлар ялпи даромаддан чегириб ташланади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ўзлари дивиденdlари ва фоизлари (банкка кредит фоизидан ташқари) умумий белгиланган тартиб бўйича солиқقا тортилади. Банк кредитининг фоизи тўланаётганда солиқ олинмайди. Уларнинг фоизи банкнинг даромадларига қўшилиб солиқقا тортилади.

Ялпи даромадга солиқ дифференциялашган ставкалар бўйича (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 июнь қарори) қуйидаги мезонларга қараб белгиланади:

а) корхона фаолияти тури (улгуржи ва чакана савдо, ижтимоий овқатланиш);

б) корхонанинг даромадлилик даражаси, ялпи даромаднинг товар оборотига нисбати билан аниqlанади;

Солиқقا тортиш мақсадида даромадлилик даражаси аниқланаётган товар обороти таркибиң қуидаги счётларнинг кредити киради:

- маҳсулот реализацияси (46);
- асосий воситаларни сотиш ва бошқа чиқимлар (47);
- бошқа активлар реализацияси;
- фойда ва зарар — (80)-счётнинг жарималар, пенялар ва қатъиятсизликдан олинган суммалар.

Даромадлилик даражасини белгилаётганда консигнация асосида товар реализациясини амалга оширувчи ҳамда комитетларга комиссия шарти билан нақд пул бериш каби товар сотища ҳақиқий товар оборотига товар қийматининг сотиш баҳоси киритилади. Бир неча турдаги фаолият билан шуғулланувчи корхоналар (улгуржи ва чакана савдо, ижтимоий овқатланиш) тегишли фаолият турларига мос тушувчи солиқ ставкаларида солиқ тўлайдилар.

Агар савдо ва ижтимоий овқатланиш корхоналари савдо фаолиятидан ташқари яна маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғуллансалар, ишлаб чиқариш фаолияти бўйича алоҳида ҳисоб юритиб, ҚҚС ва фойдага (даромадга) солиқ тўловчилари ҳам бўладилар.

Савдо ва ижтимоий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромадга дифференциал солиқ ставкаси қуидагича белгиланган.

Солиқ ставкаси белгиланган даромадлилик даражасидан ошган қисмига қўлланилади. 2000 й. 1 июлдан бошлаб улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари даромадлилик даражаси 20 фоизгача бўлса шаҳар жойларида 20 фоиз, қишлоқ жойларида 15 фоиз, 20 фоиздан ошса 30 фоиздан солиқ тўлайди. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 й. 24 июнь Қарори.)

Даромадлилик	Корхонанинг даромадлилик даражаси		Солиқ ставкаси (ялпи даромадга нисбатан)		
Даромадлилик:	Улгуржи ва чакана савдо	Ижтимоий овқатланиш	Шаҳар жойларда	Қишлоқ жойларда	Узоқ ва тогли жойларда
гача	18	40	22	17	15
Ортиғи	18	40	50	50	50

3. ЯЛПИ ДАРОМАДГА СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ВА ТҮЛАШ МУДДАТЛАРИ

Ялпи даромадга солиқ суммаси солиқ түловчилар томонидан ялпи даромад миқдори, даромадлилик даражаси ва белгиланган солиқ ставкасига қараб ҳисоблаб чиқилади.

Шаҳарда жойлашган чакана (улгуржи) савдо ташкилотининг ялпи даромадига солиқ ҳисоби (1999 йил май учун)

	Кўрсаткичлар	Солиқ түловчи маълумоти	Солиқ идораси маълумоти
1.	Ҳисобот ойининг товар обороти	10000	10000
2.	Ялпи даромад	1000	2000
3.	Даромадлилик даражаси (2:1сатрX100)	10	20
4.	Солиқ ставкаси		
	18% даромадлиликкача	22	22
	18%дан ортиқ даромадлилик	50	50
5.	Солиқка тортиш базаси		
	18% даромадлиликкача	1000	1800
	18 % даромадлиликдан ортган қисми	—	200
6.	Солиқ суммаси		
	22% ставкада	220	396
	50% ставкада	—	100
	Жами	220	496
7.	Бўнак тўланган солиқ суммаси	100	100
8.	Қўшимча ҳисобланди	120	396
	Камайтиришга тегишли	—	—

Қишлоқда жойлашган чакана (улгуржи) савдо ташкилотларининг 1999 йил май ойи учун солиқ ҳисоби

	Кўрсаткичлар	Солиқ түловчи маълумоти	Солиқ идораси маълумоти
1.	Ҳисобот ойининг товар обороти	10000	10000
2.	Ялпи даромад	1000	2000
3.	Даромадлилик даражаси (2:1сатрX100)	10	20
4.	Солиқ ставкаси		
	18% даромадлиликкача	17	17

	18%дан ортиқ даромадлилик	50	50
5.	Солиққа тортиш базаси		
	18% даромадлиліккөчө	1000	1800
	18 % даромадлиліккөчөн орттан қысмі	—	200
6.	Солиқ суммаси		
	22% ставкада	170	306
	50% ставкада	—	100
	Жами	170	406
7.	Бүнак тұланған солиқ суммаси	90	90
8.	Құшымча ҳисобланған	80	316
	Камайтиришта тегишли	—	—

Ялпи даромадға солиқдан солиқ ҳисоби ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай солиқ идораларига тақдим этилади.

Солиқ тұловчилар солиқ суммасини солиқ ҳисоби топшириш белгиланған кундан ҳар ойда (15-сана) кечиктирмай бюджеттеге тұлайдилар.

Ҳисобланған солиқ суммаси 68-счёт кредит “Ялпи даромадға солиқ” субсчётида ва дебет 81-“Фойда (даромад)дан тұланған солиқтар” счётига ёзилади.

Солиқ тұланғанда эса 51-“ҳисоб счёт” кредит, 68-счёттинг субсчётига дебет бўлади.

Солиқни тұғри ва тұлық ҳисоблаш ҳамда тұлаш жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича солиқ тұловчилар зиммасига юклатилган.

Қайтарыш учун саволлар

1. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қандай фоялиятларига қараб гурухланади?
2. Савдо ташкилотларыда солиқ тизимини такомиллаштиришдан сүнг қандай солиқ ва йиғимларни тұлаш сақланиб қолди?
3. Солиқ тұловчилар кимлар, солиқ обьектига нималар киради ва қандай солиқ ставкалари мавжуд?
4. Ялпи даромад солигини ҳисоблаш қандай тартибда бўлади ва солиқ тұлаш муддати қачон амалга оширилади?

12-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИНИНГ ДАРОМАДИ (ФОЙДАСИ)НИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

1. ДАРОМАДГА (ФОЙДАГА) СОЛИҚ ТҮЛОВЧИ – НОРЕЗИДЕНТ ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ

Даромадга (фойдага) солиқ түловчилар Ўзбекистон Республикаси худудида даромад (фойда) олувчи норезидент – юридик шахслардир.

Солиқ түловчи норезидент – юридик шахс доимий муассасаси орқали Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатиб, шу ердаги манбалардан олган фойда (даромад) дан солиқ түловчилар ҳисобланади.

Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган норезидент даромади (фойдаси) Ўзбекистон Республикасида бўлса тўлов манбаида солиққа тортилади.

Чет эл юридик шахсларининг солиқлар ва йигимлар бўйича харажатларини тўлашни солиқ түловчилар чет эл юридик шахслари билан тузилган шартномаларга қўшиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Даромадга (фойдага) солиқ түловчилари бўлиб Ўзбекистон Республикаси манбаларидан доимий муассасаси орқали даромад олиб тадбиркорлик билан шугулланаётган, чет эл давлатлари қонунчилиги асосида тузилган чет эл юридик шахслари ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида доимий муассаса тушунчаси Ўзбекистон худудида даромад олиш мақсадида фаолият кўрсатаётган ҳар қандай жой ҳамда ҳар қандай ташкилот ёки ваколатли функцияни бажараётган жисмоний шахсдир.

“Доимий муассаса” ўз ичига: бошқарув ўрни, бўлим,офис, идора, фабрика, устахона, шахта, нефть ёки газ кувури, тош кесиш ёки ҳар қандай фойдали қазилмалар қазиб олувчи жойларни олади. Бу тушунчага яна курилиш майдонлари, курилиш, монтаж ва йигиш объектлари ёки техника надзори бўйича фаолиятлар ҳам киради.

Чет эл инвестицияси билан тузилган корхонанинг таъсисчисидан бири бўлган чет эл юридик шахси ўз-ўзидан юридик шахснинг доимий муассасасини ташкил этмайди.

Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган корхоналар филиаллари (шўъба корхоналари) юридик шахснинг доимий муассасаси ҳисобланмайди, балки мустақил солиқ тўловчидир.

Чет эл юридик шахси ўз филиалига ваколатли вазифани юкласа у филиал ҳам, мустақил солиқ тўловчи ҳам доимий муассаса ҳисобланади.

Нотижорат мақсадларида Ўзбекистон худудидаги чет эл юридик шахсининг ўрни “доимий муассаса” деб қабул қилинмайди.

2. ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИНИНГ ДОИМИЙ МУАССАСАЛАРИНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИДОРАЛАРИДА ҲИСОБГА ОЛИШ

Чет эл юридик шахсларининг доимий муассасаси Ўзбекистон қонунчилиги ва халқаро Битим (шартнома) бўйича солиқка тортилиш ва тортилмасликдан қатъи назар, давлат солиқ идораларида ҳисобдан ўтишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахсининг бир қанча доимий муассасаси бўлса, ҳар бири ўзи жойлашган маҳаллий солиқ идораларида ҳисобдан ўтадилар.

Чет эл юридик шахсининг ҳар бир муассасаси солиқ идоралари томонидан ҳисобга олинганда солиқ тўловчига биттадан рўйхат (идентификацион) рақам берилади.

Доимий муассасани солиқ идорасида ҳисобга олишдан бош тортган чет эл юридик шахсига унинг доимий вакили, яъни доимий муассасаси орқали Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тегишли жарима жазолари қўлланлади.

Доимий муассасалар Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига биноан олинаётган жами даромад ва тегишли чегирмаларни ҳисобга олиш имкониятини берувчи бухгалтерия ҳисобини юритадилар.

Чет эл валюталарида амалга оширилган хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг операциялари амалга ошган пайтдаги курси билан “сўм”га қайта ҳисобланиб чиқилади.

Ҳамма бухгалтерия ёзувлари, тегишли хужжатлар, шу жумладан, чет эл фирмасининг Ўзбекистон Республикаси контрагентлари билан шартномалари доимий муассаса иштирокида, банк счётидан кўчирмалар ва бошқа биринчи хужжатлар, счёtlар ва ҳисоб шакллари орасида аниқ ва оддий алоқа бўлиши зарур.

Нақд пулли тўловлар ҳам тегишли бирламчи хужжатлар билан тасдиқланиши зарур.

Бош офисдан доимий муассасага берилган мулклар кеянгиси томонидан транспорт ва ўрнатиш харажатлари, бож тўловлари ва бошқа сарфиётларни бош офисдаги мулк қийматига кўшиб ҳисобга олиш зарур.

Доимий муассасанинг ҳисоб маълумотлари ўзида асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган амортизация, тайёр маҳсулот, ишлаб чиқариш заҳиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати кўрсатилган ахборотларни акс эттирган бўлиши керак.

3. ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСИ ДАРОМАДИННИГ СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН БАЗАСИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

Солиққа тортиладиган базани белгилаш икки усул билан олиб борилади:

тўғри усул ва ҳисобли усул.

Тўғри усулда солиққа тортиладиган даромад (фойда) доимий муассасанинг Ўзбекистонда олган жами даромади билан чет эллик юридик шахснинг Ўзбекистондаги фаолияти билан боғлиқ бўлган чегирмалари, шу жумладан, Ўзбекистон ва чет элда амалга оширилган бошқарув ва маъмурий харажатларни кўшиб, фарқи сифатида белгиланади.

Иккинчи ҳисоб усулида солиқ базасини аниқлаш қийин бўлганда шу даромадни олишдаги харажатлар салмоғига нисбатан қилиб ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Солиққа тортиладиган даромад (фойда) ни ҳисоблаш ҳисобот йили учун солиқ тўловчи томонидан ўзларининг солиқ идораларига топширадиган даромадлар ва харажатлар декларациясига биноан солиқ идораларида амалга оширилади.

4. ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСИНИНГ ДОИМИЙ МУАССАСАСИНИ ДАРОМАД (ФОЙДА)ГА СОЛИФИ ҲИСОБИ ВА ТЎЛОВ МУДДАТИ

Доимий муассаса орқали Ўзбекистонда фаолият кўрса-таётган чет эл юридик шахси йиллик бухгалтерия ҳисоботини белгиланган муддатда доимий муассаса жойлашган жойдаги солиқ идорасига топширади ва Ўзбекистондаги фаолияти характеристи ҳақида ҳисобот ва даромадлар ҳамда харажатлар тўғрисида декларация топширади.

Бу декларацияда умумий олган даромадлар суммаси, фаолият турлари бўйича ва умумий харажатлар, шу жумладан, фаолият турлари бўйича харажатлар кўрсатилган бўлади. Шу ерда солиққа тортиладиган сумма даромадлар ва харажатлар фарқи сифатида аниқланади.

Календарь йили тугагунга қадар фаолият тұхтатилаёттан бўлса, шу даврдан бир ой олдин юқоридаги хужжатлар тақдим этилиши шарт.

Даромадлар ва харажатлар тұғрисида солиқ декларацияси қабул қилингандан бошлаб 10 күн ичіда солиқ идораси чет эл юридик шахсининг даромад (фойда) солиғини ҳисоблайды ва тұлов хабарномасини ёзіб юборади. Үнда солиқни тұлаш муддати тұлов хабарномасини ёзган кундан бошлаб бир ой ичіда ҳисобланади.

Тұлов хабарномасининг корешоги шахсий счёtlар карточкаларини юритиш асоси бўлади.

Даромадга (фойдага) солиқ солиқ идоралари томонидан “сўм”да ҳисобланади, юридик шахснинг доимий муассасаси томонидан ёки чет эл юридик шахсининг ўзи томонидан тұлов хабарномасида кўрсатилган муддатда тұланади. Солиқ тұловчининг хоҳиши билан солиқни чет эл валютасида ҳам тұлаши мумкин. Бунда чет эл валютасининг тұлови Марказий банкнинг ўша кундаги курси билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият кўрсатувчи чет эл юридик шахсининг солиққа тортиладиган даромади (фойдаси) 31 фоизли ставка билан солиққа тортилади.

Ҳисобланган ва тұлаш лозим бўлган чет эл юридик шахсининг даромадга солиғига кўшимча чет эл юридик шахсининг доимий муассасаси қилган ҳар бир даромад суммасидан чет элга ўтказилаёттан миқдорининг 10 фоизи ҳисобида солиқ тұланади.

Ўзбекистон резиденти томонидан чет элга экспорт маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) учун маблағ ўтказилаётгандан юридик шахснинг доимий муассасаси 10 фоизли миқдорда солиқ тұламайди.

Даромадга (фойдага) солиқ суммаси ҳисоб-китоб қилинаётганды чет эл юридик шахсининг чет элда тұлаган солиғи Ўзбекистонда ҳисобға олинмайди.

5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАНБАИ БЎЛГАН ДОИМИЙ МУАССАСА БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИНИНГ ДАРОМАДИ (ФОЙДАСИ)НИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

Чет эл юридик шахсининг (норезидент) доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромади (фойдаси) тұлов манбасида жами даромадлар бўйича солиққа тортилади ва ҳеч қандай чегирмалар берилмайди.

— Дивиденdlар ва фоизлар учун — 15%;

— сұғурталаш ва қайта сұғурталаш бүйічә сұғурта муносабатлари учун — 10%;

— Ўзбекистон билан бошқа давлатлар ўртасыда ҳалқаро алоқалар, телекоммуникация ва транспорт хизматлари (фрахта) учун — 6%;

— роялти, ижара бүйічә даромадлар, хизматларни күрсатыпдан даромадлар, инвестиция бериш ва б. даромадлар учун — 20% солиқ ставкалари белгиланган.

Чет эл юридик шахсининг доимий муассасаса билан бөглиқ бўлмаган даромадидан солиқ даромади (фойда) тўловчи корхона томонидан ушланади ва бюджетта тўланган ва-лютада ўтказилади.

Даромадга солиқни тўғри ушлаш ва бюджет даромадига ўтказиш жавобгарлиги даромад (фойда) тўловчи юридик шахс зиммасидадир. Даромад солиғи тўловчи юридик шахс солиқ суммасини ушлаб қолмаган бўлса, ушланмаган солиқ суммаси ва у билан бирга жарима ва пеняни тўлайди. Чет эл юридик шахсларига даромад (фойда) тўловчи юридик шахс:

— тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг 5 куни ичида солиқни бюджетта ўтказишга, молия йили тугаши билан рўйхатдан ўтган солиқ идорасига ҳамда даромад олувчи юридик шахсларга уларнинг талабига биноан далолатнома тақдим этишга, шу далолатномада шахсларнинг рўйхат номери, номи, ҳисобот йилидаги жами даромадлар суммаси ва жами ушланган солиқ суммаси кўрсатилган тарзда берилишига жавобгардирлар.

Халқаро битим (шартнома) асосида солиқдан имтиёзга эга бўлган чет эл юридик шахси солиқ идораларига уни тасдиқловчи расмий тасдиқнома тақдим этиши керак.

Солиқ суммасини камайтириш ёки ундан озод қилиш тўғрисидаги ариза солиқ идораларига солиқ тўлашдан олдин тақдим этилади.

Қайтариш учун саволлар

1. Қандай чет эл норезидент юридик шахслари даромад (фойда)га солиқ тўловчилар бўла олади?

2. Чет эл юридик шахсларининг доимий муассасаларини солиқ идоралари қандай ҳисобга оладилар?

3. Чет эл юридик шахсларининг солиққа тортиладиган базаси қандай аниқланади?

4. Чет эл юридик шахслари доимий муассасаси даромадига солиқ ҳисоботи ва тўлов муддати қандай?

5. Доимий муассаса билан бөглиқ бўлмаган чет эл юридик шахслари — норезидентларни солиққа тортиш тартиби қандай?

III БЎЛИМ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР СОЛИҚЛАРИ

1. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР СОЛИҚЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ВА ТУЗИЛМАСИ

Жисмоний шахслар юридик шахс мақомини олмаган шахслардир. Бундай шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлари фуқаролари киради.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчилар юридик шахслар ва жисмоний шахсларга бўлинган. Иккинчи бўлимда қайд қилинганидек, давлат бюджети даромадларининг 80 фоизидан кўпроғини юридик шахслар тўлайди. Жисмоний шахслар солиқ ва йиғимлари эса қарийб бюджет даромадининг 20 фоизга яқинини ташкил этади.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг хусусияти шундан иборатки, солиқ жисмоний шахснинг тўғридан-тўғри ўз даромадидан олинади, солиқлар ва йиғимлар асосан нақд пул тўлаш йўли билан бюджетга ўтказилади.

Шундай экан, бу ерда солиқ тўловчи жисмоний шахс билан солиқ ундирувчи ўртасида тўғридан-тўғри пул муносабати мавжуд.

Шунинг учун жисмоний шахслар солиқларини ундирувчи ўта маданиятли, ширин сўз бўлиши билан бирга жисмоний шахслар солиқларини ҳисоблаш, ундириш тартиб-қоидаларини, солиқ қонунчилигини чуқур билиши керак. Шу шартлар бажарилган тақдирда бюджетта жисмоний шахслардан меъордаги даромадларнинг тўлиқ тушиш имконияти яратилади. Солиқчи инспекторнинг қўполлиги, солиқ қонунчилигини тушунтира олмаслиги бюджетта мўлжалланган суммадаги солиқларнинг келиб тушмаслигига олиб келиши мумкин.

Жисмоний шахслар солиқлари таркиби ва тузилмасини куйидаги маълумотлар билан ифодалаш мумкин.

1998 йил давлат бюджети даромадларидан (тажминий)

	Даромад таркиби	Суммаси (млн. сўм)	Жамига нисбатан %
1.	Жисмоний шахслар даромадига солиқ	54677	90,7
2.	Ер солиги	2597	4,3
3.	Транспорт солиги	1028	1,8
4.	Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиги	1944	3,2

5.	Ер ости бойликларидан фойдаланғаның учун солиқ, импорт товарларыга ККС, йигимлар ва бошқалар		
6.	Жами	60342	100

Маълумотлар кўрсатмоқдаки, жисмоний шахслар тўлайдиган солиқ ва йигимлар ичida ҳал қўлувчи солиқ бўлиб жисмоний шахслар даромадига солиқ ҳисобланади. Бу соликнинг ўзи аксарият корхона ва ташкилотлардан олинган жисмоний шахсларнинг даромадидан солиқ (даромад солиги) ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадга солиқдан иборат. Бу солиқ 2000 йил режасига қарагандо йиллик бюджет даромадининг 17,2 фоизини ташкил этиши мўлжалланган. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар ичida ер солиги ва мол-мулк солиқлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Жисмоний шахслар тадбиркорликнинг рўйхатдан ўтиш йифими, давлат божи тўловлари ҳамда бир қанча бошқа майда солиқлар ва йигимларни тўлайдилар. Улар салмоғи камлигидан баъзилари алоҳида ҳисобга олинмайди.

2. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР СОЛИҚЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

Жисмоний шахслар солиқларини ҳисоблаш асосан 2 йўл билан олиб борилади:

- даромад тўловчи юридик шахслар томонидан ҳисобланади;
- солиқ хизмати идоралари томонидан ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга хўжалик меҳнат шартномаси, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари бўйича иш ҳақи, мукофот ва бошқа қатор даромадлар тўловчи корхона, ташкилот, муассаса солиқларни тўлиқ, тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида бюджетта ўтказиб бериш жавобгарлигини ўз зиммаларига оладилар. Фуқароларнинг олган даромадлари тўғрисида солиқ идораларига, фуқарога билдириш ва маълумотнома ёзиб бериши вазифаси ҳам юридик шахсларга юклатилган.

Жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқарида қўшимча даромад олганда ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганда олинган даромадлар ва қилинган харажатлар кўрсатилган солиқ декларацияларини солиқ идораларига тақдим этадилар.

Шу ҳужжатлар ва ўзларидаги бор маълумотлар, текшириув далолатномалари асосида солиқ идоралари жисмоний шахслар учун солиқ ҳисобини тузиб, уларга солиқ суммаси кўрсатилган хабарномани юборадилар. Булардан ташқари,

юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчилар қайд қилинган даромад солиги тұлайдилар.

Ер солиги, мол-мулк солиги, транспорт солиқларини ҳам солиқ идоралар ҳар йили ҳисоблаб чиқиб, жисмоний шахсларга хабарнома орқали етказадилар. Хабарнома олган жисмоний шахслар унда күрсатилған муддатда барча солиқ ва йигимларни ўз вақтида тұлашга мажбурдирлар. Шу ерда фуқаролардан олинадиган бирор-бир солиқ ҳисобланмай қолса солиқ идоралари жавоб беради.

Солиқлар ва йигимлар ўз вақтида тұланмаганда “боқиманда” деб аталади. Ана шу боқиманда суммасига ҳар бир тұланмаган күн учун 0,15 фоиз пеня солиқ суммасига құшиб, қатый тарзда бюджетта тұланади.

Қайтарыш учун саволлар

1. Жисмоний шахслар тушунчасига кимлар киради?
2. Жисмоний шахслар қандай солиқлар ва йигимлар тұлайдилар?
3. Жисмоний шахслар солиқларини кимлар ҳисоблайды ва бюджеттега ўтказади?
4. Жисмоний шахслар даромадига солиқ бүйича қандай молиявий жазолар бор?

1-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИҚ

1. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИҚНИ ТҰЛОВЧИЛАР, СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН ДАРОМАД ВА ЖАМИ ДАРОМАД ТАРКИБИ

Молия йилида солиққа тортиладиган даромади бўлган ҳар қандай жисмоний шахс даромадига қараб солиқ тұловчилар бўлиб ҳисобланади. Бу ерда жисмоний шахслар тушунчасига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет мамлакатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар киради.

Солиққа тортиладиган даромад тушунчасига жисмоний шахсларнинг жами даромадидан солиқ қонунчилиги бўйича күрсатилған чегирмаларни чиқариб ташлагандан сўнг қолган қолдиқ ҳисобланади.

Солиққа тортиладиган даромад — резидентлар ва норе-зидентлар даромадига бўлинади.

Бошлианаётган ёки тугаётган молия йилида 12 ой мобайнида Ўзбекистон худудида 183 күн ва ундан ортиқ вақт яшов-

чи жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси резиденти деб аталади. Шу кўрсатилган муддатдан кам вақт яшаган жисмоний шахслар норезидент деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси резидент — жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасида манбаи бўлган ва ундан ташқарида олган даромадлари бўйича даромад солигига тортилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган солиқ суммаси Ўзбекистон Республикасида солиқ тўлаш пайтида Ўзбекистон Республикасининг халқаро қонунларига биноан ҳисобга олинади. Ўзбекистон Республикаси норезиденти фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олган даромадидан солиқ тўлайди.

Ҳисобга олинаётган солиқ суммаси миқдори Ўзбекистон Республикасида ҳаракатда бўлган солиқ ставкасида ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромадга солиги суммасидан ошибб кетмаслиги керак.

Солиқ обьекти бўлиб йиллик жами даромад билан солиқ қонунчилиги бўйича чегирилиб ташланадиган чегирмалар орасидаги фарқ сифатида аниқланган миқдор солиққа тортиладиган даромад ҳисобланади. Демак, солиққа тортиладиган даромад — бу жами даромаддан чегирмалар ва солиққа тортилмайдиган даромадлари чиқариб ташлангандағи суммасидир.

Бу ерда энг муҳим нарса жисмоний шахснинг жами даромади таркибини тўғри аниқлашадир.

Жисмоний шахснинг йиллик даромади пулда, (натура) ёки бошқа олинган ёки олиниши керак бўлган, бепул олинган пул маблағларидир.

Булар уч гурӯхга бўлинади:

1. Меҳнат ҳақи тариқасида олинган даромадлар.
2. Жисмоний шахснинг мулкий даромадлари.
3. Жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадлари.

Жисмоний шахснинг меҳнат ҳақи тариқасида олган даромадларига меҳнат шартномаси бўйича ишлардан ва фуқаро-хуқуқий характерга эга бўлган шартномалар бўйича олинган даромадлари киради.

Жисмоний шахснинг меҳнат ҳақи тариқасида олган даромадларига юқоридалардан ташқари қуйидагилар киради:

- 1) ишловчиларга сотилган товарлар (ишлар, хизматлар)-нинг қиймати билан шу товарлар (ишлар, хизматлар) таннархи ёки сотиб олиш баҳоси ўртасидаги манфий фарқи;
- 2) иш берувчи юридик шахснинг ходимларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатларини қоплаш суммалари;

- 3) иш берувчи томонидан ишчининг корхонадан қарз бўлган суммасини ҳисобдан чиқариш — кечиб юбориш;
- 4) иш берувчининг ўз ходимлари соғлифи ва ҳаётининг ихтиёрий суғуртаси бадалларини тўлаш харажатлари;
- 5) иш берувчи томонидан жисмоний шахслар тўлаши лозим бўлган тўловларини тўлаб юборган суммалари;
- 6) иш берувчининг ўз ходимларига тўғридан-тўғри ёки эгри йўл билан даромадларини ташкил этувчи харажатлари. Бундай харажатларга юридик шахс томонидан қилинган коммунал хизмат тўловлари, давлат пенсияларига устама пенсия бериш, йўл билетлари қиймати, озиқ-овқатга қўшимча тўловлар, рўзнома ва ойномалар учун тўлаб юбориш, туристик йўлланмалар, спорт клублари абонементлари тўловлари киради.

Жами даромадга ишловчининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган меъёрдаги сафар суммалари кирмайди. Меъёрдан ортиқ сафар харажатлари маълум қисми жисмоний шахснинг жами даромадига қўшилади.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган жами даромадларига қонулларда рухсат этилган, ўзининг мулкий жавобгарлиги асосида даромад олиш мақсадида кўрсатилган актив фаолиятидан, товарлар (ишлар, хизматлар) сотищдан тушган ҳамма тушумлар киради.

2. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИ ДАРОМАДЛАРИДАН ЧЕГИРМАЛАР

Жисмоний шахс молия йилида олган даромадидан ҳар бир ишлаган ой учун жами даромадидан бир минимал иш ҳақи миқдорида чегирма олиш ҳуқуқига эга. 1999 йил август ойидан бошлаб минимал иш ҳақи миқдори ойига 1750 сўмни ташкил этган бўлса, 2000 й. августдан бошлаб у 2450 сўмни ташкил этади.

Бу ҳолат доимий иш жойига эга бўлган ишчи ва хизматчиларга ва доимий иш жойига эга бўлмаган тадбиркорларга тегишилдири. Энг кам иш ҳақи — солиқقا тортилмайдиган минимум — ишловчига шу сумма ҳисобидан энг минимал харажатларни қоплаш имконини бериши керак.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг солиқقا тортиладиган даромадларини аниқлашда уларнинг тадбиркорликдан олган ялпи даромадидан шу даромадни олиш учун харажат қилинган мажбурий тўловлар, сарфиётлар ва ажратмалар чегириб ташланади.

Ялпи даромаддан чегирилиб ташланадиган мажбурий тўловлар, сарфиётлар ва ажратмалар каби харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Тадбиркорлик фаолияти ялпи даромадидан жисмоний шахсларнинг шахсий истеъмоли учун зарур бўлган харажатлар чегирилмайди.

Жами даромаддан молиявий жазо ва пенялар ҳам чегирилмайди.

3. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси қўйидаги гуруҳ ставкаларини белгилаб берган:

1. Жисмоний шахсларнинг иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа даромадлари — дифференциал ставкалари;
2. Жисмоний шахсларнинг дивиденд ва фоизларга ставкалари;
3. Манбада тўланган норезидентлар даромадларига ставкалари;
4. 15, 20 ва 25 фоизли имтиёзли ставкалари.

Жисмоний шахсларнинг иш ҳақи, тақдирлашлар ва бошқа даромадлари суммасидан 2000 йилдан бошлаб қўйидаги миқдорда солиқ ушланади:

Солиққа тортиладиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
Уч каррали миқдордаги минимал иш ҳақига	Даромад суммасидан 15 фоиз
Уч каррали (+1сўм) дан то беш каррали минимал иш ҳақигача	Уч карралининг солиғи + уч карралидан ошган қисмидан 25 фоиз
Беш каррали(+1 сўм) дан то ўн каррали минимал иш ҳақи миқдорига	Беш каррали солиқ суммаси + беш карралидан ошган қисмита 36 фоиз
Ўн каррали (+1сўм) дан ва ундан ортиги	Ўн карралининг солиқ суммаси + ўн каррали минимал иш ҳақидан ошган қисмидан 40 фоиз.

Минимал иш ҳақи миқдорини солиққа тортиш мақсадида йил бошидан ўсib борувчи якун билан ҳисобланади (йил бошидан бошлаб тегишли давр учун ойлик минимал иш ҳақи миқдори суммаси).

Норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидан олинган даромадлари, доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаса манбаида ўеч қандай чегирмаларсиз куйидаги ставкаларда солиқقا тортилади:

Дивидендлар ва фоизлар	15 фоиз
Таваккалчилликни суғурта қилишга ёки қайта суғурта қилишга тўланган суғурта мукофотлари	20 фоиз
Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўргасида ҳаракат қилишла Ҳалқаро алоқа учун телекоммуникациялар ёки транспорт хизматлари (фрахтдан даромадлар)	6 фоиз
Роялти, ижарадан олинган даромадлар, хизмат кўрсатиш, шу жумладан, бошқарув, маслаҳат хизматлари кўрсатишдан келадиган даромадлар ва бошқа даромадлар, даромад солиги солинган даромадлардан (фойда) бунга кирмайди.	20 фоиз

Ушбу манбаида солиқقا тортиш тартиби тўлов Ўзбекистон Республикасининг ичида ёки ташқарисида амалга оширилишидан қатъи назар қўлланилаверади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон Қарорига киритилган 1, 2 ва 3-рўйхатдаги ходимларнинг ўта заарали, ўта оғир ва оғир шароитларда олган даромадларидан ушланган солиқ миқдори 25 фоиздан ошмаслиги зарур. Солиқ суммасининг 25 фоиз ставкасидан ошган қисми имтиёз тарикасида чиқаруб ташланади.

Белгиланган қонунчилик бўйича оғир табиий шароитларда ишловчиларга иш ҳақига қўшимча суммалар, коэффициентлар (туманли, тоғлик, саҳро ва сувсиз худудлар) учун кўрсатилган суммалардаги солиқ 15 фоиз ставкада ҳисобланади. Демак, бу ерда қўшимча даромадларга энг кам ягона ставка қўлланилади.

Жисмоний шахслар даромадлари солиқقا тортилаётганда, дивиденд, фоиз даромадлари ҳамда қўшимча тўловлар жами даромад таркибига киритилмайди, чунки улар бўйича солиқ алоҳида ҳисобланган бўлади.

Юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг қайд қилинган даромадига солиқни ҳисоблаш куйидагича бўлади.

Юридик шахс мақомини олмасдан туриб ишбилармонлик (тадбиркорлик) билан шуғулланувчи жисмоний шахслар қайд қилинган солиқ тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Бу тартиб маҳсус бозорларда фаолият олиб борувчи жисмоний шахсларга ишлатилмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сонли Қарори билан юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг да-

Эмэд солиги бүйича фаолият турига қараб чегара ставкала-
зи қуйидагича:

№	Фаолият түри	Бир ой учун солиқ мөндори
1.	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари сотиши (савдоси)	4 минимал иш ҳақыдан 30 минимал иш ҳақынча
2.	Ҳоқимліклар маҳсус белгіліліктан жойда қышлоқ хұжалик маңсулотлари сотиши (савдоси)	1 минимал иш ҳақыдан 15 минимал иш ҳақынча
3.	Үз маңсулотини ишлаб чықариш ва сотиши	1 минимал иш ҳақыдан 10 минимал иш ҳақынча
4.	Шағарларда күрсатылған мәиший хизматтар учун	4 минимал иш ҳақыдан 15 минимал иш ҳақынча
5.	Қышлоқ ва шағар тиپидеги күргөн жойларда күрсатылған мәиший хизматтар учун	1 минимал иш ҳақыдан 5 минимал иш ҳақынча
6.	Бошқа хизматлар учун	1 минимал иш ҳақыдан 12 минимал иш ҳақынча

Жисмоний шахсларнинг даромадига аниқ солиқ суммаси миқдори Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади. Бундай қайд қилинган солиқ солиқ ҳисоблашни ихчамлаштиради ва солиқ суммаси — тушумини тезлаштиради.

Юқоридаги ставкалар махсус бозорларда савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга тегишли бўлмайди.

4. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИҚДАН ИМТИЇЗЛАР

Жисмоний шахслар даромадига солиқдан имтиёзлар учын йүналишща берилади:

- солиққа тортиладиган даромадға қүшилмайдыган да-ромаддар;
 - солиқдан тұлық озод бўладиган жисмоний шахслар;
 - солиқдан ҳар бир тұлық ойга тўрт карралы минимал иш-хаки микдорида озод этилиш.

Жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадлари таркибиға күйидарни даромадлар (солиққа тортилмайдиган даромадлар) кўшилмайди:

а) давлат ижтимоий сүгуртаси ва ижтимоий таъминоти нафақалари, ишсизлик нафақаси ва чиқиш нафақаси (мехнат шартномаси тутатилганда), туғиши ва ҳомиладорлик на-

фақаси, вақтингчалик мәхнат қобилиятынің йүқтотгандаги (шу жумладан, касал оила аязоларини парвариш қилиш нафакаси) нафақалар бундан мустасно ҳамда мөхр-шафқат ва экологик фонdlари ҳисобидан бериладиган пул ва натуралдаги ёрдам сұммалари;

б) олинган алиментлар;

в) олий үкүв юртлари талабаларига, ўрта махсус ва хунар-касб билим юртлари үкүвчиларига, уларнинг базасида ташкил этилган ва ўрта диний билим юртлари талабаларига шу үкүв юртлари томонидан бериладиган стипендиялар ҳамда муруват вә экологик фонdlар томонидан таъсис этилган стипендиялар;

г) касб-хунар техника билим юртлари ва улар базасида ташкил этилган бизнес мактаблари томонидан үкүвчиларнинг бажарылған ишлари учун тұланған тұловлар;

д) давлат пенсиялари ва уларга устамалар;

е) қон топширганлық учун топширувчиларга бериладиган сұммалар, донорликнинг бошқа турлари учун берилған сұммалар, она сути топширганлық учун ҳамда тиббиёт ходимларига қон йигтанлық учун тұланадиган сұммалар;

ж) майиб бўлиб қолиши ва соғлиққа келтирилған бошқа жароҳатлар учун товоң сифатида олинган сұммалар ҳамда бокувчисини йўқотганилиги учун олган сұммалар;

з) фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларидан чет эл валютасида оладиган иш ҳақи сұммалари ва бошқа сұммалар — қонун ҳужжатларида белгиланған сұммалар доирасида;

и) жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлған мол-мulkини сотиш натижасида оладиган сұммалари, тадбиркорлик фаолияти доирасида мол-мulk сотишдан олинган даромадлар бундан мустасно.

Кўрсатилған жисмоний шахсларга уларнинг товарлари учун тұланған сұммалар ҳақида юридик шахслар, шу жумладан, чет эл юридик шахслари ўзлари жойлашган ҳудуд солиқ идораларига ҳар чоракда хабар беришлари зарур. Уларни даромад солигига тортиш масаласи давлат солиқ идоралари томонидан қилингандай операцияларнинг характеристері ва ҳажмига қараб жами даромад сүммасини ҳисобга олиб ҳал қилинади;

к) фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигига этиштирған қорамол, қўён, нутрия, балиқ, паррандаларини ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб маҳсулотларини қайта ишлаган ҳолатда, шунингдек, асаларичилик маҳсулотларини ва

бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳқончилик маҳсулотларини сотищдан олган даромадлари суммаси ҳисобга олинади. Фуқарода шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги маҳаллий давлат бошқариш органларининг маълумотномаси билан тасдиқланади;

л) бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган суммадаги қимматли совфалар, шунингдек, ҳалқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлар қийматининг суммаси;

м) мерос қилиб қолдириш ва ҳадя қилиш натижасида олинган суммалар ва мол-мulk қиймати, фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (хукуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи суммалари бундан мустасно;

н) давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қофозлари бўйича фоизлар;

о) фуқароларнинг суурита бўйича оладиган суммалари;
п) бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари:

1) табиий оғатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан берилган моддий ёрдам суммалари — тўлалигича;

2) вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

3) бошқа ҳолларда энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

р) банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;

с) фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мulkини сотиб олиши, хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олиш, “Ўйжойжамғармабанк”нинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга йўналтирилган суммалари, шунингдек, акциялар бўйича олинган ҳамда дивиденд тўлаган акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олишга йўналтирилган дивиденлар. Мазкур мол-мulk сотилганда илгари солиқ солищдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солинади;

т) патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарнинг) саноатдаги мулкий объектларда ўзи ишлаб чиқарishiда фойдаланишидан ёки фойдаланиш бошлаган санадан

эътиборан амал қилиши муддати доирасида уларга лицензиялар сотишдан, шунингдек, лицензиарнинг саноат мулки объектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олган суммаси:

- ихтиrolар ва селекция ютуғидан патент бўйича — беш йил давомида;
- ихтиrolаридан дастлабки патент бўйича фойдаланишда уч йил давомида;
- селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича — уч йил давомида;
- саноат намунасидан патент бўйича — уч йил давомида;
- саноат намунасидан дастлабки патент бўйича — икки йил давомида;
- фойдали моделдан гувоҳнома бўйича — икки йил давомида солиқ тўлашдан озод этилади;
- у) болалар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларига, ота-оналарнинг болалари билан дам олишга маҳсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек, ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматидан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида юридик шахслар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган суммалар.

Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларини тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибида юридик шахслар тўлаган суммалар ҳам киради;

ф) амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасидаги товон тўловлар, меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товонлар бундан мустасно.

5. СОЛИҚДАН ТЎЛИҚ ОЗОД БЎЛАДИГАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР

Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқдан қўйидаги шахслар тўлиқ озод этилади:

1. Хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошликлари ва аъзолари ҳамда консулилк муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган

оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, ёки Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадлардан ташқари барча даромадлари бўйича;

2. Хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадлардан ташқари барча даромадлари бўйича;

3. Хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар гаркибиға кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

4. Хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

5. Ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳалқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари агар улар Ўзбекистон фуқароси бўлмаса, ушбу ташкилотларда олган даромаддари бўйича;

6. Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда Вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, Ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибиға мансуб шахслар, шунингдек, ўкув ёки синов йиғилишларига чакирилган ҳарбий хизматта мажбурлар — хизматни ўташ (хизмат вазифасини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўлов суммалари бўйича солиқ тўлашдан тўлалигича озоддирлар.

6. СОЛИҚДАН ҚИСМАН, ҲАР БИР ТЎЛИҚ ОЙ УЧУН ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИННИНГ ТЎРТ БАРАВАРИ МИҚДОРИДА ОЗОД ЭТИЛИШИ ВА УМУМИЙ ҶОИДА БЎЙИЧА БИР БАРАВАР ҚЎШИЛАДИГАН ИМТИЁЗ

1. “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Совет Иттифоқи Қаҳрамони”, “Мехнат Қаҳрамони” унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа маж-

буриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ бўлган касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек, пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган ногиронлар.

2. Хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941—1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари, 1941 — 1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ тутқунлари.

3. Ленинград қамали пайтида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача бўлган даврда Ленинград шаҳрида ишлаган фуқаролар.

4. Ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар.

5. Болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек, 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари.

6. Қаҳрамон оналар, ўн ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар.

7. Собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёхуд контузия бўлиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари. Бу ерда ҳарбий хизматчининг рафиқасига имтиёз берилётганда у аёл иккинчи марта никоҳдан ўтмаган бўлса, турмушга чиқмаган бўлса.

8. Хизматни Афғонистон республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтингча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йигинларига чақирилган ҳарбий хизматта мажбурлар.

9. Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатида жабр кўрган шахслар.

10. Йкки ва ундан ортиқ 16 ёшга етмаган болалари бор ёлғиз оналар.

11. Йкки ва ундан ортиқ боласи бор ва бокувчисини йўқотганлиги учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар.

12. Болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни алаф қиласиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаттани ота-онасидан бири.

13. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юргари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуаролар — ушбу ишларни бажарганик учун олган дароидлар бўйича.

Юқоридаги имтиёзларни олиш учун фуқаролар тегишили идоралар Мудофаа вазирлиги, Милий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Ихтимоий таъминот вазирликаридан хужжатлар тақдим этишлари лозим.

Маҳаллий ҳокимият идоралари ва фуқароларнинг ўз-ўзи и бошқарув идораларидан ҳам маълумотномалар олиб келиб, солиқни ҳисобловчи юридик шахсга ёки солиқ идораларига жорий йилнинг 15-санасидан кечиктирмай тақдим этишлари зарур бўлади. Акс ҳолда хужжат тақдим этишга ғадар имтиёзлар берилмайди.

7. ЧЕТ ЭЛЛИК ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚДА ТОРТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Чет эллик жисмоний шахслар — резидентлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари солиқса тортилади.

Чет эллик жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасида солиқса тортилаётганда Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича, бироқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган хусусиятлари эътиборга олилади.

Чет эллик жисмоний шахслар — норезидентлар тўлов ималга ошган жойдан қатъи назар, фақат Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олган даромадларидан солиқса тортиладилар.

Солиқса тортиш мақсадида чет эллик жисмоний шахслар — норезидентлар икки гуруҳга бўлинади: доимий муассаса орқали фаолият кўрсатаётган ва доимий муассаса билан алоқаси бўлмаган норезидентлар.

Солиқса тортиш мақсадида доимий муассаса тушунчалига Ўзбекистон Республикасида даромад топиш учун ҳар қандай юридик шахслар орқали, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ваколатлик функциясини бажарувчи орқали фаолият кўрсатаётган жисмоний шахслар тушунилади. Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият кўрсатаётган жисмоний шахс — норезидент доимий муассаса билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасида-

ги манбалардан жисмоний шахс даромадига солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади ва бунда улар Ўзбекистон солиқ қонунчилиги бўйича чегирмалар олиш ҳукуқига эга бўладилар.

Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган жисмоний шахс — норезидент даромади Ўзбекистон Республикасида олган даромадидан ҳеч қандай чегирмаларсиз 444-сонли йўриқноманинг 17-пунктида кўрсатилган ставкаларда солиққа тортилади.

Чет эллик жисмоний шахслардан солиқлар ва йигимларни ундириш тегишли чет давлатларда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларига нисбатан ҳам худди шундай чора-тадбирлар кўрилган ҳолларда ўзаро келишув асосида тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин.

Чет эллик жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чофида бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятини амалга оширадиган солиқ тўловчилар ҳамда бошқа шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишин назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изоҳларнинг киритилишига рухсат берилмайди.

6. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

Жисмоний шахсларнинг асосий иш жойидан олинган меҳнат ҳақи ва бошқа тўловлар календарь йилининг бошидан бошлаб ҳар ойида солиққа тортиладиган даромаднинг йил бошидан ўсиб борувчи якунига қараб ҳисобланади.

Бунинг учун албатта жами даромаддан солиққа тортиладиган даромадни ажратиб олиш лозим.

Мисол № 1. Фуқаро Яхшибоевга 1999 йил январь — май ойларига ишлагани учун 35750 сўм иш ҳақи ҳисобланган ($7150+7150+7150+7150+7150$) — январь — апрель ойлари учун унинг топган даромадидан 4184, 5 сўм солиқ ушланган.

Январь—май ойларида минимал иш ҳақи ёнмаси 6600 сўмни ($1320+1320+1320+1320+1320$) ташкил этади.

Шу ҳолатда ишчи Яхшибоевнинг даромадидан солиқ қўйидагича ҳисобланади:

1. Солиққа тортиладиган даромад аниқланади (январь — май ойлари учун).

$35750-6600=29150$ сўм.

2. Январь — май ойлари учун солиқ ёнмаси аниқланади:
 $2970+(29150-19800) = 2970+2337 = 5307,5$ сўм.

3. Май ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси 1123 сўмдир.

($5307,5 - 4184,5 = 1123$ сўмдир).

Тўрт каррали ойига соликдан имтиёз олувчи фуқароларга ҳам бир каррали умумий бериладиган минимал иш ҳақи суммасини қўшиб юқоридаги услугб бўйича солиқ ҳисобланади.

Мисол №2. Солиқ Кодексининг 59-моддаси 2-пункти бўйича фуқаро Абдиев 4 каррали минимал иш ҳақи миқдорида соликдан озод этилган. (У 1941 –1945 йиллар меҳнат фахрийси.) Унинг даромадидан солиқ ҳисоблашни кўриб чиқамиз.

Фуқаронинг жами даромади (январь – ноябрь) ойлари учун 88400 сўм ($8000 + 8000 + 8000 + 8000 + 8000 + 8000 + 8000 + 8000 + 8000 + 8400$). Ноябрь ойигача унинг даромадидан 630 сўм солиқ ушланган.

Унга юқоридаги модда бўйича 4 каррали ва битта умумий қонун асосида 54-модда, жами 5 каррали иш ҳақи минимуми миқдорида имтиёз берилган.

1. Унинг солиққа тортилмайдиган даромадини аниқлаймиз. 81200 сўм (1320×5)х7ой + (1750×5)х4ой.

2. Солиққа тортиладиган даромад аниқланади: $88400 - 81200 = 7200$ сўм.

3. Январь – ноябрь солиқ суммаси аниқланади: $7200 \times 15\% : 100 = 1080$ сўм.

5. Ноябрь ойи учун солиқ суммаси $1080 - 630 = 450$ сўм.

Агар йил давомида асосий иш жойи (хизмати, ўқиш жойи) ўзгарган бўлса, фуқаро янги иш жойининг ҳисобхонасига аввалги иш жойидан бу йилда олинган даромадлар ва ушланган солиқ суммаси тўғрисида маълумотнома топширади.

Масалан:

Юридик шахснинг идентификацион рақами 222111525.

Юридик шахс манзили: Чилонзор тумани, 96-алоқа бўлими, телефон 73-23-95.

МАЪЛУМОТНОМА

Фуқаро Яхшибоев бизнинг корхонамиизда 1999 йилда ишлаб қўйидаги даромадларни олди:

Ойлар	Ҳисобланган даромад		Улардан ташқари олди		
	Ҳаммаси	Шу жумладан Оғир шароитда	Моддий ёрдам	мукофот	совфа
Январь	6000	1520	3000		
Февраль	6000	1520			

Март	6000	1520			
Апрель	6000	1520	3000		
Май	6000	1520			
Июнь	6000	1520		3000	
Июль	6000	1520			
Август	6000	1520	3000		
Сентябрь	6000	1520			
Октябрь	6000	1520			
Ноябрь	6000	1520			
Декабрь	6000	1520	3000		
Жами	72000	18600	12000	3000	

Олинган даромадларидан жисмоний шахслар даромадига солиқ 11370 сүм ушланган.

Рахбар

имзо

Бош ҳисобчи

имзо

Фуқаронинг янги иш жойи (хизмат, ўқиш) да солиқни ҳисоблаш календарь йил бошидан аввалги ва янги иш жойи (хизмат, ўқиш) да олинган жами даромаддан амалга оширилади. Бу ерда тегишли чегирма ва имтиёзлар чиқарилади.

Агар фуқаро илгариги иш жойидан маълумотнома келтирмаган тақдирда солиқ дифференциал ставканинг энг максimal ставкаси бўйича ушланиб турилади. Маълумотнома тақдим этилиши билан солиқ қайта ҳисоблаб чиқилади.

Агар ходимнинг меҳнат мажбуриятлари бўйича аввалги иш жойидан мукофот ва бошқа даромадлар у ишдан бўшатилгандан сўнг тўланса, бу мукофот ва бошқа даромадлар тўланётган даврда умумий қоида бўйича чегирмаларсиз ва имтиёзларсиз солиққа тортилади. Бу фуқароларга тўланган даромадларнинг умумий суммаси ва улардан ушланган солиқ суммаси тўғрисида корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бир ой ичига ўзлари жойлашган жойдаги солиқ идораларига хабар берилшари зарур.

Асосий иш жойидан ташқарида олинган меҳнат ҳақи ва бошқа даромадлардан солиқ ҳисоблаш даромадлар тўланган манбада ҳар ойда календарь йилининг бошидан бошлаб ошиб

борувчи якун бўйича чегирмаларсиз ва имтиёзларсиз ҳисобланилади.

Агар асосий иш жойидан ташқарида меҳнат ҳақидан даромад олувчи жисмоний шахс ўзининг даромадидан максимал ставкада солиқ ушлаш ҳақида ариза берса, даромад тўловчи юридик шахслар солиқ тўловчининг аризасига биноан солиқ ушлашлари лозим.

Жисмоний шахсларнинг асосий иш жойидан ташқарида олган даромадларидан якуний солиқ ушлаш уларнинг олган даромадлари ва ушланган солиқ суммаси тўғрисидаги декларацияларига қараб солиқ идоралари томонидан олиб амалга оширилади.

Жисмоний шахс — резидентларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган даромадларига ҳам солиқ суммаси шу тартибда ҳисобланади.

Юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг даромадларидан солиқ солиқ идоралари томонидан олинган даромадлар ва қилинган харажатлар тўғрисидаги декларация маълумотлари, солиқ идораларининг фуқаролар фаолиятини текшириш материаллари ва солиқ тўловчилар даромади тўғрисидаги бошқа маълумотлар асосида ҳисобланади.

Чет эллик жисмоний шахслар — резидентлар даромадидан солиқни кутилаётган даромадлар тўғрисидаги солиқ декларацияси асосида солиқ идоралари ҳисоблайдилар.

9. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИҚНИ ТЎЛОВ МАНБАИДА УШЛАШ ТАРТИБИ

Жисмоний шахслар даромадига солиқни тўлов манбаида ушлаб қолиш жавобгарлиги кўйидаги юридик шахслар зиминынга юклатилган:

- меҳнат шартномалари ёки фуқаро-хукуқий характердаги шартномалар бўйича ишлаётган жисмоний шахсларга тўловни амалга оширувчилар;
- нодавлат пенсиясини тўлашни амалга оширувчилар;
- жисмоний шахсларга дивиденdlар ва фоизлар тўлашни амалга оширувчилар;
- норезидентларга тўловларни амалга оширувчилар.

Жисмоний шахслар даромадига солиқни ҳисоблаш ва бюджеттга ўтказиб бериш жавобгарлиги даромад тўловчи юридик шахсга юкланган. Даромад солиғи тўловчи юридик шахсадан солиқ суммаси ушланмаган тақдирда ушланмаган

солиқ суммасини, у билан боғлиқ бўлган жарима ва пеняни бюджеттага ўтказишга мажбурдир.

Юқорида кўрсатилган юридик шахслар қўйидагиларга мажбурдирлар:

- молия йили тугаши билан 30 кун ичди солиқ хизмати органларига асосий иш жойи бўлмаганларнинг олган даромадлари тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар ва унда жисмоний шахснинг рўйхат рақами ёки паспорт маълумотлари, ҳисобот йилида олган даромадининг умумий суммаси ва ушланган солиқнинг умумий суммаси кўрсатилган бўлиши шарт.

10. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ СОЛИҚ ДЕКЛАРАЦИЯСИНИ ТАҚДИМ ЭТИШИ ВА СОЛИҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Солиқ декларациясини ҳар хил тоифадаги жисмоний шахслар тақдим этадилар.

Йиллик жами даромад тўғрисидаги декларацияни қўйидагилар солиқ идораларига топширишга мажбурдирлар.

Асосий иш жойидан ташқарида (Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан ва ундан ташқарида) даромад олувчи жисмоний шахслар. Агар асосий иш жойида ва ундан ташқарида ишлаб топган даромадлари уч каррали минимал иш ҳақи миқдоридан ошмаса, бундай жисмоний шахслар декларация топширмайдилар.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар — резидентлар декларация топширмайдилар.

Йиллик жами даромад тўғрисидаги декларация жисмоний шахслар томонидан ўзлари яшаб турган туман солиқ инспекцияларига қўйидаги муддатларда топширилади:

асосий иш жойидан ташқарида даромад олувчи жисмоний шахс — резидентлар томонидан ҳисобот йилидан кейин йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тегишли шаклда тақдим этадилар.

Кутилаётган даромадлар тўғрисида чет эллик жисмоний шахслар — резидентлар томонидан амалга оширилаётган календарь йилида ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётганда ҳақиқий олинган даромад тўғрисида кетиш олдиндан бир ой қолганда тамомила декларацияни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача кечиктирмай тегишли шаклда тақдим этишади.

Юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаёттган жисмоний шахс — шундай даромадлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг 5-санасигача декларацияни тақдим этадилар. Ҳисобот йили тугаши билан кейинги йилнинг 15-санасигача йил бўйича олган жами даромад тўғрисида декларация топширади.

Агар жисмоний шахслар ўз тадбиркорлик фаолиятларини тўхтатган бўлса, солиқ инспекциялари солиқ тўловчилардан даромадлар тўғрисидаги декларацияни кам даврга ҳам тақдим этиш тўғрисида ёзма билдириш бериб талаб қилиб олиши мумкин. Унда қачон, қайси муддатга ва нима сабабдан йиллик жами даромад ва қилинган чегирмалар тўғрисида декларация топшириши кўрсатилган бўлади.

Белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишига қарор қилган солиқ тўловчи жисмоний шахс ўн беш кун ичida бу тўғрида солиқ инспекциясига ёзма хабар бериши керак.

Ўз тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишига қарор қилган жисмоний шахс ўн беш кун ичida солиқ инспекциясига йиллик даромад тўғрисида белгиланган шаклда декларация тақдим этади.

11. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИҚНИ ТЎЛАШ МУДДАТЛАРИ

Даромадга солиқни тўлаш муддати жисмоний шахснинг қандай фаолият кўрсатишга боғлиқ:

— декларация орқали тўлаш ёки юридик шахслардаги доимий иш фаолияти учун тўлаш.

Жисмоний шахслар даромадига солиқ тўлаш уларнинг тақдим этган декларацияларига қараб қуйидаги муддатларда тўланади:

1. Асосий иш жойидан ташқарида даромад олувчи жисмоний шахс — резидентлар томонидан ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июнигача жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация маълумотига қараб, агар йил мобайнинда солиқ қайта ҳисобланмаса, солиқ идораларига декларация топширгандан бошлаб бир ой ичida тўланади.

2. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ўтган йил учун ҳисобланган солиқ суммасига қараб, ҳар чорақда йиллик солиқ суммасининг 25 фоизи миқдорида 15 март, 15 май, 15 август ва 15 декабрдан кечиктирмай солиқни тўлайдилар, биринчи марта солиқка тортилаётган солиқ тўловчилар солиқ идоралари томони-

дан уларга жорий йил учун берган дастлабки даромад бўйича 25 фоиздан тўлаб борадилар, йил тугаши билан йиллик солиқ суммаси ҳақиқий олинган даромадга қараб ҳисоблаб чиқилади. Йиллик ҳақиқий даромаддан ҳисобланган солиқ суммаси фарқи келгуси йилнинг 15 мартадан кечиктиримай тўланади, даромад манбаи тугаб қолган тақдирда — 15 кун ичида тўланади.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ даромад манбандида ушланадиган ҳолларда солиқ қўйидаги муддатларда тўланади:

1. Юридик шахслар фуқароларга даромадини тўлаётганда ундан ушланадиган солиқ суммасини пул маблаглари олиш учун банкка хужжатларни тақдим қилган вақтнинг ўзида бюджетта ўтказади.

2. Банкда счёти бўлмаган юридик шахслар ҳамда сотган маҳсулоти, хизматидан, сотишдаги тушум ҳисобидан тўлов тўлаганлар тўлов амалга ошгандан кейин ойнинг беш куни ичида жисмоний шахслардан ушланган солиқ суммасини бюджетта ўтказадилар. Натурал тўловлар бўйича ҳам юқоридагига ўхшаш тартиб жорий этилган.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солиғини тўлаш куни юридик шахснинг ҳисоб счётидан маблагни чиқарган кун ҳисобланади, жисмоний шахслар учун солиқни тўлаган кун бўлиб маблагни кредит муассасаси кассасига топширган кун ҳисобланади. Ҳисоб счёти бор жисмоний шахснинг солиқ тўлаган куни бўлиб, шу счётдан маблагни чиқарган кун ҳисобланади.

Солиқ идоралари томонидан ҳисобланган солиқни тўлаш куни бўлиб солиқ идораси томонидан ёзилаган тўлов хабарномасида белгиланган кун бўлади.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ суммасини йил мобайнида тўлаган суммаси тегишли ҳисбот йилидаги тўлаши лозим бўлган солиқ суммасидан чегириб ташланади, яъни ҳисобга олинади.

Чет эллик жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси қатнашган халқаро шартномалар ва битимларга биноан Ўзбекистонда тўланадиган солиқлардан қисман ёки тўлиқ озод бўлиш хукуқига эга, бунинг учун улар белгиланган шаклда ариза ёзишлари лозим.

Уч нусхадаги ариза Ўзбекистон Республикасидаги даромад тўланган жойдаги солиқ органига топширилади. Солиқ инспекцияси аризанинг халқаро шартнома ва битимларга мослигини текшириб, тегишли белгилар қўйиб, икки нусхасини ариза берувчига қайтаради.

Шу нусхаларнинг бирини ариза берувчи Ўзбекистон Республикасида унга даромад тўлаган корхона, ташкилот, му-

ассасага топширади. Шу асосда тўлиқ ёки қисман Ўзбекистонда тўланган солиқдан жисмоний шахс озод қилинади.

12. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИ ЙИЛЛИК ДАРОМАДИ ТЎҒРИСИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯНИ ТЎЛҒАЗИШ ТАРТИБИ

Йиллик жами даромад тўғрисидаги декларация тўрт бўлимдан иборатdir. Биринчи бўлим энг асосий бўлим бўлиб, у олинган даромадлар ва ушланган солиқлар тўғрисидаги тўрт жадвалдан иборат.

Декларациянинг биринчи бўлими фуқароларнинг 1 йил давомида олган ҳамма даромадлари, шу даромадларни олиш билан боғлиқ ҳаражатлари ҳамда шу даромадлардан даромад манбаида ушланган солиқлари ёки бўнак тўланган солиқлар тўғрисида маълумотларга эга бўлади. Олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар даромадларнинг олинган жойи ва даромадлар турига қараб тегишли жадвалларга жойлаштирилади.

Декларациянинг иккинчи бўлими даромадлар тўғрисида маълумот берувчи фуқаронинг чегирмалар, имтиёзлар бўйича олишини кўрсатувчи хукуқларини билдиради.

Декларациянинг учинчи бўлимида фуқаронинг ҳисобот йили даврида олган ҳақиқий солиққа тортиладиган даромади ва солиқ тўловчи келгуси йили олиши мумкин бўлган солиққа тортиладиган даромади кўрсатилади.

Декларациянинг тўртинчи бўлимида йиллик жами даромаддан солиқ ҳисоби келтирилади.

Декларация шаклини солиқ тўловчи солиқ идорасидан бепул олиб ўзи тўлғазади. Солиқ инспекторлари декларация нотўри тўлғизилган бўлса, уни тузатиш хукуқига эгадирлар.

ДЕКЛАРАЦИЯНИНГ БИРИНЧИ БЎЛИМИНИ ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ

Биринчи бўлимда солиқ тўловчилар ўзининг исми, фамилиясини, доимий яшаш манзилини, ишчи ва уй телефонлари рақамларини кўрсатиши зарур.

Агар ҳисобот даврида манзилгоҳи ўзгарса, унда декларацияда аввалги ва кейинги тураржойлари манзилларини кўрсатади.

Декларациянинг биринчи бўлими биринчи пунктида солиқ тўловчининг асосий иш жойидан олган даромадлари ва даромад олган жойида тўлаган солиқлари кўрсатилади. Қайси

корхона, ташкилот ва муассаса даромад тўласа, ўша жой даромад тўланган жой деб ҳисобланади.

Биринчи пунктнинг биринчи устунида фуқаронинг ишлаган асосий иш жойининг (корхонанинг) номи, алоқа манзили тўлиқ кўрсатилади. Иккинчи устунда асосий иш жойида қайси даврларда даромад олганлиги кўрсатилади. Учинчи устунда фуқароларнинг чегирмасиз, тўлиқ олиши лозим бўлган даромади кўрсатилади. Тўргинчи устунда эса даромаддан ушланган солиқ суммаси ёзилади.

**1998 йилда фуқаронинг асосий иш жойидан олган даромади
ва ундан ушланган солиқи тўғрисида**
Мисол. фуқаро Ёкубов олган даромади

№	Асосий иш жойи (корхона номи, алоқа манзили)	Даромад қайси даврда олинган	Ҳисобланган даромад сум- маси (сўм)	Ушланган солиқ сум- маси (сўм)
1.	“Тошсельмаш” заводи Тошкент ш. _____ кўчаси	01.01.98 й.дан то 31.02.98. й. гача	12500	3115
2.	“Олмоқ” кооперативи Тошкент шаҳри, кўчаси	01.03.98 й.дан 31.12.98. й.гача	59500	13580
3.	Жами		720001	16695

Декларациянинг биринчи бўлими иккинчи пунктида фуқаронинг асосий иш жойидан ташқарида олган даромадлари ва улардан ушланган соликлар суммаси кўрсатилади.

Декларациянинг биринчи бўлим иккинчи пунктининг биринчи устунида даромад олинган жойдаги корхонанинг тўлиқ номи ва алоқа манзилгоҳи кўрсатилади. Иккинчи устунда эса даромад қайси даврда, қанча суммада даромад ҳисобланганлиги ва учинчи устунда даромаддан ушланган солиқ суммаси кўрсатилади.

Иккинчи пунктни тўлдиришга мисол, 1998 йил маълумотларига биноан фуқаро Ёкубовнинг даромади:

№	Асосий иш жойи, (корхона номи, алоқа манзили)	Даромад қайси даврда олинган	Ҳисобланган даромад суммаси (сўм)	Ушланган солиқ суммаси (сўм)
1.	“Вимпел” заводи, Тошкент ш. кўчаси	01.01.98 й.дан то 31.02.98. й.гача	1200	180
2.	“Алиса” кооперативи, Тошкент шаҳри, кўчаси	01.03.98 й.дан то 31.12.98. й.гача	1000	150
3.	Жами		2200	330

Декларациянинг биринчи бўлим 3-пунктида солиқ тўловчининг чет давлатда ёки чет давлатдан олган даромади кўрсағилади. Бу ерда фуқаронинг қуйидаги турдаги олган даромадлари кўрсатилиши мумкин:

1. Чет эл иш берувчиси билан тузилган шахсий шартнома бўйича олган ҳар қандай даромадлари.

2. Ўзбек ва чет эл юридик шахслари ўргасида тузилган шартнома асосида чет эл иш берувчисининг жисмоний шахсга тўловлари.

3. Ўзбекистон Республикаси фуқаросига тегишли бўлган чет давлатлар худудидаги қўзғалувчи ва қўзғалмас мулклардан фойдаланиш учун даромад (рента тўлови, ижара ҳақи ва б.).

4. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган чет эл акционерлик жамиятлари акцияларидан дивиденд ҳамда чет эл банкларидағи омонатларидан фоизлар.

3-пунктнинг 1-устунида даромад тўловчи мамлакати (шашар) ва ташкилоти кўрсатилади.

3-пунктнинг 2-устунида даромад олган вақт (кун, ой ва йил) кўрсатилади.

3-пунктнинг 3-устунида олган даромад валюта суммасида (доллар, фунт, марка) кўрсатилади.

3-пунктнинг 4-устунида 3-устундаги даромадларнинг сўмга қайта ҳисобланган суммаси кўрсатилади. Бу суммани солиқ инспектори ҳисоблади.

3-пунктнинг 5-устунида даромад олган мамлакатда тўланган (ушланган) солиқ суммаси кўрсатилади. Ушланган солиқ суммаси солиқ ушланган валютада кўрсатилади. Агар даромад олинган мамлакат солиқ идорасининг солиқ тўлаганлик тўгрисида холосаси бўлмаса, бу устун тўлғазилмайди.

3-пунктнинг 6-устунида даромад олган мамлакатда ушланган (тўланган) солиқнинг сўмдаги эквиваленти кўрсатилади. Шу устундаги чизиқ тагида Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича ҳаракатдаги ставка билан ҳисобланган солиқ суммаси ёзилади.

Фуқаронинг чет элда 1998 йилда олган даромади ва тўланган солиқ суммасига мисол келтирамиз:

№	Даромад олган мамлакат	Даромад олган кун	Олинган даромад		Чет элда тўланган солиқ	
			Чет эл валюта-сида	Сўмда	Чет эл валюта-сида	Сўмда
1.	Англия, Лондон Sotheby, Co	20.07.97	300 USg	15300	35USg	1785
2.	АҚШ. Бостон Microsoft. Corp.	03.09.97	450 USg	50350	285 USg	15105

3.	Россия, С.Петербург Музей этнография	06.11.97	800 USg	44800	—	—
4.	Жами	—	—	110450	—	<u>16890</u> 12000

Декларациянинг 1-бўлими 4-пунктида солиқ ушлаш солиқ идоралари томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидан олган даромад ва қилинган харажатлар кўрсатилади.

Тўртинчи пунктнинг 1-устунида фаолият турлари кўрсатилади. Масалан, шим тикиш, уйни ижарага бериш ва бошқалар.

Иккинчи устунда аниқ фаолият турларидан олинган даромад кўрсатилади.

Учинчи устунда иккинчи устундаги олган даромадлари учун қилинган харажатлар кўрсатилади. Қилинган харажатлар хужжатлар билан тасдиқланган ва тадбиркорлик мақсадида қилинган бўлиши лозим.

Тадбиркорнинг шахсий истеъмоли учун қилинган харажатлари инобатга олинмайди ва бу ерда кўрсатилмайди.

Тўртинчи пунктнинг тўртинчи устунида даромад солиги ушланиши зарур бўлган даромад кўрсатилади.

Бешинчи устунда тадбиркорнинг солиқ идорасининг хабарномасига асосан тўлаган солигининг бўнак суммаси ёзилади.

Агар солиқ идораси бўнак суммасини ҳисобламаган бўлса-ю, фуқаро корхона, ташкилотларда олган даромадидан тўлов манбаида солиқ тўлаган бўлса ҳам шу устунда кўрсатилади.

Декларациянинг 1-бўлими 4-пункти учун фуқаро Ёқубовнинг даромади мисолида тўлдириш тартибини кўрамиз:

№	Даромад олган фаолият турлари	Олинган ялши даромад суммаси	Даромад олиш учун қилинган харажатлар суммаси	Солиқ ушланиши лозим бўлган даромад	Солиқ идораси хабарномасига биноан тўланган бўнак суммаси
1.	Комиссион савдо орқали со-тилган товарлар суммаси	8000	3200	4800	1155
2.	Имаратни ижа-рага бериш	12000	—	12000	3712,5
3.	Жами	20000	3200	16800	4867,5

Декларациянинг 1-бўлим 5-пунктида дивиденdlар ва фоизлар тариқасида қимматли қофозлар муомаласидан олган

даромадлар ва шу даромадлардан ушлаб қолинган солиқ суммаси күрсатиласди.

Олтинчи пунктта олинган моддий ёрдам суммаси күрсатиласди. Етгинчи пунктта олинган қимматбаҳо совғалар суммаси күрсатиласди.

Декларациянинг 2-бўлимида солиқ тўловчи ўзининг йиллик жами даромадидан қандай чегирмалар чиқариши тўғрисида маълумот беради.

Декларациянинг 3-бўлимида ҳисобот йилида олинган, ундан солиқ ҳисобланиши лозим бўлган ҳақиқий даромад ҳамда келгуси йил учун кутилаётган даромад ва солиғини солиқ органи ҳисоблаб, кўрсатадиган солиғи ёзилади.

Декларациянинг 4-бўлимида ҳисобот йилида олган ҳақиқий даромаддан солиқ ҳисоби ва келгуси йилнинг кутилаётган даромадидан солиқнинг бўнак суммаси аниқланади.

Солиқ ҳисобини тузиш учун аввалги пунктларнинг устунларида кўрсатилган даромадлар ва солиқ суммаларининг якунини жамлаб чиқамиз. Оддий қилиб айтганда, солиқ ҳисобини Ёқубов декларацияси мисоли асосида чиқарамиз.

Жисмоний шахс Ёқубовнинг 1998 йил учун солиқ ҳисоби (сўм)

№	Кўрсаткичлар	Тўловчи томонидан тўлдирилади	Солиқ идораси томонидан тўлдирилади
1.	Жами даромад суммаси	$72000+2200+110450+$ $+16800=201450$	
2.	Жами даромаддан чегирмаларнинг умумий суммаси	11100	
3.	Солиқда тортиш обьекти	190350	
4.	Ҳисобланган солиқ суммаси	62902, 5	
5.	Йил мобайнида тўланган солиқ суммаси	$16695+330+12000+$ $4867,5=33892,5$	
6.	Кўшимча тўлаш учун ҳисобланди	29010	
	Камайтиришга ҳисобланди	—	

1998 йилги фуқаро Ёқубов даромадидан ҳақиқий олинган солиқ шу йилнинг ўзгаришлари киритилган дифференциал ставкаси билан (Солиқ Кодексининг 55-моддаси) ҳисобланган.

Солиқ ҳисоби бўйича 29010 сўм қўшимча солиқ суммасини фуқаро Ёқубов 1 июнни кутмасдан тўлаб юбориши мумкин.

Солиқ ҳисобини, декларациядаги маълумотлар асосланганлигини кўриб, солиқ инспектори декларация тақдим қилинган куннинг ўзидаёқ текшириб, натижасини тасдиқлаб беради.

Қайтариш учун саволлар

1. Кимлар жисмоний шахслар даромадига солиқ тўловчилар бўлади? Жами даромад ва солиқقا тортиладиган даромад нима?
2. Жисмоний шахсларнинг жами даромадидан қандай чегирмалар берилади?
3. Жисмоний шахслар даромадига солиқдан имтиёзлар неча турдан иборат ва уларнинг таркиби қандай?
4. Чет эллик жисмоний шахсларни солиқقا тортишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
5. Жисмоний шахслар даромадига солиқни ҳисоблаш тартиби қандай?
6. Жисмоний шахслар даромадига солиқни тўлов манбаида ушлаш тартиби қандай?
7. Жисмоний шахсларнинг солиқ декларациясини тақдим этиши ва ундан солиқ тўлаш тартиби қандай?
8. Жисмоний шахслар даромадига солиқни тўлаш муддатлари қачон амалга оширилади?
9. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тўлғазиш тартиби қандай?

2-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛК СОЛИФИ

1. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛК СОЛИФИНИ ТЎЛОВЧИЛАР, ОБЪЕКТИ ВА СОЛИҚ СТАВКАСИ

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган жисмоний шахслар мол-мулк солифи тўловчилари бўлиб ҳисобланади. Демак, жисмоний шахслар мол-мулки солиқ обьекти бўлади.

Солиқقا тортиладиган обьект икки гурухга бўлинади:

1. Жисмоний шахсларнинг уй-жойлари, квартиralар, чорбоғ ва боғ уйлар, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва ишоотлар қиймати (инвентар қиймати).

2. Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган автомобиллар, иторли қайиқлар, вертолётлар, самолётлар ва бошқа транспорт воситаларидвигателларининг қуввати солиқ солиш бъекти бўлиб ҳисобланади.

Солиқ ставкаси ҳар йили келгуси молия йилига Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тасдиқланадиганда Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланади.

Масалан: 2000 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг 554-он Қарори билан жисмоний шахсларнинг мол-мулкига қуидаги солиқ ставкалари белгиланган :

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиги ставкалари

№		Ўлчов бирлиги	Солиқ ставкаси
1	Уй-жойлар, квартиralар, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотларнинг инвентар қиймати — қиймати ўзгартирилган	%	0,25 %
	Киймати ўзгартирилмаган	%	4%
2	Транспорт воситалари моторининг кучига қараб енгил автомобиллар — ҳар бир от кучига	Сўм	76,2
	ёки ҳар бир квт қувватига	Сўм	105,8
	Мотоцикллар ва мотороллерлар — ҳар бир от кучига	Сўм	45, 4
	ёки ҳар бир квт қувватига	Сўм	60, 8
	Юк автомобиллари, автобуслар, микроавтобуслар, бошқа ўзи юрар машиналар, моторининг қувватига қараб — ҳар бир от кучига	Сўм	152,3
	Ҳар бир квт қувватига	Сўм	204,7
	Моточаналар, яхталар, катер ва моторли қайиқлар моторининг кучига қараб-ҳар бир от кучига	Сўм	38,4
	Ҳар бир квт қувватига	Сўм	52,0
	Самолётлар, вертолётлар, теплоходлар — ҳар бир от кучига	Сўм	152,3
	Ҳар бир квт қувватига	Сўм	204,7

Мулкларни баҳолаш идоралари томонидан баҳоланманган бўлса, Тошкент шаҳри ва вилоятлари марказлари учун 1000,0 минг сўм ва бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойлари учун 500, 0 минг сўм қилиб шартли қиймат белгиланган.

2. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИҚДАН ИМТИЁЗЛАР

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқдан имтиёзлар ҳам обьектида бўлгани каби 2 гурухга бўлинади: транспорт воситаларига, курилиш, иморат ва иншоотларга берилади.

Транспорт воситалари бўйича мол-мулк солигидан қўйидаги фуқаролар озод этилади:

— хизматни ҳаракатдаги армия таркибиغا кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтадиган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, 1941—1945 йиллардаги уруш ҳамда собық СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтингча бўлган қўшиналарнинг чекланган таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўкув ва синов йигинларига чақирилган ҳарбий хизматта мансублар озод этилади;

— мотоараавачалар ва қўлда бошқариладиган автомобиллари бўлган ногиронлар озод этилади;

— Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахслар озод этилади.

Иморатлар, иншоотлар ва бинолар бўйича қўйидаги жисмоний шахслар солиқ тўлашдан озод этилади:

— Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахслар;

— 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахслар, ҳаракатдаги армия таркибиغا кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар, Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собық тутқунлари, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтингча бўлган қўшиналарнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўкув ва синов йигинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбур шахслар;

— Қаҳрамон оналар, шунингдек, ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёллар;

— Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тутатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқаролар (шу

жумладан, у ерга вақтингча ёки хизмат сафарига юборилган шахслар);

- пенсионерлар, шунингдек, 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари;
- муддатли ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари — хизматни ўташ даврида;

— ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш тифайли ортирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва қайта турмуш курмаган рафиқалари (эрлари);

— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизматчилари жумласидан бўлган ногиронлар, ички ишлар органларининг хизмат вазифаларини адо этётганда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий хизматчилар жумласидан бўлган шахслар солиқдан озод этиладилар.

Юқорида назарда тутилган имтиёзлар мол-мулк эгасининг танловига қараб, мол-мулкларининг ҳар бир тури бўйича фақат бир обьектга таалуқли бўлади.

Йил мобайнинда солиқ тўловчиларда мол-мулк солиғи бўйича имтиёз олиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда уларга солиқ тўлашдан имтиёз олиш ҳуқуқи пайдо бўлган ойдан бошлаб амалга оширилади.

Йил ичида мол-мулк солиғи бўйича имтиёз йўқотилган ҳолатда мулкларни солиққа тортиш ҳуқуқи йўқотилган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

3. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблаш солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Мол-мулк солиғидан имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар солиқ хизмати органларига керакли хужжатларни тақдим этадилар.

1. Имаратлар, бинолар ва иншоотлар бўйича мол-мулк солиғи ҳар йили 1 январдаги ҳолати юзасидан коммунал хизмат кўрсатиш идоралари берадиган инвентаризация қийматига доир маълумотлар асосида, маълумотлар бўлмаган тақдирда эса — мазкур обьектларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўйган сумма атрофида солиққа тортилади.

2. Транспорт воситаларига солинадиган мол-мулк солиги давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли идораларнинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилади. Бундай идорага ДАН хизмати идораси ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” компанияси киради.

Иморатлар, бинолар ва иншоотлар бир қанча мулкдорларга тегишли умумий ҳиссали мулк эгалари бўлганда солиқ ҳар бир мулкдорнинг иморатлари, бинолар ва иншоотлардаги ҳиссасига қараб ҳисобланади.

Янги қурилган ёки сотиб олинган мулклар бўйича солик келгуси йил бошидан бошлаб ҳисобланади.

Янги сотиб олинган транспорт воситалари бўйича мол-мулк солиги сотиб олинган ойидан кейинги ойдан ҳисобланади.

Давлат автомобиль назорати томонидан ҳисобдан чиқарилган автомобиллар ва мотоцикллар бўйича солиқ ҳисобланмайди.

Мерос бўйича ўтган мол-мулкдан солиқ меросхўрлардан мерос очилган пайтдан бошлаб ундирилади. Мол-мулк йўқ қилинган, бутунлай вайрон бўлган ҳолларда мол-мулк солиги ундириш улар йўқ қилинган ёки бутунлай вайрон бўлган ойдан эътиборан тўхтатилади.

Мол-мулкка мулк ҳуқуқи календаръ йил давомида бир мулкдордан бошқасига ўтганда солиқни биринчи мулкдор ўша йилнинг 1 январидан бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошигача тўлайди, янги мулкдор эса мулк ҳуқуқини қўлга киритган ойдан эътиборан тўлайди.

Календаръ йил давомида имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда мол-мулк солиги ана шундай ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мол-мулк солигини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга солиқ органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктиримай топшириллади. Тўлов хабарномаси ёзилмасдан мол-мулк солиги тўланмай қолса, фуқаролар айбор эмас, бу солиқ идорасининг камчилиги бўлади. Жисмоний шахслар мол-мулк солигини тенг улушларда йилига икки мурдатда тўлайди: 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктиримай солиқ тўланиши керак.

Ҳар йили 1 январь ҳолатига солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш суғурта идоралари, коммунал хўжалик органлари ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” компанияси маълумотларига асан амалга ошириллади.

Қайтариш учун саволлар

1. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини тўловчиларга кимлар киради?
2. Солиқ объекти неча гуруҳга бўлинади ва солиқ ставкаси-ни ким белгилайди?
3. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғидан қандай имтиёзлар олинади?
4. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини ким ва нима асосида ҳисоблайди?
5. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини тўлаш муд-датлари қандай?

3-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИФИ

1. ЕР СОЛИҒИНИ ТЎЛОВЧИЛАР ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН ЕР СОЛИФИ ОБЪЕКТИ

Ўзбекистон солиқ қонунчилигида ерлар ўз мулкида, эгалигига ёки фойдаланишида деган тушунчаларга эга. Амалийта эса жисмоний шахслар ерлари томорқа ерлари ва қўшимча ташқаридан олинган ерларга бўлинади.

Ўз мулкида, эгалигига ва фойдаланишида ер участкала-рига эга бўлган жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилар бўлиб ҳисобланади.

Ер солиғи тўловчиларни ҳар йили йил бошида солик идоралари ҳисобни олиб борадилар.

Жисмоний шахслар учун солиқ солиш объекти ер участ-калари ҳисобланади.

Бундай участкалар куйидагича хилма-хил объектларга эга:

- 1) тураржойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- 2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ерлар;
- 3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;
- 4) хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берил-ган чек ерлари;
- 5) мерос бўйича ҳадя қилиниши ёки сотиб олиниши на-тижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш ҳукуқига эга бўлган ерлар;
- 6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7) тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари ер солиғининг объектларидир.

2. ЕР СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ ВА ЕР СОЛИФИДАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Ер солиғи ставкалари ҳар йили янги йил учун бюджет тасдиқланадиганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ер участкаси жисмоний шахсга ажратилгандан сўнг ернинг сифати солиқ тўловчининг айби билан ёмонлашганда солиқ ставкаси йил бошида белгиланган ставка билан ҳисоблаб борилади.

Шаҳарлар ва шаҳар қўргонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади.

Берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи 1,5 баравар миқдорида ундирилади.

Маъмурий жавобгарлик кодексига биноан (60-модда) ерларни ўз хоҳиши бўйича эгаллаб олган фуқароларга 5 каррадан 10 каррали минимал иш ҳақи миқдорида жарима солинади. Жиноий жавобгарлик кодексига биноан эса (229—1) маъмурий жавобгарлик тайинлангандан сўнг фуқаро ўз хоҳиши билан ерни эгаллаб олса, 50 каррадан 100 каррагача минимал иш ҳақи миқдорида жарима ёки 3 йилгача тарбиялаш ишларига жалб этилади ёки 6 ойгача қамоқ жазоси берилади ёки 3 йилгача эркинликдан маҳрум этилади.

Агар ерлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига мувофиқ ижарага олинган бўлса жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига ижара ҳақи тўлайдилар.

Ижара ҳақи тарафларнинг келишуви асосида белгиланади, лекин бу ҳақ қонун хужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланганда эса — бир ставкаси миқдорида бўлиши лозим. Ҳозирча ҳамма ерлар, шу жумладан, ўз хоҳишича эгаллаб олинган ерлар учун ягона ставкада солиқ тўланади.

Ер солигидан имтиёзлар икки хил бўлади:

— жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган ер участкалари;

— ер солиги тўлашдан тўлиқ озод қилинган жисмоний шахслар.

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган ер участкаларига қўйидаги ерлар киради:

Якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида берилган ерлар — ер участкаси берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга солиқ солинмайди. Агар ердан ўз ўрнида фойдаланилмаса, бу имтиёз кўлланилмайди.

Ер кодексининг 55-моддасига биноан қишлоқ хўжалик ўюшмалари аъзоларига, муассасалар ва ташкилотлар ходимларига шу ташкилотлар худудларида деҳқон хўжалиги юритиш учун сугориладиган ерлардан 0, 35 гектаргача, лалмикор ерлардан 0,5 гектаргача, яйловлардан 1 гектаргача меъёрларда ер ажратиб берадилар. Бу фақат қишлоқ жойларида яшовчи деҳқон хўжаликларида берилади.

Ер кодексининг 27-моддасига биноан шаҳар ва қўрғонда яшовчиларга якка тартибда уй-жой қуриш учун 0, 06 га ер ажратиб берилади.

2. Ер солиги тўлашдан тўлиқ озод қилинган жисмоний шахсларга қўйидагилар киради:

1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2) Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мехнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала дараражали Шуҳрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

3) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўкув ва синов йигинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4) ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилганлар, ҳарбий хизматчиларнинг оиласлари— хизмат муддатига;

5) I ва II гурӯҳ ногиронлари;

6) ёлғиз ва персонал пенсионерлар (бошқа пенсионерлар ер солигини умумий асосда тўлайдилар);

7) бокувчисини йўқотган кўп болалик оиласлар;

8) концентрацион лагерларнинг собиқ тутқунлари, Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тутатишда иштирек этган шахслар;

9) күчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.

Ушбу имтиёзлар якка тартибда уй-жой куриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун хужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасида ер участкалари берилган жисмоний шахсларга нисбатан тадбиқ этилади. Меъёрдан ортиқ ер эгаллаган фуқаролар ўша ерлар учун солиқ тўлайдилар.

3. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ЕР СОЛИФИНИ ҲИСОБЛАШ ВА СОЛИҚНИ ТЎЛАШИ МУДДАТИ

Жисмоний шахслар ер солифини ҳисоблаш учун солиқ идоралари шаҳар, туман ер фонди маълумотлари, ҳокимликларнинг қарорлари асосида ҳамда уйма-уй юриб текшириш ўтказиши натижасида ер учаскалари майдонини аниқлаб чиқадилар.

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиги солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқилади ва тўлов хабарномаси ёзилади. Ер солифини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси ҳар йили солиқ идоралари томонидан 1 майдан кеччикирмай жисмоний шахсларга етказилади ва у жисмоний шахсларга шахсан топширилиши лозим.

Жисмоний шахслар ер солифини жорий йилнинг 1 ноябрiga қадар тўлашлари керак. Акс ҳолда, солиқдан боқиманда пайдо бўлади ва қўшимча солиқдан ташқари, пеня ҳам тўлашга тўғри келади.

Солиқ ўтган йилларда ундирилмаган бўлса, солиқ идоралари аввалги уч йил учун солиқ ҳисоблаб ундириб олишга ҳақли. Ўтган йиллар учун ундирилмаган солиқ суммасига пеня ҳисобланмайди.

Қайтариш учун саволлар

1. Кимлар ер солиги тўловчилар бўлиб ҳисобланади?
2. Жисмоний шахсларнинг ер солиги обьектига нималар киради?
3. Ер солиги ставкасини ким ва қачон белгилайди?
4. Ер солигидан қандай имтиёзлар мавжуд?
5. Жисмоний шахслар ер солифини ким ва қандай ҳисоблайдилар?
6. Ер солифини тўлашнинг охирги муддати қачон?

4-БОБ. БОШҚА СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР

Ҳар йилнинг охирида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси келгуси йил учун давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаб беради.

Ана шу Вазирлар Маҳкамасининг қарорида маҳаллий давлат идоралари киритиши мумкин бўлган солиқлар ва йигимларнинг чегара ставкаларини белгилаб беради. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сонли қарори билан 2000 йил учун уларга қуйидаги ставкалар белгиланган:

№	Солиқлар номи	Чегара ставкаси
1	Ободончилик ишлари йигими	Хўжалик ихтиёрида қолдирилган фойдалан 2 фоиз
2	Реклама солиги	Хизмат қўйматидан 15 фоиз
3	Юридик ва жисмоний шахсларнинг автомобиль воситаларини қайта сотиш солиги	Битим суммасидан 17 фоиз
4	Савдо ҳукуқи йигими	Ҳар ойда 3,5 минимал иш ҳақи миқдорида
5	Алоҳида товарларни сотиш ҳукуқи, шу жумладан, алкогол ичимликлар учун лицензия йигими	Савдо қилган ой учун 5 минимал иш ҳақи миқдорида
6	Ишбилармонлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йигими	5 минимал иш ҳақи миқдорида
7	Автотранспорт турар жойи йигими ва солиги	1 соат тургани учун 50 сўм
8	Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги.	Хўжалик ихтиёрида қолгая соғ фойдалан 6 фоиз миқдорида

Солиқ ва йигимлар ставкалари ҳар йили ўзгариб туриши ва маҳаллий бюджетларга баъзи бир йигимлар қўшимча ўрнатилиши мумкин.

1. ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИФИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Бу солиқни тўловчилар бўлиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар, шу жумладан, чет эл инвестицияси билан ташкил этилган юридик шахслар ҳисобланади.

Бу солиқни тўловчилар таркибига тадбиркорлик билан шуғулланмайдиган нотижорат ташкилотлари, ягона солиқ

тўловчи кичик корхоналар, ягона ер солиги тўловчи қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилар ва ҳукумат фармонлари ва қарорлари билан ҳамма солиқлардан озод этилган корхоналар кирмайди.

Ихтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг обьекти бўлиб ҳамма солиқларни тўлаб бўлгандан кейинги фойда ҳисобланади.

У фойда (“Молиявий якун тўғрисидаги ҳисбот”нинг) солиқда тортилгунга қадар фойдадан (170-сатр) даромад солиги суммасини (180-сатр) чегириб ташлаб, ўша суммадан 6 фоиз миқдорида ҳисобланниб бюджетта ўтказилади.

Агар корхона молиявий ҳисботнинг 170-сатрида зарар кўрилган бўлса, бу корхона бундай солиқдан озод этилган.

Ҳар чоракда корхоналар жорий тўлов тўлайдилар. Бу тўлов суммасини аниқлаш учун аввалги чоракдаги ҳақиқий деб ҳисобланган суммасидан келиб чиқиб тўланади.

Жорий тўловлар ҳар ойнинг 25-санасидан кечиктиргай чораклик солиқ суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўлаб борилади.

Солиқ ҳисоби солиқ идораларига чораклик ва йиллик молиявий ҳисботлар топширилган кундан кечиктиргай топширилади.

Чораклик (яrim йиллик, тўққиз ойлик, йиллик) ҳисботлар тузиши билан корхоналар солиқ ҳисобини тузадилар ва ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб солиқни тўлайдилар.

Автотранспорт воситалариниң қайта сотиш солигини 1999 йилдан бошлаб ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар тўлайдилар. Солиқ обьекти автотранспорт сотиш битимишидир. Солиқ ставкаси 17 фоиз бўлиб битим суммасидан ҳисобланади.

Реклама солиги тўловчилар бўлиб ўз товарлари, хизматлари, ишларини реклама қилувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Реклама солиги реклама хизмати қийматидан 15 фоиз қилиб белгиланган. Рекламага ҳужжатлар, ҳайвонлар йўқотганлиги тўғрисидаги эълонлар ва таъзия хабарлари кирмайди.

Бу солиқдан қўйидагилар тўлиқ озод этилади:

1) Ноишлаб чиқариш сфераси юридик шахслари аҳолига хизмат кўрсатиши бўйича иш тартиби, таъзия ва бошқа чоратадбирларни эълон қилсалар;

2) Жисмоний шахслар таъзия изҳор қилсалар, ҳужжатларини йўқотганлик тўғрисида эълонлар берсалар солиқка тортилмайди.

2. БОШҚА ЙИГИМЛАР

Ободончилик ишлари учун йигим ҳам маҳаллий солиқлар ичида катта аҳамиятга эга. Бу йигимиң юридик шахслар фойдадан ҳамма солиқларни тұлаб бўлиб қолган корхонанинг соғ фойдасидан 2 фоиз миқдорида тўлайди. Бу йигим ҳар чорак тугагандан кейинги ойнинг 25 санасига йигим ҳисоби берилади ва ҳисоб берилган кундан кечиктирмай тўланади. Бу ерда ҳам молиявий ҳисоботнинг 170-сатридан шу чорак учун ҳисобланган даромадга солиқ суммасини чегириб ташлаш керак. Қолган сумма солиқ обьекти бўлади. Ундан икки фоиз солиқ ҳисоблаб бюджетта ўтказиш лозим.

Бюджет ташкилотлари қўшимча даромад олганда ҳам бу солиқдан озод этилганлар.

Бошқа йигимлар юқорида кўрсатилган жадвал бўйича ҳисобланади ва бюджетта тўланади.

Бошқа солиқ йигимларидан ташқари давлат бюджетига бошқа даромадлар ҳам тушади (конфискация қилинган мулкларни сотищдан тушум, темир йўл, ҳаво йўли ва алоқа идораларида эгасиз, сўраб олинмаган буюмлар, юкларни сўров муддати тугагандан сўнг сотиб, бюджет даромадига тушириш ва бошқалар). Уларни ҳисоблаш ва бюджетта тушириш алоҳида тартиб, қоидаларга асосан амалга оширилади.

3. САВДО ҲУҚУҚИ ОЛИШ ЙИГИМИ

Ўзбекистон ҳудудида чакана савдо тармоқлари орқали савдо қилувчи жисмоний ва ҳуқуқий шахслар йигим тўловчилари бўлиб ҳисобланади. Солиқ обьекти муҳим савдо шоҳобчасидир. Солиқ ставкаси ҳар бир савдо қилинган ой учун 3, 5 минимал иш ҳақи миқдорида белгиланади. Солиқ ҳисоби берилмайди. Йигим савдо қилувчилар томонидан гувоҳнома ёки бир йўла йигим тўлагандан олинади. Бу йигим маҳаллий бюджетта тушади.

Савдо ҳуқуқи йигимидан қўйидагилар озод этилади:

- 1) нон ва гўшт маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар билан савдо қилувчи давлат корхоналари;
- 2) ўқув ва медицина муассасаларига хизмат кўрсатувчи ҳудудларда жойлашган (нотижорат) савдо тармоқлари;
- 3) йигимдан 50 фоизга озод бўладилар:
 - а) дорихоналар, рўзнома ва ойнома сотувчи киоскалар, салқин ичимликлар сотувчи савдо тармоқлари;
 - б) мельерий товарлар сотувчи савдо тармоқлари;
4. бир йўла савдо йигимидан тўлиғича озод этиладилар:

а) давлат томонидан ташкил этиладиган халқ сайиллари; байрамларга бағишиланган тадбирларга жалб қилинган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар;

б) ижтимоий ҳимояланмаган фуқароларга бепул мәхр-шафқат нонушталарини ташкил этувчи ҳуқуқий ва жисмоний шахслар савдо йиғимидан түлиқ озод этиладилар.

Агар ҳуқуқий шахслар Республиканынг бошқа жойларидан қишлоқ хұжалик маҳсулотларини көлтириб сотсалар ҳам 50 фоиз йиғим ставкасидан озод этиладилар.

2000 йилдан баштап мағаллий бюджетлар даромади сифатида мемлекеттің ортиқ тайёр маҳсулоттар қолдигига уларнинг ҳақиқияттың таннархидан 2 фоиз ҳақ жорий этилген.

Эркин алмаштириладиган валюта сотиб олиш йиғими

Бу йиғимни Ўзбекистоннинг ички валюта бозоридан эркін алмаштириладиган ва бошқа чет эл валютаси операциясини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасынинг норезидентлари) түлайдилар.

Йиғим обьекті бўлиб чет эл валютасини бозордан сотиб олгандаги миллий валюта суммаси ҳисобланади. Йиғим миқдори суммага нисбатан 5 фоиз қилиб белгиланган. Давлат бюджети ҳисобидан сотиб олинган чет эл валютаси учун йиғим олинмайди. Йиғим ҳисобини юридик шахслар ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасигача ҳар ойда солик идораларига топширадилар. Йиғим эса чет эл валютаси сотиб олинаётган пайтда тўланади.

Қисқа муддатли автотураржойлардан қайд қилинган солиқ ва йиғим олиш тартиби

Қайд қилинган солиқ ва йиғим тўловчилари бўлиб автотранспортларни қисқа муддатга сақловчи автотураржой эгалари ҳисобланади.

Автотранспортни қисқа муддатли сақловчи автотураржой эгалари деганда аэропорт, вокзаллар, бозорлар, иирик савдо мажмуалари, маданий-оммавий муассасалар ва бошқа обьектлар олдида жойлашган жойлар ҳисобланади.

Вақтингча автотранспортни қўриқлаш хизмати ҳуқуқини беришга қарорни расмийлаштириш учун 20-карралы минимал иш ҳақи миқдорида йиғим ундирилади ва у мағаллий бюджеттега тушади.

Автотураржой учун қайд қилинган солиқнинг чегара ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Солиқнинг аниқ миқдорини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Конгиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри юқимиятлари белгилайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 августдаги 387-сон қарори билан автотураржойлар учун қайд қилинган солиқнинг қўйидаги чегара ставкаси белгилаган:

Автотураржой майдони сатҳи	Ҳар ойда автотураржоидан олинадиган солиқ миқдори
500м ² гача	20 мин.иш ҳақи миқдорида
500-1000 м ² гача	20 дан 45 мин.иш ҳақигача
1000-1500 м ² гача	45 дан 70 мин.иш ҳақигача
1500-2000 м ² гача	70 дан 90 мин.иш ҳақигача
2000-2500 м ² гача	90 дан 115 мин.иш ҳақигача
2500 м ² дан ортиқ	115 дан 140 мин.иш ҳақигача

Автотураржойлардаги бошқа хизматлар учун олинган ҳаромад умумий тартиб билан солиққа тортилади (фойдага солиқ, ҚҚС, экология солиги ва бошқа фойдадан маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқлар).

Қайд қилинган солиқ ҳар чоракда ҳисобот ойидан кеёнги ойнинг 15-санасигача тўланади. Солиқ ҳисоби чоэклик ва йиллик ҳисобот топширгандага йил бошидан ҳисобтаб бориш тартибида топширилади.

Қайтариш учун саволлар

1. Бошқа солиқлар ва йигимлар таркибига нималар киради?
2. Бошқа солиқлар ва йигимларнинг чегара ставкасини ким белгилайди?
3. Бошқа солиқлар ва йигимларнинг аниқ ставкаларини ким белгилайди?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995 й.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997 й.
3. Каримов И. А. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2000 й. 23 январь.
4. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш — фаровонлик пойдевори. Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якуларига бағишлиб ўтказилган мажлисадаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2000 й. 22 июль.
5. Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Халқ сўзи”, 2000 й. 15 август.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини хуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида. “Солиқ тўловчилар журнали”. 2000 й. 6-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Т., 1997 й.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон республикаси давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Конуни, “Халқ сўзи”, 1997 йил 29 август.
9. Абдуллаев Ё. А., Яҳёев Қ. Солиқ: 100 савол ва жавоб. Т., “Меҳнат”, 1997 й.
10. Собиров Ҳ. Р. Туркистонинг давлат молияси тарихи. Т., “Фан”, 1959 й.
11. Акрамов Э. А., Тоиров А. Э. Экономические реформы Республика Узбекистан. М., ТОО “Люкс-арт”, 1998 й.

12. Маликов Т., Абдурахмонов О., Курбонов Р., Мансуров Җ., "Солиқ тизими талаблари: уларни түгри тушунаяпмизми? 'Иқтисод ва ҳисобот" жур. 1996, 3-сон.
13. Яҳёев Қ. Солиқларнинг зарурлиги, моҳияти ва вазифалари. "Солиқ тўловчилар журнали", 1996, 5-6-сонлари.
14. Яҳёев Қ. Солиққа тортишда имтиёзлар керакми? "Солиқ тўловчилар журнали" 1997, 8-сон.
15. Яҳёев Қ. "Ўзбекистонда солиқ тизими" Т., Мехнат", 1998 й.
16. Яҳёев Қ. А. Ўзбекистон солиқлари. Т., 1993 й. Кўлланма.
17. Яҳёев Қ. А. Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз тўловчилари. Т., 1994 й. Кўлланма.
18. Яҳёев Қ. А. Солиқларнинг зарурлиги, моҳияти ва вазифалари. "Солиқ тўловчилар журнали", № 5-6, 1996 й.
19. Яҳёев Қ. А. Необходимость, сущность и функции налогов. "Журнал налогоплательщика". №5-6, 1996 г.
20. Яҳёев Қ. А. Нужны ли льготы по налогообложению. "Журнал налогоплательщика", № 8, 1996 г.
21. Яҳёев Қ. А. Солиққа тортишда имтиёзлар керакми? "Солиқ тўловчилар журнали", №8, 1996 й.
22. Яҳёев Қ. А. Солиққа тортиш тамойилларини такомилаштириш. "Солиқ тўловчилар журнали", № 9, 1996 й.
23. Яҳёев Қ. А. Бремя налогов и их собираемость. "Журнал налогоплательщика", №3, 1996 г.
24. Яҳёев Қ. А. Следует обосновать и экономически. "Журнал налогоплательщика", №3, 1997 г.
25. Яҳёев Қ. А. Иқтисодий жиҳатдан ҳам асослаш зарур. "Солиқ тўловчилар журнали", №3, 1997 й.
26. Яҳёев Қ. А. НДС и его особенности. "Журнал налогоплательщика", №8, 1997 г.
27. Яҳёев Қ. А. Причина возникновения и проблемы ликвидации недоимки "Журнал налогоплательщика", №4, 1998 г.
28. Яҳёев Қ. А. Принципы обязательного налогообложения: Как они действуют? "Журнал налогоплательщика", №9, 1998 г.
29. Яҳёев Қ. А. Солиқларнинг мажбурийлик принципи. "Солиқ тўловчилар журнали", №9, 1998 й.
30. Яҳёев Қ. А. Ўзбекистонда солиқ тизими. Т., "Мехнат", 1998 й. Ўқув кўлланма.
31. Яҳёев Қ. Ихчамлаштириш ва унификациялаш солиқ тизимининг янги концепцияси. "Ўзбекистон иқтисодий ахборот юмаси" жур. №4, 1999 й.
32. Яҳёев Қ., Жалилов У. Боқимандалик илдизи: уни қандай куритиш мумкин? "Солиқ тўловчилар журнали", №5, 1999 й.
33. Яҳёев Қ. Солиқ инспектори қандай бўлиши керак?. "Солиқ тўловчилар журнали", №9, 1999 й.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

I Бўлим. Солиқ назарияси

1-Боб. Фаннинг предмети ва вазифалари	6
2-Боб. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти, зарурлиги ва функциялари	9
3-Боб. Ўзбекистонда солиқларнинг тузилиш асослари	15
4-Боб. Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати	24
5-Боб. Солиқ тизими тушунчаси	31

II Бўлим. Юридик шахслардан олинадиган солиқлар

1-Боб. Юридик шахсларнинг даромадидан (фойдасидан) солиқ	41
2-Боб. Қўшилган қиймат солиги	59
3-Боб. Акциз солиги	74
4-Боб. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиги	79
5-Боб. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ягона ер солиги	85
6-Боб. Юридик шахсларнинг (ноқишлоқ хўжалик) ер солиги	90
7-Боб. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ	97
8-Боб. Экология солиги	101
9-Боб. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиги	104
10-Боб. Кичик корхоналарнинг ягона солиги	108
11-Боб. Савдо ва (ижтимоий) умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш	112

'2-Боб. Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик
шахсларнинг даромади (фойдаси)ни солиқда тортиш. 117

III Бўлим. Жисмоний шахслар солиқлари

- '-Боб. Жисмоний шахслар даромадига солиқ. 124
!-Боб. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи. 148
!-Боб. Жисмоний шахсларнинг ер солиғи. 153
!-Боб. Бошқа солиқлар ва йигимлар. 157

Хүкүқий-иктисодий нашр
Қосым Яхёев
СОЛИҚҚА ТОРТИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ
Дарслик

Мұҳаррир *Жонибек Субхон*
Мусаввир *Anatolij Bobrov*
Бадиий мұҳаррир *Маркос Карпузас*
Техник мұҳаррир *Татьяна Смирнова*
Кичик мұҳаррир *Назми Фозилова*
Компьютерда тайёрловчи *Эля Ким*

ИБ№3909

Босишга 05.10.2000 й. да рухсат этилди. Бичими. $84 \times 108^1 /_{32}$. 8,82
шартли босма тобоқ. 9,0 нашр босма тобоги. Жами 10000 нусха.

К-1526 рақамли буюртма. 112-2000 рақамли шартнома.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Faфур Фулом
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129 Тошкент, Навоий
кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Ижарадаги Тошкент матбаа комбинати.
700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Яҳёев, Қосим.

Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти: (Дарслик).—Т.;
F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000.— 168 б.
Сарл. олдида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳ-
сус таълим вазирлиги, Тошкент молия институти.

Дарсликда солиқ категориясининг бозор иқтисодиёти қонунлари-
дан келиб чиқиши, солиқларнинг моҳияти, функциялари, солиққа тор-
тиш асослари ва тамойиллари, солиқ тизими ва уни гуруҳлаш, Республика-
мизда солиққа тортиш амалиёти механизми ёритилган. Солиқ тўлов-
чилар, солиқ обьекти ва ундан имтиёзлар, солиқларни ҳисоблаш, тўлаш
ва солиқ ҳисобларини тақдим этиши масалалари атрофлича ёритилган.
Дарслик солиқ, молия ва банк тизими мутахассисларни, коллежлар
ва олий ўкув юртлари талабалари учун мўлжалланган.